

С.Йўлдошева, С.Давлатова, Г.Сатторова

“ФОЛЬКЛОР КИЙИМЛАРИ ВА
БЕЗАКЛАРИ”

Тошкент-2006

МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Мустақил яшаш хар бир халқ ёки миллат учун энг қадрли ва улуг неъматдир. Унинг заминида миллионлар тақдири, юрт истиқболи ётади. Фақат мустақиллик шароитидагина ҳар бир миллат ўзини том маънода англаш имкониятига эга бўлади. Чунки мустамлакачилик зулми остида бўлган халқ ёки миллат ўзини-ўзи англаш имконига эга бўлмайди. Бунга босқинчилик ва зўровонлик сиёсати йўл бермайди. Бу сиёсат мустамлакачи давлатнинг ўткир қуроли сифатида миллатни ўзлигидан маҳрум қилишга, унинг қадриятлари, урф-одатлари, расм-русумларини камситишга хизмат қиласди. Бундай сиёсат ёрдамида мустамлакачилар унлаб миллатларнинг тили, маданияти, санъатини камситиб келдилар ва буларга беписандা муносабатда бўлдилар. Турли халқларни миллий ўзлгини англашдан маҳрум қилиш орқали улар ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишга ҳаракат қилиб келдилар.

Маълумки, бундан қарийиб 130 йил муқаддам халқимиз Чор Россиясини мустамлакачилари тузоғига илинган эдилар. Улар томонидан қилинган мудҳиш ишлар кейинчалик шўролар ҳукмронлги даврида янада аянчли бир ҳолда давом эттирилди. Сталин қатағонлари, даврида эрки, ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинди. Ўша даврларнинг мудҳиш воқеалари туфайли миллий туйғу, миллий ғуур, миллий онг, миллий мафкура сингари миллатнинг ўзлигини ифода қилувчи қадриятларнинг аҳамияти тушкунликка юз тутди. Бундай шароитда миллий ўзликни англаш эмас, балки ундан бегоналашиш ходисаси кескинлашиб борди. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов барча бедодликларнинг асл сабаби босқинчилик ва зуровонликнинг натижаси эканлигини ўз асарларида қайта-қайта таъкидлаб келмоқда: «Узоқ тарихимиздан маълумки, хар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда ҳукмрон қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниятларига эришиш учун аввало миллий маданият ва анъаналаримизни йўқ қилиш, шу йўл билан бизни маънавий жиҳатдан заифлаштиришга. куч-кудратимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар. Бу хақиқатни хеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз

керак ».

Бироқ ҳар қандай босқинчиликлар ва зўравонликларга қарамай ўзбек халқи ўзлигини йўқотмади, уни асраб-авайлади ва бугунги муқаддас кунларга олиб келди.

Халқимиз бошига тушган бедодликларга чек қўйган мустақиллик айни пайтда, миллий уйғониш, миллий тикланиш, миллий ўзликни англаш учун чексиз имкониятларни вужудга келтирди. Бинобарин, мустақиллик ийларидағи олға силжишлар, тарихимиз ва она тилимизни қайтадан тиклашда, унитилган удумларимиз, қадриятларимизга қайтишда, динга бўлган муносабатларимизнинг ўзгаришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу соҳада қилинган амалий ишлар ва эришилаётган муваффақиятлар бугунги кунда миллий ўзликни англаш борасидаги муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Миллий ўзликни англаш шунчаки орзу-истак билан амалга ошмайди. Бунинг учун мустақилликка эришишнинг узи кифоя қилмайди. Миллий ўзликни англаш учун маънавий қадриятларни қайта тиклаш, унинг имкониятлари ва афзалликларидан самарали фойдаланиш, маънавий - маърифий соҳадаги муаммоларни ҳал эта бориш ҳам талаб қилинади.

Бугунги кунда миллий ўзликни англашнинг энг долзарб масалалридан бири-бу Ватанимизнинг ҳаққоний тарихини яратишдан иборат. Бинобарин, Президентимиз И.А.Каримов жуда тўғри хулоса қилганидек, «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш - ҳаётдан жудо бўлиш демакдир».

Тарих ҳар бир халқнинг хаёти ва турмуши ўтмишда қандай кечганлиги, у жаҳон цивилизациясида қандай ўрин эгаллаганлиги ҳақида маълумот беради. Шунинг учун ҳам ўзлигини англамоқчи бўлган халқ ва миллат учун ўз тарихини билишдан муҳимроқ вазифа йўқ.

Миллатнинг ўзлигини англашда унинг ўз тилига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир. Тил орқали ҳар бир миллат ўзлигини англайди ва англатади. Тилидан жудо бўлган миллат ўзлигини англашдан ҳам жудо

бўлади. Шунинг учун ҳам босқинчилар ўз хукмронлигининг дастлабки кунлариданоқ ерли аҳолининг тилини камситишга ва келажакда уни йўқ қилишга ўринганлар. Ўзбекистонда фақат Чор Россияси генераллари эмас, ҳатто шўролар ҳокимияти ҳам ўзбек тилини сунъий равишида чеклаб қўйиш, уни муомаладан аста-секин сиқиб чиқариш сиёсатини очиқ-ойдин амалга оширганлиги бунга аниқ мисолдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий ўзликни англашнинг долзарб муаммоларидан яна бири миллий қадриятларни-халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ва хаётининг мазмунига айланиб келган урф-одатлари, расм-руsumлари, анъаналарини қайта тиклашдан иборатдир. Мустақиллик йилларида бу соҳада бир қатор муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Наврӯз, Рўза ва Қурбон ҳайитларининг қайтадан тикланиши, ўтмиш маънавий меросини ўрганиш борасидаги ишларнинг бошлаб юборилганлиги ўзбекона тўйлар ёки маъракаларнинг ўtkазила бошлаганлиги, халқимизнинг дунёқарашида бўлаётган ўзгаришлар миллий ўзликни англашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Халқимиз томонидан ўтмишда ардоқлаб келинган ва улар хаётининг мазмунига айланган хилма-хил урф-одатлар, расм-руsumлар, анъаналарни қайта тиклаш миллий ўзликни англашдаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу омилдан амалда фойдаланиш миллий мафкуранинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз И.А.Каримов «Мулокот» журнали муҳбирининг саволларига берган жавобларида бу омилнинг миллий мафкурани шакллантиришда ва шу асосда миллий ўзликни англашдаги аҳамиятини қуидагича жуда аниқ қилиб таърифлаб берган эди: «Миллий мафкура, авваломбор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт».

Миллим ўзликий англаш хар бир кишида ватанпарварлик хиссини уйғотади.

Миллим ўзлигини англамаган инсон Ватанин севиш, унга меҳр билан муносабатда бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон ўзлигини қанчалик кўп ва қанчалик чуқур англаб борса, бу унда ватанпарварлик хиссасини шунчалик кўп ошиб боришига сабаб бўлади.

Халқпарварлик инсонпарварлик туйғулари ҳам миллий ўзликни қанчалик англаш билан чамбарчас боғлиқдир. Миллий жиҳатдан ўзлигини англамасдан туриб, бошқаларга бўлган муносабатда самимийликка эришиб бўлмайди. Ўзини ва бошқаларни ҳурмат қилиш учун ҳар бир киши ўз миллатининг ҳаёти, тарихан шаклланган онг яхши фазилатларидан ҳабардор бўлмоғи лозим. Унда бундай фазилатнинг шаклланиши миллий ўзликни англашнинг муҳим жиҳатларидин бири сифатида намоён бўлади.

Миллий ўзликни англаш ҳар бир кишида миллий ифтихор ҳиссини кучайтиради. Ўз Ватанидан фахрланмайдиган, унинг муваффақиятларидан рухланмайдиган киши миллий ўзликни англашдан бегонадир. Бинобарин, миллий ўзликни англаш миллий ифтихор ҳисси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Бу боқийликни фольклор-этнографик ансамбллар томонидан кенг қўлланилаётган миллий либос, безак ва тақинчоқларимизда ҳам кўриш мумкин. Ўтмишдан мерос бўлиб келган кўхна либосларни сақлаш ва миллий хотирани йўқотмаслик мақсадида барча жамоалар ижро жараёнида ўз ҳудудига хос миллий либослардан кенг фойдаланадилар. Қадимий этник турмуш тарзи билан боғлиқ урф-одат, маросим ва удумларни миллий либос, халқ амалий санъати анъаналарини қўллаган ҳолда саҳнага чиқадилар. Бу эса томошабинларга миллий рух бахш этиб, уларнинг маънавий баркамоллашувида хизмат қиласи. Истиқлол шарофати туфайли кўхна либос, безак-тақинчоқларимиздан фойдаланиш бу кунги авлодларимизга қадимдан қандай бўлса, шундайлигига намойиш этиш имконияти яратилади. Бизнинг вазифамиз миллий ғуруримиз бўлган бу ноёб меросни тиклаб, келажак авлодга қолдиришдан иборат.

Демак, миллий ўзликни англаш-мавхум тушунча эмас, балки инсон

фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, унинг маънавий камолотга эришуvida муҳим аҳамият касб этади.

КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ

УДУМЛАР

Кийиниш ҳар бир халқнинг қадим замонлардан буён яшаб келаётган минтақаси, шарт-шароити, турмуш тарзи, удум, урф-одатлари, табиати билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг маънавий баркамоллиги, миллий маданиятини белгилайди.

Яхши кийиниш ўзига хос санъат. Киши бу санъатни эгаллаши учун кийиниш талабларига риоя қилибгина қолмай, балки ўз эстетик дидини ҳам узлуксиз тарбиялаши керак Дидни тарбиялаш учун қонунлар меъёри ва ўзаро мос тушунчаларга асосланган санъатнинг барчаси билан танишиб бориш лозим.

Кийимларда инсон таълим тарбияси акс этган. Инсоннинг дид фаросати кийим-бошда, хаётий харакатларда, ўзини тута билишида кўзга ташланади. Дидли фаросатли киши ҳамиша шу қиёфани сақлаб қолади. Ташки қиёфага эътибор бериш, ички маънавий гўзалликнинг ифодаси ҳисобланади.

Доно халқимиз - фахм-фаросатли. Одобли инсонни факат янги кийинишидан эмас, балки унинг кийиниш маданиятидан яхшигина ажратиб оладилар. Айниқса ёшига, жинсига қараб кийинмаслик бу беодобликдир. Эркакча кийинишлар, баъзи йигитлар эса соchlарини устириб, бўйнига мунчоқ, қулоқларига зирак тақиб олишлари ярашмаган қилиқдир. Қизларимиз ўзларининг ички ва ташки қиёфалари билан йигитлар кўзига хаёли, иффатли, назокатли бўлиб, уларни ҳурматини қозонишга, муҳаббатига эришишга ҳаракат қилмоғлари керак. Йигитлар эса ўзларининг ташки кўринишини тўғрилаб жасурлиги, мардлиги, одоб ва аҳлоқий маданияти билан қизларга ёқимли кўринишилари, уларнинг муҳаббатини қозонишлари лозим. Йигитларнинг ҳам қизларнинг ҳам гўзал қўриниши бу одоб-аҳлоқ, ҳаё ва иффат, дид - фаросат белгисидир.

Дарҳақиқат, инсоннинг дид фаросати кийим, хаётий харакатларида, ўзини тута билишдан кўзга ташланади. Самимий оқ кўнгил, ўзига талабчан,

умуман тарбияли - маънавиятли киши ташқи кўринишида сунъийликка йўл кўймайдиган тарзда қийинишга, ўзини шунга муносиб тутишга харакат қиласди. Дидли, фаросатли киши ҳамиша ана шу қиёфасини сақлаб қолади. Ташқи қиёфага эътибор бериш ички маънавий гўзалликнинг ифодаси ҳисобланади.

Яхши дид аввало фаросатлиликда намоён бўлади. Орасталик биринчи навбатда кийим билан пойафзал, бош кийими, сумка, қўлқоплар ранги ва шаклларининг уйғунлиги демакдир. Костюм орасталиги унинг безаклари, деталлари, қисмларидаги уйғунлашган ранглар меъёри билан ҳам боғлиқдир. Замонавий модадаги кийимда ранглар мажмуи бир ёки икки хил рангдан иборат бўла олмайди. Кийимларда кўпгина рангларнинг оч, тўқ ва мураккаб бирикмаси мавжуд бўлади. Бир рангнинг оч, тўқ хилларидан ёки бир-бирига яқин ранглар (зангори билан кўқ тўқ сариқ билан жигарранг) дан, шунингдек (оқиши, сарғиши, пушти ранг, мовий ва шу қабилардан фойдаланиб орасталикни таъминлаш мумкин. Оқ билан қора, кўқ билан оқ рангларнинг ҳам мувафиқлаштириб орасталикка эришиш мумкин. Бироқ бу қарама-қарши мувафиқликдир. Бу рангларнинг ўзаро мувафиқлиги - меъёрий бир моделда сақлай билиш керак. Орасталик билан кийилган кийим унинг аниқ шароитида муносиблиги, кишининг машғулоти, воқеа, муҳит ва шу қабилар билан мувафиқлиги ҳамdir.

Кийинишда орасталикнинг тескариси - дидсизлик белгиси сифатида намоён бўлғувчи бачканаликдир. Иш жойида катта зирақ серхашам тақинчоқлар тақиши, башанг кийиниш, тор ёки ўта кенг юбка, шим кийиш бачканалиқ бу модани бузиш демакдир. Агар буни замонавий мода деб даъво қилсалар аксинча дидсизликдир.

Замонавий модаларни инкор этувчи айрим кишилар «бизлар модага асосланиб кийинмаймиз» - деб уйлашади. Сўнгги модада кийиниш мумкин, ёки эскирган, вақти сал ўтган модаларда ҳам кийиниш мумкин. Кийим атрофдагилар кўз ўнгига киши гавдасини кўлгили ахволга солиб кўймаслиги лозим. Биринчи навбатда яхши кийиниш инсон дидаға боғлиқдир. Ўта

модадаги кийим ҳам жуда эскирган модадаги каби ғайритабиий беўхшов, хунук кўринади.

Кийим кишининг гавдасини чиройли ёки хунук қилибгина қолмай, кишининг ўз муҳитига муносабатини ҳам ифодалайди. Иш пайтида аёл киши жуда серхашам кийинса ўзини кўз-кўз қилаётгандек бўлади. Аксинча тантанали дақиқаларда кундалик оддий иш кийимида юрса атрофдагиларнинг кайфиятига эътиборсизлик билан қараётганини кўрсатади.

Дид билан кийиниш кишининг ўзига танқид билан қарай олишини ҳам ифодалайди. Киши ўз табиий нуқсонларини сезиб, уни бошқаларга сезилмайдиган қилиб кийинмоғи керак Кийим танлаётганда ёшни ҳам унутмаслик керак Ёшли спорт кийимлари бичигида кийинадилар. Очиқ рангли, гулдор кийимлар уларга кўпроқ ярашади. Ўттиз ёшдаги аёллар (шартли равишда) диди модага асос деб қабул қилинган. Бу ёшда аёл уз қиёфасини яхши билмоғи, хуснига-хусн қўшиладиган кийимларни танлай олмоғи лозим.

Қирқ ёшдан кейин эса ўтган йиллар оқибатида вужудга келадиган айрим нуқсонларни (кийим ва пардоз билан) яшириш кераклигини унутмаслик лозим. Семиз ёш аёллар ҳам одми кийимлар билан кифояланмасликлари, семизликни сездирмасликлари керак. Чунки одми кийим семизлик билан бирга ёшликтни ҳам, латофатлиликни ҳам яшириши мумкин. Муҳими кийинишнинг шакли ва ранги меъёрида бўлмоғи керак. Семиз кекса аёллар ҳам рангдор кийимлардан воз кечмасликлари, факат жуда гулдор матолардан тикилган кийимларнигина киймасликлари керак.

Ўзбек маданияти орасида кийиниш маданияти ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ота-боболаримиз ёшларга ҳамиша тоза, озода, ярашиқли, чиройли кийинишни ўргатишган.

Кийиниш одоби хақида Хусайн Воиз Кошифий ўз фикрларини баён этиб куйидагиларни айтадилар: “Либослар ранги турлича бўлади. Хар бир ранг

ўзига хос маънони ифодалайди. Агар оқ либос кийими куннинг рангини ифодаласа, бундай либос юрагида гина адовати булмаган кишиларга ярашади. Чунки оқ кийим кийган киши худди тонг каби кишиларга нур улашиб туради. Кўк ранг сув рангини билдириб, бу рангда кийинган кишилар захий ва хаётни сезувчи бўлишлари билан фарқланадилар. Ким агар бу рангни маъкул кўрса, у худди сувдек тоза ва мусаффо, хар бир қалбга яқин бўлади. Қора ранг тун ва кўз қорачигининг рангидир. Шунинг учун ҳам бундай либос кийганларнинг қалблари сиру асрорларга тўла бўлади. Яшил ранг осмон ва етук кишилар рангидир. Бундай кийим кийган киши осмон каби соф ва бағри кенг бўлиши, ёрдамга муҳтож кишиларга иложи борича ёрдамлашадиган фазилатга эга бўлади.

Ўзбек халқида бирор тўй, тантана йўқ-ки унда турли мавсум ва маросимга мос кундалик тақинчоқлар тақилмайдиган бўлсин. Келин-куёвларга, суннат қилинган тўй болага хатто бешикдаги чақалоқ учун ҳам муайян тақинчоқлар тақилган.

Киз-жувонлар, момо-ю, бувилар албатта ўз ёшлирга муносиб тақинчоқлар тақадилар. Тақинчоқлар тақиш ҳам хар бир миллат маданияти таркибиға кирадиган умри бокий удумлардан биридир. Кийиниш одати сингари тақинчоқ тақиш одати ҳам инсоният пайдо бўлиб, такомил топиб бизнинг кунларимизгача етиб келгунга қадар унга бир умрлик ҳамроҳ сифатида ривож топиб рангбаранглашиб келмоқда.

Тақинчоқнинг тури, вазифаси, хизмати кўп. Шунинг учун уларни учтурга бўлиш мумкин:

1. Безак тақинчоқлар.
2. Ирим эътиқод Билан боғлиқ тақинчоқлар.
3. Шифобахш тақинчоқлар.

Булардан ташқари, майший хизмат учун тиқиладиган, муайян вазифани бажаришга қаратилган тақинчоқлар ҳам бор-ки, улар турли тугма, тўғағич, қадагич, тутқиҷ, боғлағич, занжир ва бошқалар бўлиб, кийим ёрдамчи буюмлари сифатида ишлатилади.

Тақинчоқлар тумор, түғдона, күзмунчоқ, марварид, тасбех, пўпақ, шокила, тиллақош, қулоққа халқа, булоқи (бурундиқ) зулфмунчоқ, қалампирмунчоқ, узук ва ҳ.к. иборатдир. Тақинчоқларга ёндош хино, ўсма, сурма ва бошқалар ҳам бор-ки уларни ҳам учинчи тур тақинчоқлар ёнига қўйиш мумкин.

Безак тақинчоқларга бўйинга тақиладиган турли марварид, олтин – кумуш, забаржад, маржонлар қўллардаги узуклар, бўйинлардаги маржон, қулоклардаги халқа, бурун булоқилари, оёқ шиллик ва тирноқ тақинчоқлари киради.

Ирим-эътиқод тақинчоқларга тугдона, кузмунчоқ, тасбех турли туморлар киради. Ирим билан боғлиқ одатлар уй хайвонларига нисбатан ҳам кулланилади. Масалан: сигир, от, хўқиз сингари уй хайвоплари шох ва ёлларига инс-жинс, ёмон куздан асраш учун кузмунчоқ тумор тикиш одати мавжуд. Кўй, от, мол, калла чаноғи, исириқ чакир тиканақ така, мунчоқ осишиш кўринишлари ҳам худди шу одатларга яқин туради. Тумор тақиши, тақинчоқ тақиши одати жуда кенг тарқалган. Туморлар мулла-эшон, азаймхонлар томонидан маҳсус тайёрланиб, сочга, чопон ё дўппига, бешик ва беланчакка, ётоқ-уй, хонадонларга осиб қўйилган.

Туморлар буви ва момолар томонидан шунчаки кийим ичига, ташига қалампирмунчоқ ёки кузмунчоқ солиб ҳам тикилиб тақилган. Бундай учбурчак туморларни майший турмушдаги турли жойларда учратиш мумкин.

Учинчиси шифобахш тақинчоқлар ўз амалига кўра икки хисса кўпроқ вазифани бажаради. Улар ҳам тақинчоқ, ҳам безак, ҳам даволовчи хусусиятга эгалиги билан ажралиб туради. Буларга қалампирмунчоқ, түғдона, ўсма, хино, шифобахш садаф, феруза, марваридлар киради.

Тасбех доналари ҳам хар хил жинслардан ҳам терилган қимматбаҳо тошлар, гавхару-садафлар, феруза тошлардан иборатдир. Турли уруг доналари тешилиб, ибодат учун намозхон – ниёзхонлар тасбех ясаганлар. Хурмо, жийда доналари, түғдонадан ясалган тасбех сифат тақинчоқларини ҳам болалар бешиклари, уйларнинг кириш эшиклари яқинида осилган ҳолда

учратиш мумкин. Тақинчоқлар билан боғлиқ турли урф-одат, расм-русумларни ва удумларни хозирги кунда ҳам учратиш мумкин. Ёш болаларнинг қўлини ҳалоллашда салла ўраб, нишон тақиб, эгнига тамга қадаш, қуёвларга бош оёқ сарпосига тақинчоқ илиш қабилардир.

Келинларда тиллакош, зебигардон, турли маржон марваридлар осиш, кўйлак енглари, тугма урнидаги тақинчоқлар, бўйинбог ва бошқалар хозирги замоннинг ҳам асосий тақинчоқларидан бўлиб қолди..

Турли сафарлар, мукофотлар, хизматдаги ютуқлар учун берилган кўкракка тақиладиган турли-туман нишонлар ҳам худди шу одатларнинг хукумат томопидан расмийлаштирилган кўринишидир.

Умуман тақинчоқ тақиши одати кийиниш, безаниш, турли маросим ва туй – томошалар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўзбек халқи майший турмушида ҳам маданият дунёсига даҳлдорликнинг моддий кўриниши сифатида яшаб келмоқда, истиқболда ҳам шундай бўлиб қолиши керак

Бизнинг давримизга келиб тақинчоқ тақиши кўпроқ ўзини бошқалардан устун, бой-бадавлат қўрсатиш тусига кирганлиги ҳам сир эмас. Баъзи бир аёллар, қиз-жуонлар керак бўлса-булмаса хар хил алмойи-алжойи нарсаларни тақишиб, ўзларини кўз-кўз қилиб юришадики, тақиладиган нарсанинг мохиятини билмай бўйнига илиб кетавериш маданият белгиси эмас. Айниқса йигитларнинг бўйнига занжир, мунчоқ, кулогига зирақ тақишлиари уларга ўта ярашмайди.

Умуман йигитларга ҳам, қизларга ҳам энг гўзал қўриниши - бу одоб-аҳлоқ, ҳаё ва иффатдир. Иффат орқали эл-халқка ёқадиган комил инсон бўлиб, келажак авлодга, ватанга садоқатли ёшлар бўлиб етишадилар

Хозирги кунда ёшларимизнинг гўзаллиги, одоби, аҳлоқи, юриш туришидан ташқари ташки қиёфаси кийиниш билан халқ орасида эътиборли бўлиши керак.

Халқимизда «элга кирсанг эгнингга қара» деган хикмат бор. Бизнинг аждодларимиз булмиш боболаримиз ва момоларимиз зукко, донишманд инсонлар бўлган. Улар хар бир сўзига, рамзлари-ю, ишораларига ҳам теран

мазмунлар сингдиришган. Бу хикматнинг туб мазмуни «эл ичига кирдингизми, унинг бир парчаси бўлиб кўринг, унинг анъаналари, тарихи феъл-автори, шаънига муносиб бўлиб кийинишга, яшашга харакат қилинг» - деган маънони англатади.

Бугунги кун кийимлари турфа холатдалиги жуда ажабланарли хол. Баъзи қизларимиз хорижий либосларни тўлиқ ўзлаштириб, тизздан тепа кийимларни кийишни ўзларига удум қилган бўлсалар, баъзи аёллар ва қизларимиз бошдан оёқ қорага буркалиб юришлари тўғримикан деган савол туғилади. Агар хар бир кийимни киядиган мавриди борлиги хақида халқ ичида жуда кўп мулоҳазалар юради, наҳот шуни билишмаса!

Агар хижоб хақида гапирадиган бўлсақ қизларимизнинг юксак аҳлоқ йўлларини излашлари, хаётларини маълум бир эътиқод асосида курмокчи бўлганлари яхши . Аммо хижобни хавасга айлантириш, урф қилиш яхши эмас. Айниқса бошдан оёқ қорага чўлғаниш – миллатимизга ёт нарса. Момоларимиз «қора ранг коронгулик чакиради», дейдилар ҳатто азаларда ҳам бундай тусдаги кийимларни эҳтиёт бўлиб минг бир ўлчаб, ўйлаб кийдиришади. Ислом тарихида хижобни Муҳаммад пайғамбаримиз (с.а.в.) авлодлари кийишган. Буни ортиқча кузга ташланмаслик воситаси деб билишган. Бугун хижобга ўраниб юрган қизларимиз кайтага кўпроқ назарга тушмоқдалар. Демак, хижоб ўз вазифасини адо этмаяпти деб ҳам уйлаш мумкин. Хар бир худуднинг ўзига хос хавас қилса арзигулик кийимлари бор. Масалан, зар чопонни қадимда кўпроқ Бухоро, Самарқанд куёвлари кийишган. Фарғона водийсида эса куёвлар кўк бекасам, Сурхондарё, Қашқадарёда йўл-йўл бекасам, Тошкент ва унинг атрофларида баҳмал чопон, Хоразмда эса яна бир бошқа куёв чопони бўлган. Келинчакларимиз эса ижарага олинган оврупача оқ кўйлак эмас, балки оқ сурпдан тикилган никоҳ либосида бўлишган. Агар хозирги қунда 80 – 90 ёшдаги момолардан никоҳ кўйлагини кўрсатинг десак, фахр билан сандифини очиб кўрсатишади. Бугунги кундаги келинчаклар эса ижарага олинган кўйлакни қандай кўрсатиши мумкин. Қизларимиз никоҳ кийимини гаровга олиб,

бахтини ҳам гаровга қўйишмаяптилармикан? Айникса, куёв зар чопонда, келин оврупача оқ либосда тантанада ўтиришади. Бу қўринишда улар худди иккови икки халқнинг боласига ўхшашади. Умуман либосда мутаносиблик йўқ. Бу борада бичикчи дизайннерларимиз ҳам фаоллик кўрсатишлари лозим. Улар шарқона, сипо либосларнинг андозасини яратишиб, шу асосда тикилган кийим-кечакларни дўконларга, савдога чиқарилса яхши бўлар эди. Чунки «хар кимники ўзига, ой қўринар кўзига»- деганлариdek, ўзбек либосининг жозибаси ўзгача бўлиб турса, уни ёшларимиз фахр билан кийишса, миллат миллийлиги йўқолмайди.

Биз янги либосларнинг миллий моҳиятини сақлаган ҳолда замонга мослаштиришимиз лозим. Чунки биз маънавият борасида бир нарса ахтариб узоққа бормаймиз. Хамма пойдевор ўзимизда. Биздаги кийимларнинг хар нуқтаси нима хақидадир маъно касб этади. Масалан: аёллар дуррасининг учи унг тарафга ташланса – бош эгаликман; чапга ташланса - бошим очик, рўзғорим бузилган; ўртага қўйса — беваман, деган маънони англатган. Либослар хақида гап кетганда, халқ достонларини эслайман. Миллатимизнинг энг гўзал иффатларини ўзида жам этган тимсолларимиз чавандоз, мерган қизлар чақмоқдай кийинишиб, кийиклардай учишган. Шу тасаввурлардан олиш керак андозаларни. Хар бир маросимнинг ўз кийими бор. Халқимизда аза кийимларига эътибор билан қаралган. Пиру бадавлат бўлиб дунёдан ўтганлар учун аза тутаётган аёллар ок майда гулли матолардан либос кийганлар. Бевакт завол бўлганларга азадорлар кўк кийишган. Бугун бу анъаналарга бефарқ қараймиз. Аслида анъаналаримизнинг хар бирида олам-олам мазмун ва маъно бор. Муборак хадисларда айтишларича 40 кун азадорлик муҳлати бўлган. Йиллаб аза тутиб, азадор бўлиш шариатда йўқ, халқимиз, аза, азани чақиради дейишади. Шу боис ҳам аза либосларини енгиллатиб, ёш-ялангларни тезроқ, бошига оқ солиб, азадан чиқарадилар, Халқимизнинг бу доно удумида хикмат қўп. Либослар қулай яшаш учун хизмат қилмоғи даркор. Либослар инсоннинг маънавий камолати, гўзаллик туйгуси, олийжаноб мақсадларига кўзгу

ҳамдир. Ахир одамлар қимматбаҳо дабдабали кийимларга эришмоқ учунгина яшамайдилар, балки маданий хаёт тарзи, хаёт эҳтиёжи бўлганлиги учун кийим-кечак қиядилар. Шу нуктаи назардан қарайдиган бўлсақ кўп холларда биз танамизнинг табиий эҳтиёжларини бажаришдан ҳам кўра кўпроқ ожизлигимизнинг билимсизлигимизнинг, дидсизлигимизнинг, қули бўлиб қолмаяпмизми? Тўғри бозордаги бир-биридан чиройли либослар, матолар аёллар, қизлар хуснига хусн қўшади. Лекин уларнинг аксарияти сунъий толалардан тўқилган матолар эканлиги жиддий мулоҳаза талаб қиласди. Анча-мунча ғижимланмайдиган, ювганда кири тез кетадиган матолар хилма-хил тери касалликларидан тортиб, юрак асаб хасталикларини келтириб чиқараётганини асримизнинг илфор тиббиёт ходимлари таъкидлаб турибдилар. Кийимларга муносабат миллатимизнинг накадар доно эканликларини кўрсатади. Кийимларда инсоннинг таълим тарбияси акс этган. Шундай бир хаётий хикмат бор «Агар қиз болани ўзи ўсган мухитдан бир поғона юқори шароитли хонадонга узатсангиз, турмуши яхши кечишига бу ҳам бир сабаб бўлади». Афсуски тақдир пешона деганларидек қизни ҳамиша ҳам шу хикматга амал қилиб узатолмаймиз. Лекин ақлли оналар қизлари келажакда баҳтли - тахтли бўлиб кетиш орзулари учун уларни жуда ёшликларидан хамма соҳада, шу жумладан кийим-кечак борасида ҳам ортиқча эркалатмай, сабр токатли қилиб ўстиришлари аҳамиятлидир.

Ахир табиатан қонида, рухиятида чиройлигу, қимматбаҳо либосларга, зеб-зийнатларга учлик билан қарамаган қизлар ўз ота уйларида ақлларини таниганидан бошлаб урф бўлган кийим-кечакларни беистисно кийиб улғайган бўлсалар, янги шароитда-куёвнинг хонадонида бошга тушиши мумкин бўлган моддий кийинчиликларга кунишилари осон кечади. Сир эмас йилдан-йилга қўпайиб бораётган қўйди-чиқдиларнинг аксариятига ёш келинларнинг куёв хонадонидаги кийинчиликларга чидай олмаётганликлари, бардошсизлик, кийим кечак борасида қизларимизнинг жуда саёз тушунчалари бўлмоқда. Маълумки, Оллоҳ бандаларига насиб

этган манзилу-макон, иқлим, рухият билан боғлиқ равиша кийимларнинг шаклу-шамоили, ранги, матоларнинг турлари асрлар давомида шаклланган. Дўппилар, чопонлар, ковуш-маҳси, белбоғлар, боболаримиз, момоларимиздан бизга шунчаки мерос эмас. Бу либосларнинг хар бирида табиий ҳамда маънавий эҳтиёжларимиз билан боғлиқ бўлган ҳақиқатлар мужассамдир. Масалан, табибларнинг айтишларича, жазира маънавий ялангбош юриш турли хил бош оғриқларини келтириб чиқариш билан, сочнинг тўқилиб кетишига сабаб бўлар экан. Эркакларнинг дўпписи, аёлларнинг оқ дурра боғлаб юриши ана шундай дардларнинг олдини олар экан. Шунингдек, у бевосита жинсий жиҳатлар билан боғлиқ ходиса. Бу борада ривожланган ғарб мамлакатлари руҳшуносларининг илмий-амалий тадқиқотларига диққат қилинса, оиласиён ажришларнинг йил сайин ортиб боришига аёлларнинг ута замонавий, яъни баданинг кўп жойи очик коладиган кийимлар кийишларини ҳам сабаб деб кўрсатмоқдалар. Чунки аёллар қанчалик очик-сочиқ юрсалар, уларнинг жозибалилиги, сирлиги ўзига жалб қилувчи кучи қисқаси оҳанграбоси шунчалар камайиб борар экан. Замонлар хаёт китобини янгиликлар билан таҳrir қиласаверади. Либосларга ҳам ўз хукмини ўтказаверади.

Лекин ана шу замонавий кийим – кечакларини миллий матолар, чизгилар, бичимлар билан уйғунлаштириш уста либос созларимизнинг муқаддас бурчларидир.

Хаммага кўз-кўз қилсак арзийдиган миллий кийимларимиз бор. Ўйлаб қаралса, бу кийимларимиз бош ва оёқларни турли хасталиклардан халос этади. Танамизни ўзга назардан пинхон тутади. Аксариятимиз эса бошқа халқлар либосларига хавас қўйганмиз. Фақат денгиз буйларида, чекка жойларда кийса бўладиган калта шимларни бу кун шаҳар кўчаларида кийиб юрган эркакларимиз учрайди. Ёки ховли ва уйларда буйи етган қизлари ёки сингиллари олдида bemalol ич кийимда юрган оталарни, акаларни қандай тушуниш мумкин. Биз хар қандай шароитда ҳам кўхна Шарқ одоби анъаналарини унутмаслигимиз лозим.

Ўзбек хонадонига мөхмөн келиши удуми бир байрам саналади. Уй бекалари мөхмөн учун алоҳида дастурхон ёзиб энг тансик таомларни пиширадилар. Хаммаёқни чинни-чироқдек ялтиллатиб кўядилар. Аёлларимизнинг мөхмөн келишидан аввал ороланиб, чиройли лиbosлар кийиб олиб, мөхмөн кутишлари қадимий момоларимиздан қолган анъянадир. Қадимда хар бир уй бекасининг фақат мөхмөн келганда киядиган бир-икки сидра чиройли лиbosлари бор бўлган. Тўй-тўйчиқка киядиган лиbos алоҳида, мөхмөнга борадигани алоҳида, азага борганда каядигани алоҳида бўлган. Хозир ҳам шу таомилларга амал қилган ҳолда мөхмөн келганда, мөхмөнга борганда, кучада ва идорада кийиш учун алоҳида лиbosлар бўлгани маъкул. Тунги лиbosлар хар бир аёлда бўлиши шарт.

Бундай лиbosлар енгил, юпқарок газламалардан кенг ва қулай қилиб тикдирилса янада яхши бўлади. Ўғил – қизларимизга ҳам шундай кийимлар тикиб беришимиз, уларни шунга одатлантиришимиз зарур.

Балоғат ёшидаги қизларга хашамдор лиbos, қимматбаҳо тақинчоғу пардоз андознинг хожати йўқ. Ахир ёшликни ўзи бир олам гўзаллик баъзи қизларимизнинг кўчада ўзини тўтиши, кийинишини кўриб катталар ҳижолат тортади. У қиз болами ёки келинчакми, фарқлаш кийин. Нақш олмадай тиник юзларига чаплаб, ола байроқ лиbosларни эгниларига илишади. Бу ўринда айбни ўша қизларнинг ўзларига қўйсак хато бўлар. Оналар қаёққа қарашибади, ахир. Улар қизларини бундай ҳолатга солгандан кўра, хунар ўргатиб, рўзгор юмушларига тайёрлаганлари фойдалироқдир.

Уст кийимлар ранги тикилиши жиҳатдан бир-бирига мутаносиб бўлмоғи лозим. Қайси кийимни қачон кийиш кераклигини, қаерда қандай кийиниш лозимлигини ҳам билиш керак Масалан, халат билан кўчага чикиш яхши эмас. Сочини майда ўрган қизларнинг бошяланг юриши ҳам ноўрин. Хатто тақинчоқлар ҳам кийим рангига уйғунлашган бўлса яхши. Баъзи қиз жувонларимиз уй ичидаги кир-чир, нобоп кийимларда юришади-ю, кўчага чиққанларида аксинча ялтур-юлтур, хашамдор лиbosлари билан

кўпчилик эътиборини тортишади. Биз ўзгалар эътиборини эмас, балки ўз эътиборимизни хисобга олишимиз зарур. Уст кийимимизнинг ҳамиша тоза ва кўркам бўлиши кайфиятимизга, ишимизга ижобий таъсир кўрсатади.

Қадимда момоларимиз хар бир кийимни жуда қадрлашган, эски бўлган чоғдаям уни ташлаб юбормаганлар, аксинча бошқа мақсадларда фойдаланишган. Бош кийим ҳамда оёқ кийимни бегоналарга бершмаган, ирим қилишган. "Ахир кийимда ўз эгасининг рухи бўлади» - деган гап бежизга айтилмаган.

Шунинг учун айниқса никоҳ куйлагини харид қилишда эҳтиёт бўлмоқликлари лозим. Чунки никоҳ куйлаги охорлик оқ сурпдан тикилган бўлиб, фақат кечкурун кийилган. Бошқа пайтларда эса атлас лозим, атлас кўйлак кийилган. Шундан унинг келинчаклиги билинган. Умуман либосларни қиммат ёки арzon матодан тикилган бўлишига қарамасдан у кишига ярашимли бўлиши лозим. Шундагина уни кийган аёл ёки қиз оиласида гўзал кўринади. Унга эса хаё, ибо, самимият аралашса, оила янада мустахкам. чарогон бўлади. Ўзбек оиласининг чароғонлиги либосларга ҳам боғлиқдир. Ижтиомий хаёт ўзгариши билан либослар ҳам ўзгариб боради. Дунё сахнасига чиқиб бораётган Республикализ одамлари ҳам энг замонавий, кўркам, қулай, кийимларни кийиш билан бирга асрдан-асрга ўтиб, кўз қорачифидай тарихимиз, кўркимиз, ҳам миллий ғуур ва ифтихоримиз бўлиб авлодларга қолиши керак.

ФОЛЬКЛОР – ЭТНОГРАФИК ЖАМОАЛАРИДА ЛИБОСНИНГ ЎРНИ

Бугунги кўн санъатини фольклор – этнографик жамоаларисиз тасаввур этиш қийин. Шу боис бу жамоалар кийимлари хар бир ҳудудни маросим ва удумларини намоён этишда ўзга хослик мавжуддир. Масалан: “Бойсун” халқ фольклор – этнографик

жамоасининг кийимлари ҳам миллий қадриятдан далолат беради. Бутун кўриниши шаклу-шамойили Билан этнографик хусусиятларини сақлаган. Эркаклар олача чопон, безакларида мукки ёки чориг, бошларида эса қуёш рамзи ифодаланган бойсуннинг дўпписи. Қадимий желак ёки қизил рангли матодан гулдор кенг кўйлак аёллар хуснига хусн қўшиб турди. Улар бошидаги касаба ёки қадимий бойсуний дўппи тоғлик халқлари либоснинг бетакрор намунасиdir. Бадиий безак намунаси бўлмиш тиллақош, булоқи, хайкал гардон, турли шаклдаги зираклар албатта қадимиятдан далолат беради. Бу холат ансамблнинг этнографик калоритини янада бойитади.

Маълумки, фольклор-этнографик жамоаларининг нуфузини оширишда ўзи яшаётган ҳудудининг кийимлари, зеби зийнатларидан фойдаланиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада «Бойсун» жамоасининг кийимлари ҳам шу ҳудудга мос ва хослигидан, қадимиyllигидан дарак беради. Бу шаклу шамойил ҳам тоғликларнинг этнографик тарихидан далолатdir.

Биргина Бойсуннинг ўзида 20 хилдан ортиқроқ дўппи шакллари мавжуд. Дўппини баъзан «Каллапуши» ҳам дейилади. Масалан: лолагул, тўлдирма ва бошқалар. Уларнинг ҳар бирида рамзий маъноси ўз аксини топгандир.

Аёллар эса желак, каркасли рўмол ўрашади. Каркасли рўмолни асосан ўзбекларнинг «Кўнғирот» уруғига мансуб бўлган аёллар ўрашади. 16 хил рўмолнинг барчасини ўраб чиққанда эса, Камалак жилоси хосил бўлади. Бундан ташкири аёллар жиякли кўйлак, йўл-йўл чопон киядилар. Қизларнинг кўйлаги иложи борича қизил, пушти, сариқ, кўк, тўқ қизил матолардан тикилади. Чунки қизлар кийган қизлар лоланинг уфорини намоён этиши керак. Келинчаклар оқ гажим рўмол ёки қизил шойи рўмол ўрашади. Бу либослар албатта ўтказилаётган маросимга, айтилаётган қўшиқقا, ижро этилаётган рақсга монанд равишда кийилади. Шу либосларга мослаштирилган холда турли хил тақинчоқлар тақилади. Масалан: тиллақош, булоқи хайкал гардон, турли шаклдаги қимматбаҳо тошлар ва занжирлар

тақилади. Кўпроқ Бойсунликларнинг ўzlари жамалакнинг турли хилларини қора ипдан ясашади Бу хусусиятлар жамоанинг ўзигагина хос бўлмай балки, мазкур кийим-кечак, зеби-гардон, соч попукларини ерли халқнинг миллий ифтихори хисобланади. «Бойсун» ижро чилиарининг ташқи кўринишларидан тортиб, ижро этгани томошабинларигача муҳлисларнинг маънавий дунёсини бойитишда қадими, урф-одат, маросим ва анъаналарга бўлган ҳурмат эътиборини уйғотишда тарбиявий аҳамиятга эга.

Бўстонлик тумани маданият уйи қошида баҳорий чечакдай юз очган «Гулёр» халқ фольклор – этнографик ансамблъ аъзоларининг кийинишлари ҳам ўзига хосдир. Йигирма беш онахон атлас қўйлак, калами камзулларининг, шохи эртакларини хилпиратиб, заррин дуррачаларини пешоналарига тақиб, сахнага чиқадилар. Хар бир фольклор этнографик - жамоаларида ўзига хос кийиниш услублари мавжуд.

Истиқлол шарофати билан қадриятларимизни, урф-одат ва маросимларимизни кишини фахрлантирувчи бизнинг қадримизни ҳам кўтаргувчи бойликларимизни қайта тикляпмиз. Қачонлардир қадрдон ва яқин бўлган сурати-сийратини соғинади ва ўзлигини танигач, миллий туйғулар уйғонади. Биз хозир ана шу босқичдамиз. Айниқса, миллий либослар фольклор-этнографик жамоаларининг дастуридаги ижрода ифодаланиши бугунги кун учун аҳамиятлидир.

Либослар қулай яшаш учун хизмат килмоғи лозим. Либослар инсоннинг маънавий камолоти, гўзаллик туйғуси, олийжаноб мақсадларига кўзгу ҳамдир.

ЛИБОС ИНСОН ЗИЙНАТИ

Маданиятлиликнинг асосий белгиларидан бири бу кийиниш одатидир. кимнинг қандай кийинганлигига қараб, унинг дид-фаросати, моддий ва маънавий даражасини, хатто касбини аниқлаб олиш мумкин.

Инсоният онгига бошқалардан истихола қилиш, уялиш, андиша тушунчалари пайдо бўлгандан бошлаб улар кийинишни одат қилишган.

Кийинишни илк бор заиф жинс — аёллар бошлаганлар. Шунинг учун ҳам хотин — қизлар табиатида кийиниш, безаниш, тақиниш тушунчалари турмушнинг асосий қўринишлари қаторида туради. Шу сабаб халқимизда «онангни отангга бепардоз кўрсатма» деган ran бор. Кийиниш маданияти жинс, ёш, фасл, миллат, урф-одатлар, касб-кор, замон ва тараққиётнинг муайян босқичи даражаси билан боишкдир. Болалар, қизлар, ёшлар, ўрта ёшлилар, кекса одамларнинг кийиниш маданияти мазмуни ва шакли-шамойили жиҳатидан бир-биридан ажралиб туради.

Кийим одамни иссиқ-совуқдан сақлайди. Киши танаси, руҳига ижобий таъсир қиласи. Саломатликни баркаорлаштириб туради. Бизнинг ўзбек халқимиз кийиниш маданияти нуқтаи назаридан ҳам дунёдаги халқларнинг олдинги сафларида туради. Бир неча минг йиллар илгари ота-боболаримиз эгнига яктак-лозим, оёқда ковуш-махси, этиқ бошга шабпўш, дўппи, телпак устга чопон, тўн кийиб белга белбоғ, арс бойлашган. Шунинг учун ҳам халқимизда эркак кишиликни рамзий ифодалаш хусусида «белингда белбоғинг борми?» деган ибора қолган. Чўпон-чўликлар, чавандоз ва пахлавонлар фаслга қараб чакмон ҳам кийишган.

Момоийиларимиз қимматбаҳо, нафис узун кўйлак-лозим, ковуш-махси, тун кийишган. Жун, ипак товар, чит-сатин рўмоллар ўрашган. Сочпопук кулота, пўпак тиллақош, зебигардон, турли-туман узук-халқа, танга-тиллолардан иборат тақинчоқлар ҳам кийимлар дастасига янада кўрк ва жило берган.

Кийиниш хар бир халқнинг қадим замонлардан буён яшаб келаётган минтақаси, шарт-шароити, турмуш тарзи, удум, урф-одатлари, табиати билан ҳам чамбарчас боғлиқ, бўлган. Масалан, серқуёш ўлкаларда яшовчи халқларда

қадим замонлардан бери оқ матодан кийим кийиниши одат қилинган. Чунки оқ мато қүёш нурларини бир қадар қайтариб, кишиларни иссиқ таъсиридан сақлаган.

Аксинча, иқлими совуқ ўлка ва юртлар халқлари эса одатда қора матодан кийим кийишга одатланишган. Чунки бу кийим сал бўлса-да чирой кўрсатган куеш нурларини ўзига сингди-риб, кийим эгасининг танини яйратган.

Дунёдаги барча халқлар бир-бирига худудий, маданий-ма-иший, иккисодий жиҳатдан қанчалик яқинлашганларига кўра, уларнинг кийиниш маданиятидаги жиҳатларига қараб, кийиниш маданиятидаги жиҳатлар ҳам бир-бирига кучган. Бу бир мамлакатнинг иккинчи давлат томонидан босиб олиниши, катта халқقا кичик халқларнинг ихтиёрий равишда қўшилиши каби омиллар билан боғланиб кетади. Ўрта Осиёдаги кўпгина халқлар сингари ўзбек халқининг кийиниш маданиятида ҳам асосий, ўзбек одат ва расмларидан ташқари, Эрон, грек-македон, араб, мўғул халқлари кийиниш аломатлари учрайди. Чунки тарихдан Сиз бу халқлар лашкарлари Ўрта Осиё ерларига бостириб кириб, бир неча муддат бу ерларда яшаб қолишганини яхши биласиз.

Аксинча, Яқин Шарқ, Сибирь, Кавказорти, Хиндистон, Афғонистон ва Оврўпонинг бир қисм халқларида Ўрта Осиё, хусусан, бизнинг қадимий халқимиз кийиниш маданияти белғиларини учратишингиз мумкин. Бу Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва Бобур Мирзо, Шайбонийхон каби аждодларимизнинг бу мамлакатларга лашкар тортиб юришларидан қолган мерослардир.

Хозирги даврда умуман катта кишилар ҳам ранги-туси, катта-кичиклиги демаса, одатда, бир хил кийим-бош: кўйлак костюм-шим, туфли-ботинка, плашч-пальто, шляпа ёки шапка кийишади. Бу кийимлар дастаси умуман Оврўпо маданиятига доир, хусусан қадимий инглиз халқи миллий кийим-бош хосиласидир. Тараққиётнинг сўнгги асрига келиб, дунёда энг фаол ишлатиладиган тил бу — инглиз тили бўлганидек кийиниш борасидаги энг қулай ва кўпчилиқбол кийиниш удуми ҳам инглиз кийими: костюм-шим,

плаш-пальто ва ҳоказо кийимлар бўлиб қолди.

Умуман, бугунги кунда романгерман халқлари кийиниш маданияти деярли бутун жаҳон халқлари танаси ва руҳига эгалик қилмоқда. Бироқ, ҳар бир халқ, жумладан кўп миллатли халқларимиз таркибига киравчи ҳар бир миллат ўз кийиниш анъаналари, маданияти, инсоннинг ташқи кўриниши билан боғлиқ урф-одатларини у ёки бу даражада сақлаб қолди ва бундан буён ҳам асрраб-авайлаб сақлаши табиий. Чунки биз севган байналминалликнинг ўзи шуни тақозо қиласди.

Образли қилиб айтганда, умумий гулзорда гул кўп, чаман кўп, лекин ҳар бир гулнинг ўз ранги, хиди, хаёт тарзи ва ифори бор. Миллатлар ва кийимлар ҳам худди шундай. Улар рангбаранглилиги билан камалақдек товланиб, кўнгилларни қувонтириши лозим.

Сиз кавказликни папах ва камзулсиз, украинни гулдор кўйлаксиз, тожикни гилам дўппи ва белбоғда осилган пичоқсиз тасаввур килолмаганингиздек ўзбекни ола дўппи ва чопонсиз кўз ўнгингизга келтира олмайсиз. Дафъатан ёдингизга атоқли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг машхур ҳофизимиз томонидан ижро этилган «ўзбегим» ғазали тушиб, беихтиёр хирғойи қиласиз. Булар халқларимизнинг ташқи кўриниши — кийиниш борасидаги ўзига хос миллий хусусиятлариdir.

Илгари ёшларимиз, йигит-қизлар Россиялик тенгдошларига эргашиб, мода кетидан қувишган бўлса, хозирда америкалик замондошлари кийиниш маданиятини маъкул кўрмоқдалар. Кийим кишининг нафақат ташқи қиёфасини, балки ички маънавий дунёси, қайси миллатнинг фарзанди, қайси замоннинг қандай савияли одами эканлигини кўрсатиб туради.

ЎЗБЕК АНЪНАВИЙ КИЙИМЛАРИНИ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Кийимлар тарихига багишланган маҳсус илмий ишларни таҳлил этишдан олдин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бир неча минг йиллик тарих билан юзлашган ўзбек миллий кииимлари тўғрисида қадимий ёзма меросимиз дурдоналарида ҳам эътиборга сазовор мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, ўзбек халқининг энг қадимий ёзма мероси «Авесто» китобида, шунингдек ўрта асрларда яшаб ижод қилган машхур туркий тилшунос Махмуд Қошғарий, энциклопедист олим Абу Райхон Беруний ва буюк давлат арбоби Захириддин Мухаммад Бобур асарларида халқимизнинг қадимий кийимлари хақида қимматли маълумотлар берилган.

Европалик муаллифлар томонидан Марказий Осиё халқлари кийим-кечакларига оид дастлабки материаллар ўрта асрлардан, яъни: мазкур минтақага европаликлар томонидан илк экспедициялар уюштирилган даврдан бошлаб йигила бошланған. Хусусан, XIII асрда Мугулистонга сафар қилиш асноси-да мазкур минтақада бўлган Марко Поло, шунингдек, Плано Карпини ҳам Марказий Осиё халқларининг ўша даврлардаги кийим-кечаклари тўғрисида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. XV аср бошида Амир Темур саройига элчи бўлиб келган ис-паниялик Руи Де Гонзалес Клавихо Самарқандда икки йил яшаган ва маҳаллий аҳолининг уша даврдаги кииимлари билан яқин-дан танишиш имконига эга бўлган. Бироқ, у ўз эсадаликлирида кўпроқ уша даврнинг аслзода аёллари, яъни Темурий маликаларнинг турли элчилар ва чет эллик меҳмонларни қабул қилиш маросимларида кийган кийимлари тўғрисидагина маълумотлар бериб ўтган, холос.

XVI асрда Марказий Осиёга ташриф буюрган инглиз савдогари А. Женкинсон эса ушбу минтақада ишаб чиқарилган маҳаллий матолар тўғрисида қизиқарли маълумотлар бериб ўтган, лекин афсуски, муаллиф маҳаллий аҳолининг кийим-кечаклари борасвда маълумотлар бермаган²⁵.

Колаверса, махаллий усулда ишлаб чиқарилган матолар, аншдюги, Бухорода тайерланган матолар тўғрисида можор олими X. Вамбери ҳам батафсил маълумотлар бериб ўтган.

XIX асрнинг биринчи ярмига келиб Марказий Осиёга ташриф буюрган қўплаб сайёхлар, элчилар, харбийларнинг йўлномалари ҳамда турли мақсадларда уюштирилган экспедиция иштирокчиларининг сафарномаларида минтаقا тўғрисидаги дастлабки этнографик маълумотларни учратиш мумкин. Бироқ, улар махаллий аҳолининг антропологик тавсифига, қўпроқ қиёфасига тухталиб ўтганлар ва айrim ўринлардагина кийим-бошлари тўғрисида маълумотлар беради. Жумладан, Е. Мейендорф бухоролик аёллар ўзларининг таналарини буткул бер-китиб турувчи кенг кийим кийганликларини қайд этса, инглиз сайёхи А. Борис ўзбек миллий кийимлари мажмуига киравчи узун пошнали этиклар ва аёлларнинг катта оқ саллалари маҳаллий аёлларнинг фаҳоли кийим-бошлари деб ёзган. Шунингдек бу даврда Туркистонда бўлган П. Небольсин ҳам бухороликлар, хиваликлар ва қўқонликларнинг миллий кийимлари ҳамда махаллий матолар тўғрисида жуда қисқа, лекин ўта қимматли маълумотларни келтириб ўтади.

Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олгандан сўнг уни уз мақсадлари йўлида қрганишга киришиб, улка буйлаб қатор ил-мий экспедициялар уюштириди. Натижада уша пайтда фаолият юргизган бир қатор илмий жамиятлар томонидан Туркистон та-рихи ҳамда маҳдллий ахдгаининг моддий ва маънавий маданиятига багишлиланган қатор илмий асарлар чоп эттирилди.

Умуман олганда, юқорида номлари кдйд этилган муаллиф-ларнинг асарларида Марказий Осиё халқларининг ўрта асрлар ва Россия мустамлакаси арафасидаги кийимлари, кийиниш маданияти ҳамда моддий маданиятининг либос билан боғлиқ, жихатлари хаҳида умумий этнографик маълумотлар берилганлиги боис ўзбек халқининг анъанавий кийимлари тарихини ўрганишда маълум маънода асос бўлиб хизмат қиласи деб айтиш

мумкин. Крлаверса, мазкур даврда ўзбек халқининг анъанавий кийим-кечаклари борасида дастлабки илмий материаллар йигила бошлаган бўлсада, лекин ушбу қайдномалар кўпинча мутахассис тадқиқотчилар томонидан Йиғилмаганлиги боис анъанавий кийимларнинг ўзига хос хусусиятлари ва тарихи борасида батафсил маълумот бера олмайдиган тавсифий характердаги ёки узук-юлук маълумотлар мажмуудангина иборат бўлиб қолган. XX афнинг 20-40 йилларида В.Г. Григорьев, О. А. Сухарева каби этнограф ва шарқшунос олимлар томонидан илмий маълумотлар ва дала тадқиқотлари асосида ўзбекларнинг анъанавий кийимларига оид қатор янги асарлар ва маколалар эълон қилинди. Айниқса, бу борада ўзбек этнограф олимаси М.Бикжонова Тошкент шаҳри ўзбекларининг анъанавий кийимларини ўрганшига доир қатор илмий изланишлари алоҳида эътиборга моликдир.

XX асрнинг 50-60-йилларида келиб ўзбек халқининг анъана-вий кийимларини ўрганиш борасида янги давр бошланди. Бу даврда турли тарихий-этнографик минтақаларда яшовчи ўзбекларнинг анъанавий кийимларини ўрганиш борасида янги-янги тадқиқодлар юзага келди. Бу борада машхур элшунос оима О.А.Сурхарева дала тадқиқотлари ва турли тарихий материаллар асосида ўзбекларнинг анъанавий кийимларига оид қатор фундаментал асарлар яратди. Олиманинг Марказий Осиё халқлари кийимларини ўрганиш муаммоларига оид илмий ишларида минтақада яшовчи халқлар кийимларининг ўрганилиш тарихи ва келгусида мавзу доирасида тадқиқ қилиниши лозим бўлган муаммолар борасида қатор эътиборга молик фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Айниқса, бу даврда Марказий Осиё халқларининг анъанавий кийимларига бағишлиб эълон қилинган ишлар ичида Миклухо-Маклай номли Этнография институти томонидан нашр қилишган «Ўрта Осиё халқлари кийимлари» номли фундаментал асар алоҳида ўрин тутади. Мазкур асар Марказий Осиё халқлари кийимлари шарқшунос ва этнограф мутахассислар томонидан археологи, деворий расмлар, ёзма манбалар ва

дала этнографик материаллари асосида жиддий тадқиқ қилинган асарлардан бири ҳисобланади.

Замонавий кийимларига бағишлиланган рисоласида анъанавий ўзбек кийимлари, уларни тайёрлашда ишлатиладиган мато турлари, тайёрлаш усуллари ва тарқалиши, бичими, тақинчоқлари, кийим-кечак безакларининг турлари тўғрисида батафсил маълумотлар берган. Бундан ташқари, таниқли этнограф олим, академик Қ.Шониёзов билан Ҳ.Исмоиловнинг ҳам муаллифликда ёзган «Ўзбеклар моддий маданиятидан этнографик лавҳалар» номли асарида ҳам анъанавий ўзбек кийимлари тахлилига алоҳида боб бағишиланган бўлиб, эркак ва аёллар кийимлари, уларнинг ўзаро фарҳугари, тайёрланиши ва кийилиши хусусида қизиқарли хажвий мулоҳазалар баён қилинган.

Бош кийимлари ҳам анъанавий кийимларининг асосий қисмларидан бирини ташкил қиласи. Қадимги даврлардаёқ бош кийимига караб ўзбекларнинг этник ва локал гурухларини фарқлаш мумкин бўлган. Зеро, ўзбек аёлларининг анъанавий бош кийимлари санъатшунос ва этнограф олимлар томонидан жиддий тадқиқ этилган. Умуман олганда, кўплаб муаллифлар аёллар юзиш ёпинчиқ тарзида тўсиб турувчи маҳсус либосларнинг келиб чиқиши исломдан аввалги анъаналар билан боғлиқ, деган хуносага келган. Таниқли музейшунос мутахассислар Т. Абдуллаев ва С.А. Ҳсановаларнинг «Ўзбеклар кийими» номли асарида Ўзбекистан тарихи музейида сақланаётган кийим-кечакларнинг хоёб нусхалари асосида XIX аср охири -XX аср бошларидағи Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Тошкент ва Хоразм минтақаларига хос эркаклар, аёллар, бо-лалар ҳамда турли табака вакиллари кийимлари тахлил қилинган. Бу асар юқорида айтиб ўтилганидек музей материалларини ўрганиш асосида юзага келган дастлабки тадқиқод ҳисобланса-да, лекин ушбу китоб бир қатор камчиликлардан ҳам холи эмас. Жумладан, китобда кийимларнинг маҳаллий хусусиятларига доир жиҳатлари акс эттирилмаган. Шу боис, Ўзбекистоннинг барча минтақаларига хос бўлган хилма-хиллиқ анъанавий бичиш усуллари

батафсил ёри-тилмаган. Лекин шунга қарамай, бу асар ўзбек кийимлари мавзуида кенг куламли тадқиқотлар олиб бориш ҳамда кийиниш маданияти-нинг ўрганилмаган халфаларини чукур ёритишга ёрдам беради. Ўзбек кийимларининг этнографик таҳлили тарихига назар тапшаганда, 90-йилларга келиб Москвадаги Этнография институти илмий жамоаси томонидан нашр этилган «Ўрта Осиё ва Козогистон халқларининг анъанавий кийимлари» номли асарни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз-дир. Марказий Осиё ва Қозогистон халқларининг анъанавий кийимларига оид сўнгги тадқиқотлар натижасини ўзида мужассамлаштирган бу асарда Хоразм аёллари ва Фарғона-Тошкент эркакларининг анъанавий кийимлари қиёсий-тарихий жиҳатдан таҳлил қилинганлиғи муҳим илмий аҳамият қасб этади.

Собиқ иттифоқ даврида Марказий Осиё халқларининг уй шароитида ип-газлама, ипакли ва ярим ипакли (нимшойи) ҳамда жун ва теридан мато тайёрлаш жараёни ҳам айрим тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлиб, матоларни тўқиб, турли-туман рангларга бўяш усуллари ва ушбу жараёнларда иштирок этувчи ҳунармандларнинг вазифалари тавсифланган. Лекин, афсуски, бу ўзига хос ва қизиқарли мавзу Республикализнинг миллий анъаналари ҳамда ўзига хос локал хусусиятлари билан ажralиб турувчи тарихий-этнографик минтақалардан бири Қашқадарё воҳааси мисолида хозиргача ўрганилмаган.

Анъанавий кийимларга хос тақинчоқ ва безаклар яқин давр-ларгача одат бўлиб келган. Кийим-кечаклардаги янгиланиш ва унинг трансформациям тақинчоқларнинг айрим хиллари истеъ-молдан чикиб кетишига сабаб бўлган. Бу даврда анъанавий кийимларнинг ажralmas қисми бўлган тақинчоқларнинг турлари, тарихи ва улар билан боғлиқ тасаввурлар ҳам маълум даражада ўрганилган.

Умуман олганда, мазкур тадқиқотлар маълум илмий концепция асосида ёзилган бўлсада, лекин аксарият илмий ишларда Ўзбекистоннинг барча минтақаларида яшовчи ўзбеклар кийимлари қамраб олинмаган. Шу

боис, бажарилган ишларда кийим-ларнинг турли минтақаларга хос махдллий турлари тула акс этмаган, айрим ҳолларда эса фақатгина музей материаллари билан чегараланиб колинганини кузатиш мумкин. Мустақиллик йилларида ҳам бир қатор тадқидаларда мил-лий қадриятларимиз, анъанавий моддий ва маънавий маданият, халқона урғодатлар муаммоси ҳдкконий илмий муаммо тарзда ўрганила бошланди, деб айтиш мумкин, Жумладан, анъанавий кийимларимиз таркибиға киравчи ўзбек миллий дўппилариға бағишлиланган тадқиқтларда юртимиз аҳолисининг анъанавий бош кийимлари, уларнинг турли минтақаларга хос кўринишлари ва тарихий асослари борасида янги маълумотлар тахлил этилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

ЎзРФА Тарих институти «Этнология» булимида ўзбек халқи этнографиясининг долзарб мавзуларининг янгича талкинига бағишлиланган қатор тадқиқотлар яратилди деб айтиш мумкин. Жум-ладан, этнограф Г. Юлдашева Нурота воҳаси аёлларининг анъ-анавий кийимлари мавзусида ёқдаган номзодлик диссертация-сида воҳа аёлларининг кундалиқ байрам кийимлари ҳамда қиз-лар ва келинларнинг либослари ҳақида бой этнографик маълу-мотлар келтирган.

Тадқиқотчи Г. Зуннунова Тошкент шахри ўзбек аёллари кийимларининг ривожланиш босқчлари ва трансформациясини ўрганган бўлса, Қ.Жумаев Бухоро кийимларининг ўзига хос то-монларини этнографик материаллар асосида тахдил қилган³⁰. Бундан ташқари, У. Абдуллаев, И.Аэуэров, М. Ҳамирова, Т. Ботиркулов каби еш санъатшунос, файласуф, этнограф олим-ларнинг ўзбек миллий кийимлари тахдилига бағишлиланган қатор иишари эълон қилинган. Ёш истеъоддли этнолог олим А.А.Аширов томонидан ўзбек халқи оиласи маросимларида кийим-кечакларнинг рамзий тутган ўрни янгича нуқтаи назардан тадқиқ қилинган бўлиб, туғилиш, никоҳ ва мотам маросимларида кийиладиган кийимларидаги умумийликлар борасида қатор эътиборга сазовор мулоҳазалар билдирилган.

Сўнгги йилларда ўзбек миллий кийимларини илмий асосли тарзда ўрганишда санъатшунос олима Н.Содикованинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу муаллиф XIX - XX асрлардаги ўзбек миллий кийимларини Республикализ ва хорижий мамлакатлардаги йирик музейларнинг фондларида сақланаётган материаллар асосида турли худудлар, жумладан, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Бухоро, Самарқанд вилоятлари бўйича илмий тадқиқ қилганлигини айтиб ўтиш ўринли. Хуллас, мавжуд адабиётлар таҳлилидан кўриниб турибдики, анъанавий миллий кийимларнинг трансформацияси Қашқадарё воҳаси материаллари асосида XIX аср охири XX аср тарихий давр доирасида маҳсус ўрганиб чиқилмаган. Мазкур монографиянинг манбавий асосини дала этнографик экспедициялари жараёнида йигилган маълумотлар; мавзунинг у ёки бу жиҳатларига алокадор адабиётлар ҳамда тадқиқ қилинаётган муаммонинг айрим томонларини узида акс эттириған, лекин хали чоп эттирилмаган тадқиқотлар ва илмий хисботлар; музей фондларида сақланаётган ва кўргазмаларда намойиш қилинган кийим-кечаклар; архив материаллари ташкил қиласиди.

Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг XIX асрнинг охири - XX асрдаги анъанавий кийимлари трансформациясини илмий тадқиқ қилишда муаллиф томонидан 2000 - 2006 йиллар мобайнида воҳанинг Шахрисабз, Китоб, Яккабоғ, Қамаши, Гузор, Қарши, Косон, Касби, Муборак, Миришкор туманларидан йигилган материаллар асосий манба бўлиб хизмат қиласиди. Монография учун йигилган дала материаллари маҳаллий ахоли билан сұхбат, шахсий кузатувлар ва анкета сўровномалари асосида тўпланди. Халқимизнинг анъанавий кийимларини яхши биладиган, хаёти давомида ушбу кийимларни кийган, бичиб-тикиб тайёрлаган 65-90 ёшдаги 100 дан ортиқ ахборотчилардан ёзиб олинган этнографик маълумотлар монографиянинг фактик асосини ташкил этди. Шунингдек китобни етарлича ёритиш учун ахолининг шахсий фото альбомларидағи кийим тасвирлари ҳамда кексалар қўлида сақланаётган кийим намуналарига

таянган ҳолда ва кийиниш маданиятининг ривожланиш жараёни ўрганилди.

ЎЗБЕК ХАЛҚИ АНЬАНАВИЙ КИЙИМЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИДАН

Инсониятнинг кийиниши эхтиёжини ўтовчи буюмлар мажмуининг умумий номи ўзбек адабий тилида «кыйим», «кыйим-кечак», сўзлашув нутқида «энгил», «энгил-бош» (энгилвош), «кыйим-бош» (кыйим-вош), «уст-бош» (уствош), «либос», «сарпо» каби атамалар билан ифодаланади. Анъанавий кийимлар узоқ тарихий давр давомида шаклла-ниб. у ёки бу халқ яшаган географик муҳит, унинг хўжалик шакли, ижтимоий муносабатлари, маданияти, этник катламлари ва бошқа қатор омиллар билан бевосита боғлиқ Ҳолда тараққий этиб борган. Бошқача айтганда, кийимлар ва кийиниши маданияти узоқ тарихий-тадрижий йўлни босиб ўттан. Халқ турмушига мос, ишлаб чиқариш жараёнларига хос бўлган кийимлар асрлар мобайнида шаклланиб бориши натижасида халқнинг анъанавий миллий кийимлари мажмуи юзага келган. Халқона миллий либосларнинг шаклланишида ташқи табиий муҳит, хўжалик машғулоти, халқ фалсафаси, маданияти, ижоди, диний эътиқоди ва миллий анъаналари каби турфа хил омиллар муҳим ўрин тутади. Кийимларнинг юзага келиши ва турларининг кўпайишида кишиларнинг турмуш тарзи, меҳнат ва иқлим шароитидан ташк-ари, уларнинг маданий ривожланиши, эстетик дидининг усиши ҳам асосий омиллардан бири бўлган.

Дархақақат, кийимлар бўйича олиб борилган илмий тадқиқодлар шундан далолат берадики, миллий либосларда маълум бир бадиий талкин мужассамлашган бўлиб, унда инсон ўзининг эстетик ғояларини ифода этган ва жамият хаёти билан боғлиқ ҳамда ривожланиб борган. Ўз навбатида, унинг тараққиёти нафақат иқтисодиёт ривожи натижасида содир бўлган ўзгаришлар, балки сиёsat, дин, этика билан ҳам бевосита боғлиқ бўлган. Умуман олганда, халқ кийимлари анъанавий миллий маданиятнинг асосини ташкил килувчи муҳим этномаданий ходисалардан бири бўлиб, унда халқнинг рухий тафаккури, турмуш ўлчовда ёш, жинс, бўй-bastни ҳисобга олган ҳолда ўзига хос дид билан тайёрлана бошлаган ва тобора

мукаммаллашиб борган. Хуллас, хар бир тарихий давр кийим-бошларида уша боскичга хос кийиниш маданиятининг инъикоси акс этиб тўрган.

Ўзбекистан худудида яшаган энг қадимги аждодларимизнинг кийимлари ҳам дунёнинг бошқа миллатлар кийимлари каби табиий иқлим, турмуш шароитлари ва уруғ қабила анъаналари асосида шаклланган. Ўтмиш аждодларимизнинг кийим-кечаги, уларнинг шакллари ва эволюцияси ҳамда махаллий хусуси-ятлари тўғрисида Республика худудидан топилган археологик ёдгорликлар, деворий расмлар, хайкалчалар, манда нақшлар, торевтика, ёзма манбалар, кўлёзма китобларга ипшанган мўъжаз ранг тасвирлар (миниатюра)лар бирмунча аниқ тасаввурлар беради. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек кийимларнинг дастлабки шакллари тўқимачиликнинг пайдо бўлиши билан бевосита боғлик бўлган. Археологик маълумотларга кўра, Марказий Осиё худудида тўқимачиликнинг вужудга келиши тош асли илк неолитга бориб тақалади. Хусусан, Копеттог этакларида аниқланган Жайхун маданиятига оид ёдгорликларда тўкув дастгоҳларининг қолдиқлари топилган. Бу даврда минтақада чорвачилик соҳаси ривожланган бўлиб, тўқимачиликда жундан тайёрланган кийим-кечаклар асосий ўринни эгаллаган. Ўз навбатида шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Марказий Осиёдан алоҳида аҳамиятга эга бўлган қадимги тўқимачилик марказлари топилмаган бўлсада, туташ тарихий-маданий минтақаларда кузатилган ашёлар энеолит давридан бошлаб тўқимачилик юқори даражада ривожланлигини кўрсатади.

Милоддан аввалги II минг йилликка оид кийим қолдиқдари Сополлитепадан ҳам топилган. Умуман олганда, милоддан аввалги VI асрга келиб кийим тайёрлашда жун матолари тери матоларини деярли сикиб чиқарган.

Умуман олганда, ҳалқ кийимлари анъанавий миллий маданиятининг асосини ташкил қилувчи муҳим этномаданий ходисалардан бири бўлиб, унда ҳалқнинг рухий тафаккури, турмуш тарзига таянга ҳолда ва кийиниш маданиятининг ривожланиш жараёни ўрганилди.

Тарзи, тараққиёт даражаси ва этник тарихи ўз аксини топган. Демак кийим ижтимоий қодиса бўлиб, жамият тараққий этгани сайин у ҳам такомиллашиб, ривожланиб борган.

ЭНГ ҚАДИМГИ КИЙИМЛАР

Маълумки, ер шаҳрида табиий жараёнларнинг тез-тез ўзгариб туриши турли либосларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Милоддан аввалги V минг йилларгача бўлган даврда кийим тайёрлаш учун факат табиий материаллар (ҳайвонлар териси, дарахт пўстлоғи, ўсимликлар толаси)дан фойдаланилган. У даврларда кийилган кийимларнинг асосий вазифаси киши танасини совук ёки иссиқдан ҳимоя қилиш бўлган. Хусусан, терилибосни ел калан ўтказиб маркам ботлаш, герининг ўртасидан тешиб, ундаи бошни ўтказиб кийиш, тери билан танани ўраш либос тайёрлашдаги дастлабки усусларнинг пайдо бўлиши ва ўзгариш жараёнларининг ибтидосидир. Анна Левин Дорш ва Г. Куновлар ибтидоий одам белига боғлаган тасма ёки оёқ-қўлига тақилган халқалар, бадани бўяш (татуировка), хом теридан тайёрланган ёпинчиқлар, белдан пастга тутиласиган чипта, ўсимлик япроғи ва қуш патларидан тайёрланган тутқичларни ҳам “кийимнинг ибтидоси” деб ҳисоблайдилар.

Тарихий-этнографик адабиётларда кийимлар тараққиётининг биринчи босқичи тўқимачилик (тур ва газлама тўқиши) техникасининг ривожи билан боғлиқ деб Таллин қилинади. Тўқима матоларнинг эгилувчанлик букилувчанлик ўралувчанлик шунингдек тўқима тур матоларнинг чўзилувчанлик ва турли шаклга тушиш каби хусусиятларидан кишилар кенг фойдалана бошлаганлар. Қадимги либослар учун хом ашё маҳсус йўрмакланган ёки боғланган матодан иборат бўлган. Ана шу мато ёрдамида кишилар ўз баданини ўраб олишган.

Кишилар об-ҳавога қараб ҳамда ўз ижтимоий ахволидан келиб чиққан холда түғри туртбурчак элипс шаклидаги мато либослар кийиб юришган. Шу тарзда мато либосларнинг ҳимоя ва ижтимоий вазифаси кенгайиб, ўзгариб борган. Умуман олганда, кийимлар аста-секин муайян

ЎРТА АСРЛАРДА ЯШАГАН АЖДОДЛАРИМИЗ КИЙИМ – БОШЛАРИ

Илк ўрта асрларга оид деворий ранг тасвиirlарда ўша даврда яшаган аждодларимизнинг кийим-бошлари, уларнинг турли хил шакллари, маҳаллий хусусиятлари ҳамда бу даврга оид мато турлари акс этган. Айниқса, бу борада Афросиёб, Панжикент, Варахша, Болаликтепа, Холчаён ва бошқа қатор ёдгорликлардаги деворий ранг тасвиirlарни алоқида таъкидлаб ўтмоқ жоиздир. Жумладан, болалик тепадаги қазилмалар чоғида топилган суратларда эркаклар устида якtagи борлиги аниқланган. Ёзма манбаларда «яктак» сўзи XII - XIII асрлардан эътиборан маълумдир. Чунончи, «Муқаддиматул-адаб»да яктои, яктайни кийди деган сўзлар учрайди.

Тадкиқотчи олима Г.М. Майдинованинг фикрича, илк ўрта асрларга оид тасвирий санъат намуналарида Сугд ва Тоҳаристонда русм бўлган кийимларнинг барқарор турлари уларнинг жуда қадим замонлардан бери маҳаллий иқлим ва эл-элатлар турмушига мослашганидан далолат беради. Деворий суратлардан ва археологик материаллардан шу нарса маълум бўладики, илк ўрта асрларда ўзига тўқ тоҳаристонлик эркаклар ипакдан, камбағал аҳоли эса оқ бўздан чакмон кийганлар. Ушбу маълумотларни бевосита ёзма манбалар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, машҳур хитой сайёхи Сюаньцзан Тоҳаристоннинг камбағал аҳолиси пахтали мато ва кам сонли бойбадавлат табақа вакиллари эса жунли матодан кийим кийишганини ёзади. Ўз навбатида, Тоҳаристонлик зодагон аёллар эса қимматбахо тошлар билан безатилган кўркам ипак кўйлак кийганлар. Умуман олганда, Тоҳаристон аҳолиси либоси учун елкаси ёпишиб турадиган ва этаги трапециясимон бўлган кўриниш асос бўлган бўлиб, маҳаллий аҳоли кийимларининг бичими асосан бир хил бўлган. Уст-бошларнинг хамма кўринишлари енгиз, узун, баъзи ҳолларда енги кенг қилиб бичилган. Кийимларнинг ён томонида одатда йирмоч-кийик жойи, ёnlама ёкаси бўлганки, бу ҳол Ўзбекистон халқларининг хозирги кийимида ҳам илдизи чуқур тарихий анъанага бориб тақаладиган хусусиятлар мавжудлигини кузатиш имконини беради. Фарғона

водийсининг Мунчоқтепа ёдгорлигидан энг қадимги ва илк ўрта асрларга оид қатор кийимларнинг намуналари, асосан, эркак аёл ва болалар устбошлари топилган. Қадимшунос ва санъатшунос олимлар томонидан ўрганилган аёллар кўйлагининг бичими узун бўлиб, ипакдан тайёрланган ва этаги тўпигигача тушган. Этаганинг энг қуи қисмидан, яъни икки ён томонидан 10-15 сайтам қирқиб қўйилган, белларига эса камар (белбоғ) бойлаб зеб берилган. Айнан бу даврга хос болалар кийими ҳам ипакдан калта қилиб тикилган бўлиб, белидан сал пастга тушиб турган. Кўйлак этагидан, яъни бели атрофидан икки ён томондан 10-15 см қирқиб қўйганлар. Ёқалари тўғри ва белида маҳсус тасма-белбоғи бўлган. Қиз болалар кўйлагининг кўкрак қисми, енгининг учи ва этаги маҳсус қадама гуллар билан безатилган. Ўнг қўл томонидан эса уйма чунтак (кисса) тикилган. Кийимга мунчоқлар тикилиб зеб берилган бўлиб, енги ва кўкрак қисмига майда маржонли нақшлар тикилган⁵. Умуман олганда, илк ўрта асарлар (V-VII асрлар)да яшаган аждодларимиз кийимларининг тадрижий ривожланиб бориши нафақат Марказий Осиё, балки бутун Осиё ва Буюк ипак Йўли бўйлаб жойлашган халқларнинг этник ва ижтимоий-сиёсий тарихи билан бевосита боғлиқ бўлган.

Тарихдан маълумки, илк маротаба Муг тоғидан топилган сұғд ёзувидаги хужжатлар билан бирга турли матолар бўлаклари топилган бўлиб, тадқиқотчи олимларнинг таъкидлашича, бу матолар VIII асрнинг биринчи чорагига тегишлидир. Муг тоғидан топилган ашёлар ичида йўл-йўл тўн кийган хушбичим чавандоз тасвири акс этган қалқон ҳам топилган бўлиб, чавандоз тунидағи ингичка қизил йўллар сариқ таг узра тушган. Дарвоқе, Муг тоғидан топилган мато парчалари ичида тўқ қизил рангнинг оқ ва яшил ранглар билан ўзаро уйгунлигига бўялган жунли матонинг ягона намунаси мавжудлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўша даврда йўл-йўл мато камёб бўлганлигини билдиради.

Машхур араб тарихчиси Марказий Марказий Осиёдан қўшни мамлакатларга чиқарилган моллар тўғрисида ёзар экан, ёзма манбаларда илк

маротаба X асрда Марказий Осиёдан экспорт қилинган маҳсулотлар ичида йўл-йўл газламадан тикилган Хоразм чопонлари ҳам бўлганлиги хақида маълумот V-VII асрларда Марказий Осиёда ўзига хос ипакчилик марказлари пайдо бўлган. XI асрда яшаб ўтган машҳур тилшунос олим Махмуд Қошгарийнинг «Девону луғатит турк» асарида ҳам жуда кўплаб кийимлар ва улар учун иштиладиган газламалар номлари берилган. Махмуд Қошгарий ўз асарида 30 га яқин мато номларини келтириб ўтиш асосида фақатгина табиий матолардан (пахта, жун, шойи) тўқилган матоларнигина эмас, балки зарли кимхоб мато - «йўллик барчун» (кимхоб маъносида)дан ҳам чиройли тўнлар тикилганини таъкидлайди. Шуниси қизиқки, қимматбаҳо ипак кимхоб ва духоба газламалар ўрта асарларда, аниқроғи, X - XII аср-ларда пул ўрнида муомала воситаси сифатида ҳам ишлатилган.

Асарда кийиниш маданиятига оид бўлган 225 та сўз келтирилган⁵⁸. Бу эса туркий халқларнинг кийиниш маданияти юқори бўлга нини қўрсатади. Жумладан, «Девон»да туркий халқлар орасида кенг тарқалган ўрта - ёпинчиқ пахтали тун, келин қучганда, горганда бегоналардан яшириниш учун мўлжалланган ёпинчиқ, кийикпатдан қилинадиган бош кийим, хотин пешонабоғ (дакана) уради, хотинлар кўкрагига тутадиган нарса (сийнабанд), яхтак (бир қаватли устки тўн) фартук камар (умумий), иштон каби сўзларнинг изоҳи баён қилинганлиги диққатга сазовордир. Машҳур тилшунос олим қадимий туркий халқларнинг нафақат устки кийим-бошлари, балки кўйлак ичидан кийиладиган ички кийим, ич кўйлак яъни тўртчак - хотин қизларнинг енги йўқ, ич кийими тўғрисида ҳам қизиқарли маълумот бериб ўтади. Шубҳасиз, маҳсус ич кийимнинг айнан XI асрда ҳам мавжудлиги бу даврда аслида ўзига хос кийимлар мажмуи шаклланганлиги ва аждодларимизнинг ўзига хос кийиниш маданияти сохиблари бўлишганидан далолат беради. Қолаверса, ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси Алишер Навоий асарларида теринчак «терлик» маъноси таъкидланган: Ўзбакий гулнори тундин куйдум, аммо ултуур, Лелуйий терлик анинг остидаким, жонон кияр. Ўрта асрлар либосларини тахлил

қилишда миниатюра асарларининг ҳам ўрни бекиёс аҳамиятга эга манбалардан бири ҳисобланади. XII аср охири -XIII аср бошларида яратилган миниатюраларда тасвирланган эркак ва аёллар этаги бирмунча кенг, ўзига хос бичимли думалоқ шаклдаги кўйлаклар кийганини қўриш мумкин. Олд қисми қисқароқ, орқаси узунроқ бўлган бу кўйлакларнинг астари кўпинча йўл-йўл матодан тикилган. Эркак ва аёллар кийимлари ташқи жиҳатдан ўхшаш бўлса-да, уларда кўпгина фарқли жиҳатлар ҳам бўлган. Аёллар кийимининг енги пастга қараб кенгайиб борган, эркаклар эса билагига ёпишиб тўрган кийим кийганлар. Аёллар тўғри бичимли узун юбка шаклидаги кийим ёки кенг лозим кийишган. Эркаклар шалворининг почаси узун бўлиб, кунжли этикка тикиб куйилган. Эркаклар бошига салла ўрашган. Аскарлар эса кийим устидан совут кийишган.

Миниатюраларда тасвирланишича, Марказий Осиё аҳолисининг кийимлари асосан турли хил рангли силлиқ матолардан тикилган.

Юкорида таъкидлаб ўтганимиздек, ўрта асрларга оид айrim миниатюраларда йўл-йўл матолар тасвири ҳам учрайди. Марказий Осиё ҳам миниатюраларидағи кийимларни маҳсус тадкиқ қилган санъатшунос олима Г. А. Пугаченкованинг таъкидлашича, бундай йўл-йўл турдаги матолар фақатгина Марказий Осиё халқларига тегашлидир. Миниатюраларда бундай рангдаги матодан тайёрланган кийимлар унча бой бўлмаган оддий фуқаролар орасида урф бўлган эркаклар тўни, салласи ва иштони кўринишида тасвирланган. Бундай матоларнинг кенг тарқалишини Туркманистон Республикаси худудидан топилган XV - XVIII асрларга оид археологии ёдгорликларда олиб борилган илмий изланишлар ҳам тасдиқлайди. Қолаверса, авра-астарли қилиб тикилган тўн-чопон ҳам эркакларнинг қадими кийими ҳисобланиб, VI - VIII афларга оид Култегин ёдномасида илк маротоба устки кийим маъносида учрайди.

Ўзбек миллий кийимларини ўрганишда XV - XIX асларда Хирот ва Бухоро мактабларига мансуб мусаввирлар яратган миниатюра санъати асарлари жуда қимматбахо манба ҳисобланади.

Марказий Осиё халқларининг XVI аср миниатюраларида тасвирланган кийимлари ўзбек ва тожикларнинг XIX аср охиридаги кийимларига ўхшаш бўлган. Марказий Осиёга мўғул босқини натижасида XIV асрнинг биринчи чорагидан бошлаб зўрлик билан киритилган мўғул-хитой анъаналари барча соҳалар қатори лиbosларда ҳам ўз аксини топган. Хукмдорлар, сарой ходимлари, давлат амалдорлари, шунингдек маҳаллий аҳоли орасида мўғул-хитой услубида кийиниш ва соч турмаклаш расм бўлган. Ўнг кўкрак томондан боғлаб қўйиладиган, диагонал бичимли, калта енгли, ён томондан бел баробар қирқиб очилган, кўкраклари кашта билан безатилгач, лиbosларда XIV аср кийимларига хос хусусиятлар мужассамлашган дейиш мумкин. Бу даврда аёллар устки лиbosларининг олди очиқ, кенг, нихоятда узун, енги пастга қараб кенгайиб борадиган тарзда тикилган. Бош кийимининг уст қисмига бир тутам қуш пати қистирилган бўлиб, бичими мураккаброқ қалпоқ шаклида бўлган.

XIV асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб, мўғул-хитой лиbos русми сиқиб чиқарилган ва маҳаллий кийим-кечакларнинг янги турлари шаклланган. Аммо эркаклар туни, кийимларнинг кўкрак қисмига тикилган кашта безаклари, лиbosлар елкаси ва бел қисми, кийим этагини белгача ёки ундан узунроқ қилиш каби мўғул-хитой кийимларига хос хусусиятлар сақланган.

XV асрда, яъни темурийлар хукмронлиги даврига келиб, эркак ва аёллар орасида турли рангдаги ички ва ташқи қаватли, яъни авра-астарли иккита узун лиbosни устма-уст кийиниш одати раем бўлган. Ўз навбатида, темурийлар салтанати даврида Самарқанд, Хирот, Шероз каби шаҳарларда башанг, рангбаранг, содда ва жозибали маҳаллий бичимдаги лиbosлар шаклланган. Шунингдек турли мінтақалардаги кийиниш маданияти ўзига хос услублари, ранг танлаши ва айрим безаклар билан кийинишига қўраҳам фарқланиб тўрган. Санъатшунос олима Муқаддима Ашрафийнинг ёзишича, хеч бир даврда лиbos бу ўлкаларда каби бу қадар башанг, рангбаранг ва жозибали бўлган эмас. Темурийлар даврада жамиятда бўлган ўлкан

ўзгаришлар маҳаллий аҳоли кийим-бошларига сезиларли таъсир қилган ва маҳаллий аҳоли кийимларида турли иноэтник алломатлар ҳамда безаклар пайдо бўлган. Айнан мазкур даврда Моварауннахрда ва сўнгра бобурийлар замонида Хиндистонда алломалар, давлат амалдорлари, уламолар паранжи русумидаги либос кийганлар. Бинобарин, «паранжи» сўзи ҳам эркаклар, ҳам аёллар кийими маъносини англатган.

Шайбонийлар сулоласи даврига келиб, паранжи-чопон илм аҳли - олимлар киядиган кийим вазифасини бажарган. Кейинчалик мазкур кийим аёлларнинг ташқарига чиққанда киядиган маҳсус устки либосига айланган. Айнан шу даврда эркакларнинг асосий кийими туннинг кўплаб турлари юзага келган. Хусусан, XVI аср тарихчиси Мухаммад Солиҳ Мухаммад Шайбонийхоннинг укаси Султон Махмуднинг Шоҳрухияга юриши воқеаларини баён қиласар экан, совуқда чидамли «ичу тош тунларининг борча турлук» намуналарини таърифлаган. Бу даврда бош кийимларни тайёрлаш анъанаси ҳам алоҳида ўрин тутган. Бухорода дўппи тикиш билан машғул бўлган усталар «тақиядўзлар» деб аталган.

Ўз навбатида, шаҳарларда тақия билан бир қаторда совуқ иқлим шароитида кийишга мўлжалланган турли хил қалпоқлар, мовутдан тайёрланадиган бош кийимлар ҳам тикилган. XVI асрда анъанавий кийимлар мажмуига киравчи оёқ, кийимлар тайёрлаш анъанаси ҳам тараққий этган бўлиб, Марказий Осиё шаҳарларида турли-туман терилардан хилма-хил оёқ кийимларини тикувчи косиблар кўп бўлган. Бухорода яратилган ёзма манбаларда улар музадуз (этиқдуз), ковушдўз деб, этикларга гул тикувчи косиблар эса музапардозлар деб аталганлиги қайд қилинган. Хусусан, XVI асрга оид тарихий хужжатларда Бухорода яшаган Боқи музадўз, Хўжа Ёр Мухаммад музадўз, Насим музапардозлар хақида маълумотлар берилган.

АЁЛЛАРНИНГ КУНДАЛИК ВА БАЙРАМ КИЙИМЛАРИ

Воҳа аёлларининг кийимлари ўшда анъанавий маҳаллий кўринишларни мукаммал сақлаган, Аёллар кийимида ўзига хос нақшлар, безаклар, ҳошиялар кўп қўлланилган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўрта Осиё халқарининг анъанавий кийимларида қадимдан маҳаллий ўзига хослик на миллийлик устун бўлиши билан бирга улар яхлит умумий асосга ҳам эга бўлган. Аёллар кийимларидағи умумийлик уларнинг кенг, узун, туғри бичими ва кўриниши билан изоҳланади. Воҳа аёлларининг анъанавий кийимлари таркибиға қўйидагилар кирган: кўйлак ва лозим, устки кийимлар-халат, желак пахта солиб қавилган чопон, камзул, енгиз нимча, бош кийимлари-дўппи, рўмол, дакана кийгичлар, «салла бош», калуга, ёпингичлар-паранжиси, кўрта, желақ оёқ, кийимлари-маҳси, калиш, енгил ковуш, попушдан иборат бўлган.

Аёлларнинг анъанавий кийимлари тайёрланган мато турлари хилма-хил бўлиб, воҳада мавжуд бўлган хўжалик маданий типлари, аҳоли жойлатган ҳудуднинг, ўзига хослиги аҳолининг ижтимоий, майший турмуш тарзи аёллар кийимларига сезиларли таъсир кўрсатган. Бундан ташқари қўшни халқлар билан маданий-иқтисодий алоқалар таъсири ҳам кийимларда бевосита аксини топган.

Сурхон-Шеробод воҳасида табиий иклим шароитига мос ярим ўтроқ хаёт кечирган аҳоли, ипак қурти боқиши билан машғул бўлмаган. Аёлларнинг анъанавий уй машғулотларидан бири ҳисобланган тўкувчиликда асосий хом-ашё жун бўлиб, қўй, тuya, эчки жунидан уй шароитида мато тайёрланган. Ўтроқ турмуш тарзига эга бўлган аҳоли эса ғўза етиштириб, ипак қурти боқиши билан шуғулланган. Баъзан улар пахта ва ипак толасини бу ердан сотиб олишган на уй шароитида пахтали матолар (бўз, олача) тайёрлашган. Аёлларнинг анъанавий кийимлари учун четдан келтирилган ноёб, қимматбаҳо шойи ва ярим шойи матолар ҳам ишлатилган. Ярим шойи ва чарм аралашган «курсок» матоси, «гижим-

парча» матолари аёлларнинг анъанавий туй ва байрам кийимларида ишлатилган.

Аёллар кийимлари учун четдан келтирилган шойи, дарои, гулбарра сингари ярим ипак матолар ишлатилиб, улар асосан Қўқон. Марғилон, Хўжанд, Бухоро шаҳарларида тайёрланган ва ўзининг сифати билан бир-биридан фарқ қилган.

Аёллар кийимлари мавсумга қараб қишиги, баҳорги, ёзги кийимларга; бажарадиган вазифасига қўратўй, байрам, маросим либосларига, тананинг қайси қисмiga кийилиши бўйича ички, устки, бош, оёқ, кийимларига бўлинади. Бундан ташқари аёллар кийими уни киядиган аёлнинг ёшига қараб ҳам фарқланади.

Аёлларнинг анъанавий кийимлари ҳақида сўз борар зкан, аввало, энг кўп тарқалган оммавий кундалик кийимлардан бири ҳисобланган учун, кенг, тўғри бичимли аёллар куйлагига тўхталиб ўтсак Аёллар кўйлаги, Сурхон воҳасида ўзига хос, маҳаллий кўринишларга эга бўлган. Аёл ҳар кўйлакларини бичишда тежамкорликка эътибор беришган. Бир бутун мато кўйлакнинг олд ва орқа томонини ташкил қиласидан ҳолатда елкалари тикилмай тахланган. Матонинг гавда қисмiga перпендикуляр қилиб тўғри ёки торайиб борувчи енглар тикилган. Қўлтиқ остига ҳар доим учбурчак ёки ромб шаклида ямоқ-кулфак солиниб, кўйлакнинг ён томонларига узун учбурчак шаклидаги қийиқ қулфак туширилган. Аёллар кийимларининг ушбу кўринишда бичилиши либоснинг бу турига хос умумий белгилардан бири бўлиб, бичувчининг асосий эътибори матони терлашига қаратилган.

Ҳозирда ҳам воҳада кекса аёл бичувчилар матони тежаш билан боғлиқ, бу анъанани давом эттиromoқдалар. Кўйлакни тез йиртилмаслик чидамли бўлишини таъминлаш мақсадида икки ён томонидан қийиқ қуийб тикканлар, ушбу қийиқ икки қават қилиб тахланган бир мато парчасидан қийиб косит йўли билан бичилган. Шунингдек воҳа аёлларининг устки кийимларидаги ўзига хослик уларнинг ёқаларида ҳам ўз ифодасини

топган.

Ўрта Осиё халқарида бўлгани сингари Сурхон воҳаси аёлларининг кўйлакларида ҳам ёканинг асосан икки хил қўринишдаги шакли маълум бўлган:

1. Узун тик-уйма ёка.
2. Елка ёка - кифтлари биринчиси иккинчисига туташувчи ёқалар.

Маҳаллий шароитда кўйлакнинг кундаланг ёки узун тик қирқилган бош кириб чиқиши учун мўлжалланган қисми «йирмочи» ёки «ёқа» деб аталган. Узун тик ёқали кўйлаклар аҳоли орасида «пешқушо», «жахак», «чакак» деб қаритилган.

Уйма ёқа кўйлаклар аёлларнинг бола эмизишига қулай бўлиши учун мўлжалланган бўлиб, бўйиндан тирноққача 25 см чамаси кесма туширилиб, ёқани ёпиш учун боғичлар қилинган, кейинчалик ёқага тўғнағич қадаш урф бўлган.

Кўйлакларнинг йирмоқи кундалангки «елка ёқа» каби турлари асосан қизлар томонидан турмушга чиққунига қадар кийилган. Елка ёқа кўйлаклар йирмоқининг чеккаларига турли хил жияк чироз, тасма, ёки турли хил рангли иплардан нурма усулида кашта тикиб чиқилган.

Ёқага кашта, жияк тақища икки нарсага эътибор берилган. Бунда аввало безак кўрк бериб туриш кўзланган бўлса, иккинчидан йирмоқидан бош кириб чиқсанда тез йиртилиб кетмаслиги, кўйлакнинг чидамли ва сифатли бўлиши кўзда тутилган.

Бойсун, Шеробод туманларининг тоғ ва тоғ олди қишлоқларида аёллар ўзларининг диди ва бадиий махоратига мос равища кўйлакларнинг олди ҳамда ёқа қисмларига безак кашта тиқсанлар. Кўйлакларга бериладиган безак тури ва текли бир томондан уша ҳудуддаги мавжуд шарт-шароитга, иккинчидан кийимнинг қандай мақсадда кийилишига боғлиқ, ҳолда танланган. Кўйлакларга безак беришнинг усуллари рангбаранг ва сон-саноқсиз бўлиб, бу ўринда уларнинг барчасини санаб

ўтишнинг иложи йўқ, албатта. Воҳада безак беришда кўйлакнинг олд томонига, матонинг ўзига кашта тикиш, кўкрак қисмига кашталар, тасмалар тикиш усуллари кенг тарқалган. Каштанинг энг оммавий турларидан бири “жияк” деб аталган бўлиб, эни 20-25 см дан иборат бўлган бу каштаси тасма уйма ёқага икки қатор қилиб тикилган.

Калита тасмалар турмушга чиққан аёллар кўйлаги ёқасининг тик кесмаси бўйлаб, қизлар кўйлагининг эса кўндаланг кесимиға қуйиб тикилади. Тасма, жияк жехаклар, тамбур чоки, даровизак илмоғи чокларига тикилган. Кашта тасмалар кўлда ва оддий дастгоҳларда тўқилган. Бундан ташқари эни 4-4,5 см, узунлиги 80-100 см ли кашта тасмалар ёқаси тик кесилган аёллар кўйлаги учун тайёрланган кашта ёқа четларига тўқилиб, кўйлакнинг этагигача ташланниб тўрган. Ушбу энли ва узун кашта тасмалар «кўйлак олди» ёки «пешкарта» деб аталган.

Воҳанинг Жарқўрғон, Шўрчи, Узун туманларида яшовчи қўнғирот, юз, тоғчи уруғлари аёлларида устига кумуш тангалар қадалиб кўлда тикилган кашта «сетора» деб аталган. Шунингдек, олд томонининг кўкрак қисми кашталар оиласи тўлдириб ташланган кўйлак «пеш», «пошак» деб юритилган. Кўйлакнинг олдига тикилган кашталар карбосга тикилган. Кашталар қадимги «сиёҳдўзи» ёки «чаппадўзи» усулида тикилган бўлиб, каштанинг шакли қора ип билан тикилса сиёҳдўзи деб; шаклнинг ичига чап томондан турли суратларда халқасиз кашта солинса, чаппадўзи деб аталган.

Уйма ёқали кўйлаклар боғичли бўлган ва кашта жахак ёки боғичларнинг охирида попук пўпакча тутилган. Кекса ёшли аёлларда пўпак уйма ёқанинг охирида бўлса, еш қизлар ва келинчакларда кўндаланг «елка ёқа кўйлакларнинг йирмоқи охирида, яъни елка устига қўйилган.

XIX аср охири - XX аср бошларида Ўзбекистоннинг қатор худудларида узун тик ёқали кўйлакларни кийиш урф бўла бошлаган. Бу кўйлаклар халқ, орасида «пўпак ёқа» кўйлак «ит ёқа кўйлак» ёки

қишлоқларда бу кўйлак ёқаси узун бўлганлиги учун «қозики», «қозоқи кўйлак» деб ҳам аталган. Воҳанинг қўнғирот, тоғчи уруғлари яшовчи худудларда узун тик ёқали кўйлаклар «нугай буруш» деб номланган.

XX асрнинг 20-30 йилларида «кўкрак бурма» кўйлаклар оммавий урф булган кўйлак сифатида кинг тарқалган. «Кўкрак бурма» кўйлаклар дастлаб XX асрнинг бошларида Тошкентда пайдо бўлган. Бу даврда Сурхон воҳасининг Бойсун, Шеробод туманларидағи ўзбек-тожик қишлоқ ҳариди бичими ва тикилиши жуда мураккаб бўлган пар-пар ёқали кўйлаклар кенг тарқалган. Кўпинча бундай кўйлакларни қизлар турмушга чиққанларига қадар кийишгап. Пар-пар ёқали кўйлакнинг бош кириб чиқишига мўлжалланган йирмоchi чеккаларига бир бутун матодан 4-5 см атрофида олипиб, қатма-қат (плацировка) қилиб тахланган. Тахланган мато кўриниши бир текис тиш кўринишида бўлганлиги сабабли, ёқаси ушбу кўринишдаги кўйлакларни «ит ёқа» кўйлак деб ҳам юритишган. Ўрганилаётган даврда воҳада шунингдек аёлларнинг «кўкрак бурма» кўйлаклари, яъни ҳозирги коқеткали кўйлаклар урф бўла бошлаган. XX аср бошларида «Кўкрак бурма» кўйлаклар ўзбек аёлларининг анъанавий миллий кийимига айланган ва ҳозирга қадар коқеткали кўйлаклар андозаларидағи жузъий ўзгаришлар билан республикамиизда ўрта ва кекса ёшдаги аёлларнинг анъанавий кўйлаклари сифатида кийилади.

Воҳада аёллар кўйлаклари кийилишига қараб бир неча турга бўлинган. Бунда кўйлаклар кундалик байрам ва маросим кўйлакларига бўлинган. Байрам ва тўйларда кийиладиган кўйлакларни аёллар узок, муддат кийишган. Қадимги бичими сақланган бундай кенг кўйлаклар XX асрнинг 20-30 йилларигача воҳа аёлларининг кундалик ва байрам кўйлаклари сифатида оммавий равишда кийилган.

XX аср бошларида қиш фаслида, байрам ва тўй кунларида бир неча кўйлакни бир-бирининг устидан кийиш расм бўла бошлади ва бу одат

«қўш кўйлак» кийиш деб аталиб, унда қуйидаги нарсаларга эътибор берилган: дастлаб енгил паҳтали матодан тикилган очик рангли оқ, кўк кўйлаклар устидан гулли, қимматбаҳо матодан тикилган кўйлак кийилган. Қизлар 3-4 та, ўрта ёшдаги аёллар 6-7 тагача кўйлакнинг бир-бирининг устидан кийишган. Дастлабки ичидан кийилган кўйлакнинг кенг узун ёқаси бошқа кийилган кўйлаклар устидан чиқариб кўйилган.

«Қўш кўйлак» кийиш одатда асосан ўзига тўқ оиласардаги аёллар орасида расм бўлган бўлиб, бу билан аёллар ўз бисотларидағи кийимларини кўз-кўз қилишган. «Қўш кўйлак»ни Хоразмда қизлар турмушга чиққандан сўнг кийишган.

Воҳа аёллари байрам кўйлаклари енгининг учига бурма кашталар тикишган бўлса, Бойсун аёллари байрам кўйлакларининг ёқасидан этагига қадар узун кашта “пута” тикилгиган.

XX аср бошларида аёлларнинг оммавий меҳнатга жалб қилинганлиги ва иш қилиш учун қулайроқ кийимларга ўтишдаги умумий интилишлари сабабли воҳанинг ҳам кўп қишлоқларида, калта енгли ва енглари қайтарилган, ёқалари безатилган кўйлаклар кийилган. Оиланинг ичидаги эса аёллар эркин турадиган, белбоғсиз кўйлаклар кийишган. Тожиклар, ўзбеклар билан аралаш яшайдиган Бойсун, Шеробод, Сариосиё туманларида тожик қўнғирот, чифатой аёллари худди қирғиз аёлларидек, кенг узун кўйлакларни кийганда кундалик юмушларга халал бермаслиги учун белларини боғлаб олганлар. Воҳада кекса ёки ўрта ёшли аёллар белларини чеккаларига турли хил-кашталар, боғичлар тикилган бир бутун мато билан боғлашган бўлиб, у «пута» «фута» ёки «локи» деб аталган, Хозирда эса рўзгор ишларида ошхона юмушларини бажаришда белга боғланадиган фартукчага нисбатан мазкур атама ишлатилади.

Сурхондарё кўйлакларнинг номлари тикилган матога ҳам боғлиқ, бўлган бўлиб, шойи кўйлак алвон кўйлак каби атамалар билан юритилган. Баъзи кўйлаклар ундаги алоҳида белгиларга қараб яъни «гулли кўйлак», «каштали кўйлак» деб ҳам аталган. Ўтказилган дала тадқиқодларига асосланиб шуни айтиш мумкинки, республикамизнинг бошқа ҳудудларида бўлганидек Сурхон воҳасида ҳам аёлларнинг анъанавий устки-ички кийими ҳисобланган кўйлакар уларнинг ёшига қараб турлича номланган. Масалан, қизлар куйлаги - кифтаки ёқа, келинлар кўйлаги пар-пар ёқа кўйлак қариялар кўйлаги - ёқа боғли, боғичи ёқа кўйлак номлари билан бир-биридан қатъий ажратилган.

Сурхондарё аёлларининг анъанавий ички кийимларидан бири лозимдир. Лозим атамаси арабча «лочима» сўзидан олинган бўлиб, зарур керакли маъносини англатган. Ўрта Осиёда икки-уч хил матодан тикилган лозим кийишган. Сибир халқлари эса буғу терисидан тикилган, турли хил нақшлар туширилган аёлларнинг қишки лозимлари «тарпима» деб аталган.” Воҳадаги тожик чигатойлари аёллар иштонини эзор, пойжома, тунбон номлари билан аташган.

Яхлит бутун матодан лозим тикиш, ён, липпа қисмини ипакли матодан тикиш гуноҳ ҳисобланган. Тиззадан юқори «липпа» қисми оддий матолардан, пойча қисми эса қимматбаҳо матолардан тикилган. Воҳада қиш фаслида чорвачилик билан шуғулланувчи тоғ қишлоқларида яшовчи аҳоли эчки жунидан тўқилган «чивиг иштон» кийишган. Қишида кийиладиган иссиқ, қалин лозимлар бошқа халқларда ҳам учрайди.

Аёллар лозими тикиладиган мато уларнинг ёшларига қараб танланган. Аёллар лозимининг бичими ўзига-хос тарзда - яъни юқориси кенг бўлиб, Пастга қараб торайиб борган. Мато икки қават қилиб букланиб, сўнг қия шаклида бурчакма-бурчак қилиб кесилганда иккита ингичка ва иккита кенг хомонлар пайдо бўлган.

Лозимлар кенг, узун қилиб тикилиб, оёқ, кириб чиқиши учун кулай бўлган. Лозимлар одатда товонга қадар тушиб тўрган, чунки ислом динида шариатга қўраномахрам кишиларнинг аёллар авратини, яъни оёқ,

тўпиғларидан қўлларининг учигача бўлган тана қисмини кўришлари гуноҳ ҳисобланган.

Сурхондарёда кекса ёшдаги аёллар лозими узун, кенг бўлиб, оёқ, кириб чиқиши учун қулай қилиб тиқилса, ёш қизлар ва келинчаклар лозимлари бирмунча калтароқ ва торроқ қилиб тикилган. Лозимнинг юқориси, яъни липпа қисми қайтариб тикилган ва иштонбог ўtkазилган.

Иштонбоғлар пахта ёки жун иплардан тайёрланган. Дастрлаб аёллар ва эркаклар лозими (чолвор) бир хил бичимга эга бўлган. Кейинчалик эркаклар иштони ва шолворларининг оёқ, қисми бироз кенгроқ қилиб бичилган бўлиб, бунда ерга ўтирганда, от, эшак туяда юрганда қулай бўлиши эътиборга олинган. Аёллар лозимига турли хил нақшлар, шакллар туширилган ва «чироз», «жияк» тутиш одат бўлган. Лозимнинг пойча қисмига, яъни унинг товон атрофи бўйлаб тушиб турувчи айланасимон қисмига «жияк» ва «чироз»лар тутилган. Бу безак бошқа устки кийимлар билан уйғунликни таъминлаш ҳамда халқимизнинг магик тасавурлари, яъни ёмон кишилар назаридан сақлаш мақсадида тақилган. Бойсун туманининг Мачай қишлоғида лозимларга чироз тутилмаган аёлларни дафн маросимларига киритмаганлар.

Жияк тасмалар ҳам одатда аёлларнинг ёшларига қараб танланган. Кекса ёшдаги аёллар оқ қора нақшли ва энли чирозлар тақишига, ёш қизларга, келинчаклар лозимини тайёрлашда жимжимадор нақшлар туширилган чироздан фойдаланилган. Бундай чирозларнинг айлана бўйлаб, икки учлари туташган қисмida пунакчалари бўлган. Воҳада лозимлар учун тикилган жияк ва чирозларнинг «ўрама чироз» «босма чироз», «қора чироз», «алвон чироз», «кашта чироз» каби турлари мавжуд бўлган.

Аёллар лозим кийишда ўзига хос удум ва ирим-сириларига амал қилишган. Жумладан, турмушга чиқсан аёлнинг лозимини бошқа яқин кишилари, ҳаттоқи, опа-сингиллари ҳам кийиши таъқиқланган. Қизларнинг сеп кийимларига лозим солинмаган. Лозимлар алоҳида

тикилган ва сақланган. Воҳада кўп фарзандли аёллар бефарзанд хотинларнинг бола йўли очилсин, деган мақсадда улар ўз лозимининг иштонбоғини берган. Кўз теккан, суқданган болаларни даволаш амалларини бажаришда ҳам лозимдан магик деталь сифатида фойдаланишган. Бунинг учун она ўз лозимини чаппа қилиб бошидан айлантириб болани силаш орқали фарзандини суқдан, бало-қазодан халос килар экан.

Воҳа аёллари йил мобайнида оилада ва кўча-куйда лозим кийишган. Хаттоқи мархумаларга ҳам маҳсус лозим кийдиришган. Ўзбекларда матони тежаш учун яхлит методан лозим тикилмаган. Хозирда аёллар лозим турли хил фабрика ҳатоларидан тикилиб, кекса ёшдаги аёллар ва келинчаклар кийимининг бир қисми сифатида кийилади. Лозимларга тутиладиган жияк чирозларнинг турлари, нақшлари хилма-хил бўлиб, воҳада «бойсуни чироз», «бурма чироз», «самарқандча чироз», «бухороча зардўзи чироз» каби номлар билан аталадиган турлари мавжуд.

Аёлларнинг анъанавий устки кийимлари ҳар бир ҳудуд, ҳар бир халқда ўзига хос безак ва нақшлари билан ажралиб турсада, улар Ўзбекистон ҳудудида бир хил бичимда яъни тўғри, кенг ва узун қилиб бичилиши билан ажралиб турган. Дастлаб аёлларнинг устки кийимлари аёлларнинг кўйлаги кўринишида бошга ташлаб юрилган ва кейинчалик халат кўринишига келтирилиб кўйлак устидан кийила бошлаган. Аёлларнинг устки кийимлари пахта солиб қавилган аёллар тўни ва пахтасиз авра-астардан иборат енгил халат кўринишида бўлиб, улар Республиkanизда турлича номланган. XIX аср охири - XX аср бошларида муnisак кийиш бутун Ўзбекистан бўйлаб оммавий урфга айланган. Муnisак Сурхон воҳасида «минисак» номи билан аталган ва уни аёллар қимматбаҳо кийим тарзида тўй ва байрамларда кийишган. Чорвачилик билан шуғулланган тоғ ва тоғ олди қишлоқларида авра-астарли муnisак кўринишидаги енгил устки кийим - «желак» кийилган.

Анъанавий устки кийимлардан пахта солиб қавилган чопон ёки тўн аёллар учун икки хил кўринишида бўлган тўғри кенг бичимли тўнга бели

тор, яъни белли тўн. Воҳада ичига пахта солиб тикилган устки кийим «пахтали чопон» деб номлашан. Бундай чопон қандай матодан тикилганлигига қараб «атлас чопон», «шойи чопон», «бўз чопон» деб ҳам юритилган. Чопон беш қисмдан: енг, бўй, ён, ёқа ва чалгайдан ташкил топган.

Чопоннинг бўй қисми олд ва орқа томонлардан иборат бўлган, ён қисми қўлтиқдан орқа ва олд оралиғига ўланган, юқорига ёқа ўтказилган. Белли чопонларнинг орқа қисми икки бўлак бўлиб, киши бели ичига киритилиб, ўртаси қўшиб тикилган. Натижада чопон танага ёпишиб тўрган. Ёни бўйга улаганда юқорида ўмиз пайдо бўлади ва шу ўмизга енг уланади, ёқа тушган жойдан то этаккача энсиз мато уланиб, у «чалгай» деб аталган. Унинг орқа томонига ичидан шойи ёки кора матодан турт энлик «адип» улантан. Чопоннинг енг, ёқа, этак қисмларига безак берилган ва мустаҳкам бўлиши учун чироз, жияк тикиб чиқилган. Аёлларнинг халат, чопонлари ўзининг бичими, тиқилиши бир-бирига ўхшаш бўлган. Улар ўртасида фарқ, чопонга тутилган жияк матоларда сезилиб, эркаклар туни бир қадар узунроқ тикилган. Воҳада аёллар чопонлари ёқаларидан ҳам фарқлаш мумкин бўлган, яъни аёллар чопонининг ёқалари очик, кенг, чопоннинг этаклари бир-бирига туташтирилмаган, енглари эркаклар тунига нисбатан калтароқ қилиб тикилган.

Ўрта Осиёning бошқа халқларида бўлганидек воҳа аёлларнинг анъанавий устки кийимлари узун, кенг, тутри бичимда бўлган.

Россия Ўрта Осиёни босиб олганидан сўнг ўлкага янги кийим нусхалари кириб кела бошлади. Мана шундай енгил устки кийимлардан бири камзулдир. Республикализнинг бошқа худудларида «камзур», «камзил», «бешмет» номлари билан аталган. Сурхон воҳасида дастлаб шаҳарларда, сўнгра қишлоқдарда янги нусхадаги камзуллар кириб кела бошлаган. Камзулнинг бичими бироз мураккаброқ бўлиб, елкадан белга томон торайиб, бел қисми танага ёпишиб турган ва этакка қараб кенгайиб борган. Камзул ёқаси «қўш ёқа» тарзида, яъни икки учбурчак ёқа

шаклида тикилган, икки ён томонларида чунтаклари бўлган. Камзуларнинг олди. дастлаб боғичли бўлиб, кейинчалик фабрика тугмалари қадалган. Сурхондарё вилоятининг ўлкашунослик музейида М.Турғунбоева номли рақс музейи экспонатлари орасида олдига боғичлар тутилган, тугмали, бекасам, атлас, шойи, шунингдек парча, фаранг матоларидан тикилган камзуларни учратиш мумкин.

Воҳанинг чорвачилик билан шуғулланувчи тоғ ва тоғ олди қишлоқларида яшовчи аёллар камзулларга енгил пахта солиб тикишган ва бу кийим махаллий аҳоли орасида камзул - чопон, пахтали, камзул, узун камзул номлари билан машхур бўлган. Мавжуд дала материаллари ва илмий адабиётлардаги маълумотлар аёлларнинг анъанавий устки кийимларидан бири ҳисобланган «камзул» воҳада XIX аср охири XX аср бошларидан кийила бошланганлигини тасдиқлайди.

Камзул кўринишида тикилган авра-астарли кўйлак устидан кийиладиган енгиз, калта анъанавий устки кийимлар «нимча» ёки «камзулча» деб номланган. Воҳанинг тоғни-қатоғонлар яшайдиган қишлоқдарида (Хатак Хужанкр, Бедак) аҳоли орасида ушбу кўринишдаги устки кийим «аскарча», ичига пахта солиб тикилган «гуппи», «гуппича» деб аталган. Пахта солиб тикилган «гуппи», «гуппича»ни қишида аёллар кўйлак остидан кийишган. Чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли астарининг ичига жун солинган гуппичаларни кийишган. Енгиз калта нимчаларни кейинчалик болалар, ёш қизлар ҳам кийишган. XX асрнинг 70-80 йилларидан хозирга қадар кекса ёшдаги аёллар «қора нимча», «бахмал аскарчалар» кийишган.

Воҳа хотин-қизларининг кийим-кечакларидағи ўзига хосликни анъанавий бош кийимларида ҳам кўриш мумкин. Сурхон воҳаси аёлларининг анъанавий бош кийимлари хақида сўз юритар эканмиз, шу ўринда аёлларнинг эркакларга нисбатан бирмунча хилма-хил бош кийимлар кийиштанлигини таъкидлаш лозим.

Воҳа аёлларининг анъанавий бош кийимлари уч гурухга бўлинади:

1. Бир бутун мато қисмидан тайёрланган бош кийимлари;

2. Кийичлар;

3. Бошга ташлаб юриладиган ёпингичлар;

Биринчи гурухга мансуб бош кийимлар рўмоллардир. Рўмоллар дастлаб маҳаллий дастгоҳларда тайёрланиб келади, хоса, кейинчалик фабрикада тўқилган матолардан, яъни докадан тайёрланган. Рўмоллар турли ҳажмда бўлган, яъни тўғри туртбурчак рўмол $1,5 \times 2,5$ м ўлчовда, квадрат шаклидаги рўмол $1,5 \times 1,5$ м ўлчовда бўлган. Ипакдан қўлда тўқилиб, ранг берилган квадрат шаклидаги рўмол казна рўмол, дорой рўмол, халил рўмол, шол, рўмол деб номланган ва бу рўмоллар асосан қиши фаслида ўралган. Бойсун, Шеробод туманларининг тоғ ва тоғ олди қишлоқларида эчки жунидан тивит рўмол, шол рўмол тўқилган ва турли рангларга бўялган бу рўмоллар асосан қиши фаслида ўралган. Воҳада аёллар қўпроқ оқ пахта ипдан, ипакдан қўлда тўқилган «қазна», «хазна» рўмол ўрашган. Бу рўмолни «гулбаст» ёки «гулбарра» усулида бўяб, турлича нақшлар билан безатишган. Вилоят ўлкашунослик музейида турли ҳажм ва нақшдаги «казна» рўмоллари мавжуд бўлиб, аёлларнинг анъанавий бош кийимлари ҳақида маълумот берувчи экспонат сифатида яхши сақланмоқда. Қазна рўмоллар $1,5 \times 1,5$ м ҳажмида ёки қадимий ўлчовда 4 газ бўлган.

Воҳада қизлар ва келинлар ўрта ҳажмдаги рўмолларни ўрашган. Ушбу гурухга киравчи рўмоллар бошнинг пешона қисмига боғланган ва турлича номлар билан аталган: рўмолча, рўмолча, қарс, дурра, нозбандак, чаккабандак, дуррача. Ёш қизлар, келинчаклар очик, рангли, ёрқин рангли рўмоллар ўрашган бўлса, кекса ёшдаги аёллар оқ, ним ранг, кичик ҳажмли рўмолчаларни катта рўмоллар остидан ўрашган.

Пешона қисмига боғланадиган бош кийимлари ўзига хос шаклда ва ҳажмда бўлиб Бойсун туманининг Сайроб, Дарбанд, Панжоб каби тожик қишлоқларида сарбанд, мандил номлари билан, ўзбек чиғатойлари яшайдиган Хатак Авлод, Хомкон қишлоқларида пешонабанд, манглайча номлари билан аталган.

Аёллар бош кийимлари тизимида «бош» ёки «салла», «салла бош» алоҳида ажралиб тўрган. Ўрганилаётган даврда у айниқса, яrim ўтроқ

аҳоли ўртасида кенг тарқалган. Саллабошни одатда болали, ўрта ва кекса ёшли аёллар ўрашган. Бошга ярим дўппи шаклидаги кийгич кийилиб, унинг устидан 3-4 метрли салла ўралган. Бош кийимининг ушбу қисми-бош деб аталиб, унинг устидан бешта, ўнта, ўн бештагача, баъзи ўзига тўқ оилаларда тўй тантаналарида йигирма - ўтгизтагача турли ранглардаги рўмollарни рангларига алоҳида кўриниш берган ҳолда ўралган ва ўровнинг ушбу қисми салла деб аталган. Воҳанинг турли туманларида ушбу бош ўрови турлича номлар билан номланган. Жумладан, Жаркўрғон, Шўрчи туманларидағи қўнғирот аёлларида «салла бош», «шохбош» деб номланса, Шеробод, Бойсун. туманларида «саллабош», «чамбарак», «бош ўров», «ўрама» деб аталган. Саллабош кишининг иқтисодий қудратини кўз-кўз қилувчи муҳим белги вазифасини ҳам бажарган бўлиб аёлларнинг саллабошлари кўринишига қўра «камбағалбош» ва «бойбош» деб ажратилган. Кам сонли ва оддий кўринишли рўмол ўралган бўлса - камбағалбош, хилма – хил рўмollардан иборат баланд, кенг саллабошлар - «бойбош» деб номланган. Саллабош қўнғирот, қарлук ва дўрмонларда ҳам бўлган. Дўрмонларда саллабошни пешона қисмини кўрсатмасдан киприкка қадар туширган ҳолатда қўнғиротларда эса пешонадан юқорироқда ўралган. Қарлуқларда саллабошни «касаба» дейилган. Саллабошнинг устидан ташланган рўмол маҳаллий аҳоли орасида дакана деб номланган. Одатда аёллар юрган вақтида рўмollари сирғалиб тушмаслиги учун саллага рўмол тўғноғич қадаганлар. Шунингдек салла бошдаги рўмollар қатига игна, гугурт, калит, рўмолча, пул, ип ва бошқа зарур нарсалар солинган.

Бошга ўраладиган анъанавий бош ўровларидан яна бири локидир. Бойсун туманининг Сайроб қишлоғи аёллари локини узоқ, йўлга чиққанларида, рўзғор юмушларини бажариш вақтида боғлашган. Кўпинча кичик рўмолча ёки катта рўмол тушиб кетмаслиги учун унинг устидан буклаб-буклаб рўмол ўралган мато локи деб аталган.

Аёлларнинг пешонага боғланган бош ўрамлари текис ва баланд туриши учун рўмол икки қатланиб, ҳар бир қати ичига қаттиқ картон қофоз

бўлаги қўйилган ва бу кўриниш рус аёлларининг анъанавий бош кийими - «какошниюқлар кўринишида бўлганлиги учун аҳоли орасида «касенка» ёки “касаба” деб аталган.

Халқимизда рўмоллар бош кийим вазифасини бажаришдан ташқари белбоғ, хамён, сумкача, сафарда юрилганда дастурхон, жойнамоз, сочиқ, ва соябон вазифаларини ҳам ўтаган.

Кийгичлар сочнинг йигили, ихчам бўлиб туриши учун ёш қизлар ва келинчаклар томонидан безак, кўрк сифатида рўмол остидан бошга кийилган. Рўмол остидаги кийгич (дўппи, тахя, тўппи ва б.) кишига улуғворлик қўркамлик бахш этган, кекса ёшдаги аёллар эса кечаси ялангбош ётмаслик учун кийгич кийишган. Бошга ташлаб юриладиган рўмоллар сочдан сирғалиб тушиб кетмаслиги учун кийгичларга тўғнағиҷ қадаб куйилган. Бошга рўмол остидан кийилган кийгичлар бошқа худудларда турлича номланган.

Сурхон воҳаси аёлларининг анъанавий бош кийимларидан бири-кийгичлар ўзига хос кўринишида, шаклда бўлиб, калуга, култапўшак шабкулоҳ (тунги кийгич), дўппи, туппи (шевада), қалпок деб аталган. Кийгичлар авра-астарли қилиб, икки хил кўринишида тикилган. Биринчи кўринищдаги кийгичлар айлана симон, учсиз тикилган, орқага, елкага осилиб турувчи дум қисми бўлиб, унинг юқори қисмida бўйин атрофида уйиқ жой қолдирилган ва ўрилган соchlар шу жойдан чиқариб қўйилган. Уйиқ ичida кўрган соchlар уй юмушларини бажарганда халақит бермаслиги учун кийгичларнинг маҳсус соч чиқариладиган айлана усти қисми мавжуд бўлган.

Иккинчи анъанавий дўппи кўринишидаги кийгичлар тўртбурчак шаклида айлана тик чўққисимон, баланд бўлиб, асосан келинлар ва ёш қизларга мўлжаллаб тайёрланган. Дўппилар нақшлари ва матосининг турига қараб ҳам турлича номланган. Турли рангли наҳилар туширилган дўппилар, «чамандагул», бахмал, парча матодан тикилган, йўл-йўл нақш туширилган дўппи эса ироқи дўппи деб номланган.

Воҳада ҳам аёллар орасида душш кийиш одати XX асрнинг 20-

йилларида, яъни паранжи ташлангандан сўнг оммавий расм бўла бошлагач кекса ёшдаги аёлларнинг гувоҳлик беришича, паранжи ташлангунга қадар, ҳозирги тўрт бурчакли дўппилар ўрнига, рўмол остидан учсиз юмалоқ дўппилар кийилган.

Одатда биринчи кўринишдаги айлана орқасида дум қисми бўлган кийгичларни турмушга чиққан қизлар, келинчақлар ва ўрта ёшдаги аёллар кийишган. Кекса ёшли аёлларнинг кийгичлари дўппи ичига енгил пахта солиниб қавилган.

Айлана юмалоқ кўринишидаги дўппиларни аёллар катта рўмоллар остидан кийишган, туртбурчак замонавий дўппиларни қизлар, келинчақлар кичик ҳажмдаги рўмоллар остидан кийишган. Баъзан қизлар икки ўрим соchlарини дўппи устидан айлантириб чирмаб қўйишган ва бу дўппи, рўмол сирғалиб тушиб кетмаслиги, бирор юмуш бажараётганда соchlар, кийгичлар ишга ҳалал бермаслиги ҳамда ихчам бўлиши учун қилинган. Қизлар турмушга чиқиб фарзандли бўлишгач, уларнинг бош кииимларида ҳам маълум ўзгаришлар рўй берган.

Воҳада фарзандли аёллар, йирик ҳажмдаги катта рўмол-рўмоли калон ва кичик рўмол-нозибандақ-пешонабанд боғлашган. Дўппи устидан пешона билан бўйиннинг орқа қисмига икки учи боғланиб унинг устидан «катта рўмол» ияқ-жағ остидан кесишган ҳолатда бўйин орқасига боғлаб қуйилган.

Одатга қўрақизлар чурмушга чиққанларида уларнинг бошига кулота ёки калута кийдириш, биринчи фарзанд кўрганда, аёллар илк бор набирали бўлганда ҳам ўзига хос анъанавий кийим кийдириш маросимлари ўтказилган. Баъзи ҳолларда эса бирдагина учта маросим: болани бешикка солиш (белаш), ёш онага пўпак тақиши ва катта онанинг сочини иккита қилиш одати амалга оширилган. Аёллар дастлаб кулота кийдирилгач, улар қишлоқнинг «кайвони» хотинлари сафига қабул қилиниб, улар тўй-маъракаларга, қиз оиш, фотиха туйларига bemalol қатнашишлари мумкин бўлган.

Воҳада рўмол остидан кийиладиган дўппи, тўппи, калуга, токи каби

кийгичлар XX аср бошларида аёлларнинг анъанавий бош кийими ҳисобланган. Бошга ташлаб юриладиган ёпингичлар. Ушбу гурухга киравчи анъанавий бош кийимлари хилма-хил бўлиб, ёпингичларнинг энг кўп ва кенг тарқалгани паранжидир. Паранжининг пайдо бўлиш даври бир қанча илмий асарларда алоҳида ўрганилган. XVIII аср ёзма манбаларида паранжи номли бош ёпингичи ҳақидаги маълумотлар бор. Паранжи арабча фаранжи яъни, “арож:ат сўзидан олинган. Паранжи узун бўлиб, товонга қадар - тушиб турган. Паранжининг ажралмас қисми Ҳисобланган чачвон воҳанинг ўзбек ва тожиклар аралаш яшайдиган ҳудудларида «чашмибанд» (чашм-куз, банд-беркитувчи) деб юритилган Чачвон отнинг қора ёлидан тикилиб, чеккалари оқ жун билан тикилиб юкори қисми тугмача ёки илгак билан бирлаштирилиб бошга кийилган, Унинг устидан эса паранжи кийилган ва у тушиб кетмаслиги учун ияк остидан маҳсус илгакларга бириктириб қўйилган. Келинлар ва қизларга оқ «чашмибанд» тутишган. Бунда йўли оқ, баҳти очиқ, бўлсин деган ният мужассамлашган. Паранжига аёллар ўзига хос усуlda безак беришган. Унинг ёқаси, этакларига «чалма жияк», «токма жияк», «гулли жияк» - тикиштан. XX асрнинг 30-40-йилларида қалампир-мурч ёки майда илон изи шаклидаги жияклар тикит одат бўлган. Паранжининг енглари соҳта қилиниб, орқага ташланиб бир-бирига туташтириб тикиб қўйилган, паранжининг орқага ташланган енглари турли хил рангли ипак иплар, жияклар, мунҷоқ ва тангалар билан безатилган. Воҳадаги аёллар паранжи ва чачвонни уй ичида ёпинишмаган. Уларнинг тасаввурича, юқора ранг қайғу келтиради деб чачвон қора рангда бўлганлиги учун фақатгина кўчада, меҳмонга чиққандагина паранжи ёпинишган. Паранжи қимматбаҳо матолардан тикилган. Шу боисдан ҳам паранжи тикиришга ҳар бир оиланинг қурби етмаган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, воҳада яrim кўчманчи ҳаёт кечирган ўзбекларда паранжи кенг тарқалмаган. Аёллар уйдан ташқарида, яъни кўчага чиққанда, меҳмонга борганларида бошига ёпиниб юрадиган маҳсус ёпингич вазифасини бажарадиган кийимларга эга бўлишган. Шунингдек воҳада «кўрта», «желак» каби

паранжига ўхшаш ёпингичлар ҳам бўлган.

Кўрпа – астарсиз калта халат. Унинг енглари узун бўлиб, орқага ташлаб қўйилган. Воҳанинг қўнғирот ва юзлар яшайдиган худудларида аёллар желакни бошларига ташлаб юргаплар. Қизларнинг сепларига қизил, қимматбаҳо матодан тикилган желак солинган.

Бойсунда Шеробод, Жарқўрғон туманларида яшаган аҳоли орасида келинларнинг қимматбаҳо матолардан тикилган, олди ва ёқа қисми турли хил жияклар, тангалар билан безаб тикилган анъанавий бош ёпингичи «кўртақўр» ёки «куроқ кўрта» деб аталган. Кўрта, желак каби бош ёпингичлари енгил, бошига ташлаб юриш учун анча қулай бўлган, бош ёпингичлари аёлларнинг ёшларига ва оиланинг иқтисодий адволига қараб фарқланган. Бошга ташлаб юриладиган ёпингичлар, бошқа халқларда турлича номлар билан номланган. Аёлларнинг желак кўрталарига қараб иқтисодий аҳоли, бой ёки камбағаллиги белгиланган. Шунингдек ёпингичларнинг матолари, ранглари уларнинг ёшларига қараб дам фарқ, қолган. Умуман аёлларнинг ёпингичлари асосан уларнинг юзларини бегона эркаклар назаридан бекитиш учун ёпиб юрилган.

Анъанавий бош кийимларидаги ўзига хосликлар ва фарқ, қилувчи белгилар кўпроқ кийим эгасининг ёшига, мавсумга, қачон ва қаерда кийилишига қараб белгиланган. Жумладан, Сурхон воҳасида аёлларга оналик ва аёллик белгиси сифатида лачак боғлашса, карлукларда қизлар турмушга чиққанларида «қопдон» деган рўмол ёпилиб, турмушга чиққач катта оқ ипакдан тикилган «қалпо» рўмол ўратилган. Воҳада истиқомат қилувчи қўнғирот аёллари саллабош кийиб устидан «дакана» рўмол ташлаб чоришган. Бу ўрта ёш ва кекса ёшдаги аёлларнинг бош кийими ҳисобланган.

Хуллас, воҳа аёлларининг анъанавий бош кийимлари ўзига хос кўриниш ва бичимга эга бўлиб, турлича номлар билан аталган. Халқимизда бош кийим муқаддас ҳисобланган ва доимо у уйнинг тўрига осиб қўйилган. Бош кийим бошқа кишига берилмаган, оёқ, остига қўйилмаган, унга ўзига хос давлат-бойлик сифатида қарашган. Шунингдек,

бош кийимлар инсон кўрки сифатида эъзозланиб, алоҳида эътибор берилиши. Кишининг қайси Эл – юрт фарзанди эканлиги ҳам қўпинча унинг бош – кийимиға қараб аниқланган.

Оёқ, кийимлари. Анъанавий кийимларининг узвий бир қисми оёқ, кийимларидир. Оёқ, кийимлари жуда қадим замонлардан буён мавжуд бўлиб, унга кишилар ҳамма даврларда эҳтиёж сезганлар. «Ибтидоий одам ҳам ўз танасини ҳимоя қилишни оёқларини муҳофаза қилишидан бошлаган. Сурхон воҳоси аёлларининг анъанавий оёқ, кийимлари қуидагича бўлган: калиш, калиш-маҳси, нутай кавуш, ҳаккари кавуш, «попуш». Шунингдек, воҳада қиш фасли терилардан маҳсус ишлов бериб тиқилган этиклар ҳам кийилган.

«Қайроқи маҳси» - эчки терисидан тайёрланган чармдан косиблар томонидан тикилган. Аёллар маҳси кийишдан аввал оёқларига пайтава ўрашган. Пайтава қишида жундан, баҳор ва ёзда паҳтали матодан тайёрланган. У оёқ, учидан айлантирилиб товон орқасидан юқорига томонга қаратиб ўралган ва пайтаванинг уч қисмига қистириб тиқиб қуйилган. XIX аср охирларида аёллар орасида этик кийиш одат тусига кира бошлаган ва ўзига тўқ, бой оиласарда наҳили, узун, тиззагача қўнжи ташқарига қайтариб қўйиладиган этиклар кийишган. Этиклар асосан қўй, эчки, мол терисидан тайёрланган. Аёлларнинг енгил оёқ, кийимлари воҳада «попуш», «ковуш» номлари билан аталган. Ёғоч ёки суждан пошна қилингани эса аҳоли орасида «ҳаккари кавуш» деб юритилган. Воҳа аҳолиси уч қисми илмоқ кўринишида қайрилиб турувчи ковушларни «нутай ковуш» деб атаган. Сурхондарёда аёлларнинг оёқ, кийимлари, Ўрта Осиёning бошқа ҳудудларида бўлгани каби маҳаллий косиблар томонидан кума терига ишлов бериб тикилган. Оёқ, кийимининг кўриниши ва безаклари косиб ҳамда чармчиларнинг маҳоратига боғлиқ, бўлган. XIX аср охири - XX аср бошларидан эътиборан Россия фабрикаларда тайёрланган калиш кенг тарқалган бўлиб, улар рангларига қараб «қизил калиш», «малла калиш» деб аталган. Калишлар даставвал қўлда тикилган, кейинчалик эса фабрикада

тайёрланган пайпоқ – жулоб (шевада) билан кийилган.

Воҳада четдан кириб келган бир неча турдаги калишлар ҳам маълум бўлган, яъни руслар томонидан тайёрланган желатин калиш, татарча-нугай калиш, нақшли гулли калиш. Анъанавий кийимларни ёшга қараб кийиш хусусияти оёқ, кийимларида ҳам сезилган, Тўйларда, байрамларда қизларга келинчаклар қизил маҳси ёки гулли маҳси кийишган бўлса, тоғли ҳудудларда маҳаллий шароитда бўялган малла, қизил рангли қўнжли маҳси кийишган. Бунда маҳсига турли хил рангли ипак иплардан нақш тушириб, тикиб чикилган. Ўрта ва кекса ёшдаги камбағал оиласарда аёллар «сариқ маҳси» кийишган. Бундай маҳсилар қўй терисидан тикилиб, териниг асл ранги сақланган, яъни бўёқларсиз оддий кўринишда бўлган.

Аёллар оёқ кийими хилма-хил бўлмаган, улар тикилиши, ранглари, нақшларига қўрабир-биридан фарқланса-да, ёшига ва мавсумга қараб кийиладиган оёқ, кийимлари барча ҳудудларда бир хил кўринишга эга бўлган.

Халқимизда оёқ, кийимлари билан боғлиқ, бир қатор иримлар, одатлар мавжуд бўлиб, улар ҳаттоқи хозирга қадар ҳам сақланиб қолган. Этнограф олим Ҳ.Исмоиловнинг маълумотларига кўра, оёқ, кийимлари хадя қилинмагап, сарполарга, қизларнинг сепларига солинмаган.

Сурхон воҳаси аёлларининг анъанавий. кийимларида Республикализнинг бошқа ҳудудларида учрамайдиган ўзига хос кўринишлар хозирга қадар сақланиб қолган. Хусусан, кекса ёшдаги аёллар чекка қисмига вертикал йўналишда жияк тикилган «уйма ёқа» кўйлакларни, желак халак пахтали чопон, нимчаларни хозирга қадар анъанавий бичимда, тикиб кийишмоқда. Анъанавий бош кийимларидан узун кенг рўмол - «дақана», «салла бош», кийгичлар, «туппи», «қалуга» аёллар орасида сақланиб, маросимларда, байрам ва сайлларда миллий, анъанавий кийимлар қаторида кийилади. Воҳанинг ярим ўтроқ ҳаёт кечиравчи аҳолисига мансуб аёллари саллабош кийиб, узларида алоҳида улуғворлик тантнаворлик туйғуларини ифодалашса, кўйлакларининг кенг¹ осилиб турувчи енглари узок, йўлда елпифич,

соябон вазифасини ўтаган. Ўрганилаётган даврда воҳа аёллари кўпроқ ёрқин рангларни айниқса, қизил, оч қизил, пушти рангни ёқтиришган ва ўз навбатида бу билан боғлиқ, рамзий одатлар ҳам мавжуд бўлган. Кекса момоларнинг ҳикояларига кўра, ўтов, қора уйга келин туширган қайнона момо «келин салом»да келинига: «Сен яшайдиган ўтов - қора, осмон - кўк дала-дашт - яшил, қозон-ўчоғинг қора, сочилиб, уларнинг ичида алоҳида кўзга ташланиб юришинг учун қизил кўйлак кийдирдим, илоё сен кўк кўйлак кийма, қорага ботма, қизамиққа чалинма, юзинг кўйлагингдек қизил бўлиб юрсин», деб қизил кўйлак кийдирап экан. Шундан сўнг қизлар, келинчаклар, аёллар қизил рангни ёқтириб, унга алоҳида эътибор билан қараганлар. Яйловда кўй боқиб юрган чўпон узоқдан ўзига овқат келтираётган аёлини қизил кийимда кўрса, яшил яйловимга қизил оралади, деб қувонган.

Халқимизнинг қизил ранга алоҳида эътибор бериш одатлари ҳозирга қадар сақланиб, қўнғирот, тоғчи қатоғон урушларида қизлар, келинчакларнинг чимилдиқларини қизил рангли матодан тикишиб, қизнинг қалинига қўй юборишганда, қўйининг бўйнига қизил рўмол боғлашади, аза рўмолини ечган аёллар бошига албатта қизил рўмол боғлашади. Умуман, халқимизда қизил ранг навқиронлик хурсандчилик тантанаворлик рамзи деб қаралган. Анъанавий кийимларда халқимизнинг дунёқараши, хўжалик юритида анъаналари ва майший турмуш тарзи ўз ифодасини топган.

Хуллас, анъанавий кийимларни ўрганишнинг асосий даври ҳисобланган XIX аср охири – XX аср бошларида Сурхон воҳаси аёлларининг анъананий кийимларида этник ўзига хослик муайян табиий иқлим шароити, хўжалик машғулотлари, халқимизнинг дунёқараши, турмуш тарзи яққол акс этганлигини кўришимиз мумкин. Ўрганилаётган даврда воҳа аёлларининг кийимларида анъанавийлик анча устун бўлган. Кейинги даврда XX асрнинг 30-йилларига келиб маросим ва кундалик кийимларнинг тури ҳамда сифати ўзгарган. XX асрнинг 50-60 йилларга келиб мураккаб бичимли устки, бош ва оёқ кийимлари урф бўла бошлади.

Газламаларнинг тури, сифати, безак нақшлари турли-туман бўлиб, бу ижтимоий муносабатлар, савдо-сотиқнинг ривожланиши, фан – техника тараққиёти, замонавий тикув машиналарининг пайдо бўлиши, бошқа халқлар билан маданий – иқтисодий алоқаларнинг такомиллашиши натижасида кийимларнинг хилма-хиллиги ортган.

СУРХОН ВОҲАСИ ЭРКАКЛАРИНИНГ МАВСУМИЙ КИЙИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС КЎРИНИШЛАРИ

Воҳа аҳолиси эркаклар кийимларининг шаклланишида анъанавий хўжалик машғулотлари (чорвачилик дехқончилик хунармандчилик), табиий географик иқлим шароити (ТОҒ, ТОҒ ОЛДИ, дашт) таъсири, айниқса, сезилиб туради. Этнографик тадқиқотлар халқ, кийимлари, гарчи анъанавий бўлсада, улар ҳеч қачон ўзгармаган ва ўзгармайди деб ҳисоблаш нотўғри эканлигини тасдиқлайди. Кийимларнинг ўзгариш жараёни авлодлар алмашинуви билан чамбарчас боғлик бўлиб, этнология фанида кийимлар тарихининг асосий яратувчиси ҳисобланган «инсон» вафот этиши натижасида янги авлод ўзи учун янги, ўзига хос бурилишлар, миллий маданият ва анъаналар яратади. XIX аср - XX аср бошларида Сурхон воҳасининг тоғ, ТОҒ ОЛДИ ва даштли ҳудудларида яшовчи аҳолининг ўзига хос анъанавий, мавсумий кийимлари шаклланган эди.

Воҳа эркакларининг ўрганилаётган даврга хос анъанавий кийимлари тўғрисида гапирадиган бўлсак, аввало уларнинг бу даврда ички кийимлари бўз кўйлак енгил яхтак қишида қалин гуппича, иштон-пойжамадан иборат бўлганлигини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Бу даврда ўзбек эркакларининг кўйлаклари ёқа қисми елка ёқа (кифтаки) қўринишида бўлиб, уларни бичими ва тиқилиши турли ҳудудларда турли хил кўринишда бўлиб, ҳар хил номлар билан аталган. Тошкент, Фарғона водийсида енгил оқ матодан тикилган елка ёқа кўйлаклар кифтаки кўйлак «муллача», «мусулмон кўйлак», Фарғона тожиклари, сартларда, «яктак кўйлак» деб аталган. Воҳада эса елка ёқали, яъни бош кириб чиқишига мўлжалланган йирмочи кўндаланг бўлган кўйлаклар «кифтаки кўйлак» ёки «муллача кўйлак» номлари билан аталган, бу кўйлаклар бичимига кўра узун, тик бўлиб, бел ва енг қисмлари кенг бўлган.

Бойсун тумани музейининг экспонатлари орасида йирмочи чеккаларига қора ёки дагал матодан «магиз», яъни тасмачалар тикилган ва йирмочи чеккаларига жияк – чироз тикилган эркакларнинг енгил елка ёқа

кўйлаклари ҳам бор бўлиб, улар оқ бўз, олача ёки йўл-йўл матолардан тикилган.

ХХ аср бошларида Сурхон воҳасида эркакларнинг енгил ички кийимларидан «бўз бола қўйлак», «чор ёқа қўйлак» кенг тарқалган бўлиб, бу кўйлакнинг олди очик, бўлиб, ёқасининг ичидан бошқа мато тўрт бурчак шаклида қўйилган. Одатда бундай кўйлак кийилганда ичидан яна бир кўйлак кийилганга ўхшаган, шунинг учун ҳам у воҳанинг тожик аҳолиси орасида «чор ёқа қўйлак» деб юритилган. Худди шу кўринишдаги кўйлаклар Фарғона водийсида, Қашқадарёда яктак кўйлак бўз бола қўйлак деб юритилган. Яктак-олди очик, ва кенг бўлиб, оқ йўл – йўл матолардан тикилган. Воҳада яктак кенг тарқалган анъанавий эркаклар кийими ҳисобланган. Яктакнинг олди ёқа қисмига богичлар, кейинчалик тугмалар қадалган. Ёш йигитлар яктагида чўнтак бўлган бўлса, кексалар яктагининг ёқаларига турли хил хошиялар билан безатилган қора, тўқ рангли босма кашталар туширилган.

Эркакларнинг енгил устки кийимларидан яна бири «гуппи», «гуппича» - совук киши фаслида тоғларда чорвадор адоли орасида кенг тарқалган. Гуппи астарли бўлиб ичига пахта, жун солиб қавилган. Чорвачилик билан шуғулланган аҳоли тужа, қўй, эчки жуни солиб қавилган “гуппи”лар кийган.

Кўйлак устидан қизил-сариқ, қизил-яшил хошияли тўн кийилган. Куёв бошига калапўш кийдирилган, устидан сариқ ёки қизил рангли салла ўралган. Куёв оёғига мўкки ёки чорик, ўзига тўқ оиласарда маҳси-калиш, баъзан куёвга атаб олинган қизил калиш кийган. Куёв келин уйига келгач, келин томонидан тайёрланган янги чопон-тўн кийдирилиб, куёвга тўртбурчак шаклидаги каштали рўмолча, берилган. Бу рўмолчани келин ўз қўли билан куёвга атаб тиккан Куёвга рўмолча бериш келиннинг муҳаббати рамзи, турмушга чиқишига розилигининг аломати ҳисобланган. Куёв келиннига келгач, келиннинг яқин қариндошларидан бири-келин куёвнинг чопонларини елкаларидан бир-бирига туташтириб оқ ип билан тиккан. Бунда келин-куёв бир-бирига боғланиб юрсин, ҳамиша бирга

бўлсин, келин-куёвнинг хаёти оқ бўлсин инс-жинслар ёшлар баҳтига чанг солмасин деб ният қилинган. Қашқадарёда бу удум «арқакўхлар» деб аталган.

XX асрнинг 30-йиллариға келиб бутун Республикамиз бўйлаб татарча «камзур», «камзул» кенг тарқала бошлаган, Воҳада янги нусхада пайдо бўлган камзурлар-«желак» номи билан атала бошлаган.

Эркакларнинг анъанавий устки кийимларидан яна бири бу чакмондир. Чакмонларнинг босма чакмон, боқоти чакмон қоқма тивит чакмон каби бир неча турлари мавжуд бўлиб, уларни рангларига қараб кўк чакмон, малла чакмон, оқ чакмон деб аташган. Чакмонлар асосан қўй ва тую терисидан тикилган. Чакмон бичимиға қўратўнга ўхшаш бўлиб, фақат аврадан тикилган ва чопон устидан кийилган. Чакмон йилнинг совук фаслида, ёмғирда кийиган ва чўпонларнинг асосий қишиқи кийимларидан бири ҳисобланади. Чакмон, кэбенэк атамалари билан кийилган устки кийимлар қипчоқ, Қорақалпоқ, турк қурамаларда «ёмғирлик», «ёпинчиқ» деб аталиб, «емурлик»; «ёпанча», «япончица» номлари билан XV-XVI асрларда рус аслзодаларида ҳам мавжуд бўлган. Тую терисидан тикилган чакмон «малла чакмон» деб аталган, «қоқма чакмон» - уйда қўлда тикилиб тайёрланган, «баноти мовут чакмон» олий сифатли мовутдан тикилиб, уни бойлар кийишган, эчки жунидан тайёрланган чакмон - «катиш» ёки «оқиши» чакмон дейилган. Кавказ халқларида ҳам оқ қўй жунидан тайёрланган чакмонга ўхшаш қишиқи устки кийим мавжуд бўлиб у «кёрпатон» деб аталган. Оқ чакмонлар камёб бўлиб, хамма оиласларда ҳам оқ чакмон кийиш учун иқтисодий шароит етарли бўлмаган. Чакмоннинг ёқасига, енгининг учларига ва этакларига рангли ипакдан тўқилган жияк тикиб чиқилган.

Эркакларнинг анъанавий мавсумий устки кийимларига чўпонлар ёмғирли ҳавода киядиган «кэбенэк» ҳам кирган. Кэбенэк енгиз кўринишдаги халатсимон кийим бўлиб, фақат бош кириши учун ва қўл чиқиб туриши учун маҳсус уйма жойлар қолдирилган. Кэбенэкда жунли тўда боғламлар, изма-из, қаторма-қатор кўринишда тикиб чиқилган

бўлиб, махсус ёмғирдан ҳимоя қилишга мўлжалланган. Ёмғир, қорда жун орасига кирган ёмғир суви, кор силкитганда тез тўқилиб кетган. Кэбенакни кўпроқ чўпонлар кийган. Сурхон воҳасининг тоғ олди қишлоқларида чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли орасида кўпроқ ички астар қисми қўлда тўқилган шои матодан, устки қисми жун ёки кигиздан иборат бўлган кэбенэк кенг тарқалган.

Эркакларнинг мавсумий, анъанавий устки кийимлардан яна бири пўстиндир. Пўстинни қўй, тулки, сувсар териларидан тайёрланиб, ички қисми ҳайвонларнинг мўйнасидан, устки қисми эса бошланган теридан тикилиб, бўялган. Иссик кунларда пўстиннинг мўйнали қисми устига чиқариб кийилган, совуқ кунларда мўйнали қисми ичига қилиб кийилган, умуман пўстинни икки томонлама кийиб юриш қулай бўлган. Воҳада пўстинларни қайси ҳайвон терисидан тайёрганлигига қараб «барра пўстин», «сувсар пўстин», «кигиз пўстин» деб номланган. Пўстин ҳам асосан тоғ қишлоқларида яшовчи чорвадорлар орасида расм бўлган, уни совуқдан ҳимоя сифатида чопон, чакмон устидан кийишган.

Республикамизда эркакларининг анъанавий кийимлари мавсумий қилиб тикилган. Воҳанинг чорвачилик билан шуғулланувчи аҳолиси асосан тоғ ва тоғ олди худудларида яшаганлиги ва иқлим совуқлиги сабабли ҳайвонлар терисидан тайёrlаб тикилган кийимларни кийишган. Эркаклар отда ёки яёв узоқ сафарда юрганда, хўжалик ва уй-рўзғор юмушларини бажарганда кенг этакли устки кийимларни кийишган ва ихчам туриши учун белга белбоғ боғлашган. Белбоғ бўз, чит, сатин каби матолардан тикилган. Чорвадор аҳоли теридан, жундан тўқилган шол белбоғлар, фўта белбоғ, матри белбоғ боғлашган.

Белбоғ боғлаш ўсмириликдан йигитликка ўтишнинг рамзий белгиси ҳисобланган. Воҳада «чумчулағой» номли жундан қўлда тўқилган белбоғлар кенг тарқалган, у пахта ипидан, жундан тайёрланган. Белбоғ халқимиз орасида турлича номлар билан аталган: «тўқима белбоғ», «фута» - бир бўлак матодан тикилган пўпакли белбоғ; қийиқ-тўрт томони кашталанган белбоғ, чарм белбоғ. Белбоғлар қандай матодан тикилганига

қараб адрес белбоғ, алвон белбоғ, шойи белбоғ, ундағи алоҳида белгиларига қараб кашта белбоғ, тангали белбоғ, мадали-ипак белбоғ деб аталған. Анъанавий кийимларнинг ажралмас қисми бўлган белбоғ жуда қадимийдир. Белбоғнинг рамзий маъноси жуда кенг. Ўзбек белбоғлари амалий, маросимий на магик функцияга эга. Эр ва аёлларнинг аза ва тўйларда бел боғлаши маросимий аҳамият касб этади. Воҳада тўйларда куёвнинг оила бошлиғи, эр бўлганлиги, бели бақувватлигининг рамзий белгиси сифатида келиннинг тоғаси ёки янгаси унинг белига қаттиқ туғилган белбоғ боғлайдилар. Бойсун, Шеробод тумани ўзбек қўнғиротларида боғланган белбоғ тугуни белнинг бақувватлиги, кучининг мустаҳкамлиги рамзи деб қаралган ва куёв белбоғини куёв жўралар тўй охиригача ечиришмаган. Белбоғ орасига пул, ширинлик солиб боғлашган. Ҳолбуки, белбоғда бойлик ва севги рамзи сифатида қаралган. Демак халқимиз эрлик бақувватлик бойлик рамзи, кўнгилнинг туклигига ишонч, магик эътиқод, севги тимсоли сифатида белбоғ боғлашган.

Халқимизда белбоғ билан боғлик, бир қанча рамзий удумлар мавжуд бўлган. Турмушга чиқаётган қизлар сарпо сифатида куёвга ўз қўллари билан турли нақшлар солиб белбоғ тикишган, энг қадрли меҳмонга, хушхабар келтирган хабарчига ҳам белбоғ берилган. Баъзан бир неча белбоғ белга бирин-кетин боғланиб, узоқ, сафарларда зарурат бўлганда белбоғ дастрўмол, жойнамоз, ҳамён вазифаларини бажарган. Шунингдек, одамларнинг белбоғ боғлаши рамзий маънода унинг йиққан мол-дунёсини ҳам билдирган. Агар у битта белбоғ тақиб юрган бўлса, унинг мол-дунёси битта авлодига етишини, 2-та бўлса иккита авлодга, 3-та бўлса учта авлодига етишини англатган. Бой-бадавлат кишилар савдо билан шуғулланувчи савдогарлар турли хил рангли ипаклар билан тўқилган кумуш, тилло, тўқали камар боғлаб юришган. Қора чарм камар, турли хил нақшлар ялтироқ тошлар билан безатилиб, камарга пичоқ, ҳамён осадиган боғичлар қилинган. Оддий меҳнаткаш аҳолининг белга тақиладиган камар ва метал боғичларни сотиб олишга ёки тиктиришга қурби етмаган.

Эркаклар бош кийимлари ҳам ўзига хос этник худудий, мавсумий белгиларга эга бўлган. Эркакларнинг энг кўп ва кенг тарқалган бош кийими дўппидир. Республикаизда ҳар бир худудга хос дўппилар бўлиб, Тошкент, Фарғона, Андижон, Чуст, Самарқанд, Уратепа, Кўқон, Шахрисабз, Китоб, Бухоро чеварлари тиккан дўппилар тиқилиш услуби, гуллари, матосига қўрабир-биридан фарқ қилган. Дўппи астар, авра, жияк ва пилтдан иборат бўлиб, уларнинг хар бири алоҳида тикилиб, сўнг астар билан авранинг орасига ингичка симга ўралган қоғоз пилта ўтказилган ва шу усулда қўшиб тикилган. Дўппилар туртбурчакли, думалоқ, қиррали қилиб тикилган. Думалоқ шаклдаги дўппилар енгил оқ матодан тикилиб, кечаси ухлаганда, салланинг ичидан кийилган. Улар «шаппўш», «суфи дўппи», «калапўш» номлари билан аталган. Куёвларга, йигитларга тикиладиган думалоқ дўппилар кашталаниб, дўппининг четига айлантириб тикилган жиякнинг икки учи туташтирилган жойидан попуклари осилиб турган. Ушбу кўринишдаги каштали, пўпакли дўппилар хозирга қадар Шахрисабз, Бойсунда кенг тарқалган анъанавий бош кийимларидир. Тепа қисми чўққисимон қилиб тикилган уч қиррали бош кийим-кулоҳ XX асрларнинг бошларига қадар кенг тарқалган эди²⁸ Қишки мавсумий бош кийимларидан телпак XX асрнинг 20-30 йилларида расм бўлган. Телпак қандай матодан тикилганлигига қараб қоракўл телпак кундуз телпак тулки телпак номлари билан аталган. Воҳада қишки бош кийимларидан қулоқдарни ёпиб турувчи «қулоқчин» ва «чугурма» айлана баланд шаклда ичига пахта солиб қўй, қоракўл терисидан тикилган.

Эркакларнинг анъанавий оёқ, кийимлари асосан маҳаллий шароитда чармчи-кунчилар, этиқдўзлар, ямоқчи-кухладўзлар томонидан тикилган ва тузатилган. Ковуш-маҳси, чориқ, такаки, мукки, тоштовон, чориқ-пойпуш каби оёқ, кийимлар мавсумии оёқ. кийимлари ҳисобланган. Воҳада чорвачилик билан шуғулланувчи маҳаллий аҳоли олис тоғ шароитида ва қиши фаслида «чориқ» кийишган. Чорикнинг орқа товоң ортидан тасма ип қилиниб, оёққа айлантириб боғлаб қўйилган. Бу оёқ, кийими от, тuya,

мол терисидан тикилган. Воҳада чорвадорлар сув чориқ ва дағал чориқ кийишган. Мазкур оёқ, кийими, асосан қишида, намда кийилган. Чунки унинг ичи жун бўлиб, усти маҳсус ишлов берилган мол терисидан тикилган. Мукки - товонсиз, юмшоқ мол, эчки терисидан тикилган, эркаклар қишида «төвлодириқ», «тоштовор» номлари билан юритилган ости ёғочдан қилинган атрофига мол териси, ичига эчки жуни қопланган оёқ, кийимлари кийишган⁴¹. XX асрнинг 20-30 йилларида замонавий фабрика чармларидан тайёрланган этиклар қиши фаслида оммавий тарзда кийила бошлади. Улар нугай этик қора этик яъни қўнжи тиззагача бўлган пошнали этиклар эркакларнинг анъанавий, мавсумий оёқ, кийимлари эди. Мавсумий қишки оёқ, кийимлари пайтава ўралиб кийилган. Эркаклар иссиқ кунларда теридан тикилган ковуш кийишган. Малла кавуш-калин, дағал мол терисидан қўлда тикилган, оғдирма ковуш - кенг, тумшуғи узун бўлиб, мол, от терисидан тайёрланган; ҳаккари ковуш - ёғочдан тайёрланган бўлиб, куз, баҳорда кийилган; кўк ковуш - эшак терисидан тайёрлаб ранг берилган; қора «сипоҳи» ковуш - Россиядан келтирилган бундай ялтироқ қора теридан тикилган ковушларни асосан бойлар кийишган. Калиш, маҳси шаҳар атрофидаги қишлоқларда кенг миқёсда кийилиб, ҳозирга қадар кекса ёшдаги эркакларнинг анъанавий оёқ, кийимлари ҳисобланади. Воҳада эркакларнинг анъанавий оёқ, кийимлари табиий ихлим шароитига мос, мавсумий, содда, ихчам ва қулай бўлиб, қўлда ишлов бериб тайёрланган. XX асрнинг бошларига келиб техника тараққиёти, савдо-сотиқ ва мол айирбошлишнинг ривожланиши натижасида мураккаб усулда ишлов берилган замонавий оёқ, кийимларини кийиш удумга айлана бошлади.

Хуллас, Сурхон воҳаси эркакларининг анъанавий кийимларида умумий ва алоҳида белгилар тарихий, иқтисодий, ижтимоий сабабларга қўрашаклланган ва асрлар давомида ўзгарган бўлиб, анъанавий бош кийимлари, белбоғлар, оёқ, кийимларида умумий ўҳашашлик мавжуд эди. Лекин ўрганилаётган даврда воҳа эркакларининг устки кийимларида анъанавийликнинг асл кўринишлари ва қадимий элементлари сақланиб қолганлиги маълум бўлди. Эркаклар йилнинг

иссиқ фаслларида оқ енгил яктак желақ кишда пахтали нимча, тунни анъанавий кийимлар сифатида кийишган. Айниқса бу даврдаги кийимлар ўзининг ранги ва безакларига кўра ҳам яққол фарқланиб турган. Воҳада эркаклар туни оқ – яшил, оқ – қизил, оқ – сарик йўл – йўл олача бекасамдан тикилган. Шунингдек, Бойсунда эркаклар сарғищ, қизил рангли босма чопонлар кийишган. Бу чопон ўзига хос кўринишга эга бўлиб, Республикализнинг бошқа ҳеч бир жойда учрамайди.

КИЙИМЛАРНИ БИЧИШ – ТИКИШ, КИЙИШ ВА САҚЛАШ

Анъанавий кийимлар у ёки бу халқ моддий маданиятининг ажралмас бир қисми сифатида мазкур халқнинг турмуш тарзи, эстетик диди, миллий хусусиятлари ҳақида тўла маълумот олишга ёрдам беради. Кийим маъносини билдирувчи лисоний бирликлар Урхун-Энасой ёзма ёдгорликлари ва Навоий асарларида «либос», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул хақойиқ» асарида «кэйим», форотожик тилида «сарупо» тарзида ишлатилган.

Қадимда хар бир халқ, ўзининг маҳаллий маънавий ва диний қарашларидан келиб чиқиб кийимларни бичиш, тикиш ва кийиш билан боғлиқ, урф-одат ва удумларга риоя этган бўлиб, йиллар ўтгач бўлар анъанавийлик кўринишини олган. Жумладан, Сурхон воҳасида ҳам ўрганилаёттан даврда матолар қайчи билан кесилмаган, бичилган мато қўлда йиртилиб, қийиб жойлари пичноқ билан кесилган. Кийимларни бичишида кишининг бўйи, елкасининг кенглиги, кўл узунлигини ўлчаш гуноҳ ҳисобланган. Кийим бичувчилар қўл ўлчовларидан фойдаланишган. «Бир қарич» - бош бармоқдан чимчилоққача; «бир эн»-бош бармоқдан кўрсатгич бармоққача; «тўрт эн» - (тўрт сера) - кенг ҳолатдаги тўртта бармоқ кенглигига бўлган. Шунингдек воҳада қизларнинг сеп кўйлакларини ҳамма аёл ҳам бичавермаган. Анъана кўра, бир никоҳли, серфарзанд, кекса ёшли аёл қизнинг сепидаги матодан биринчи кўйлакни бичиб берган. Сурхон воҳасида қизнинг келинлик кийимларини бичиш удуми «сарпо бичар» номи билан аталган.

«Кийим бичар» маросими ўтказиладиган қуни кекса аёллар ва қизнинг дугоналари йиғилишиб, ўзидан тиниб-тинчиган серфарзанд, аёллар яхши ният билан келин кўйлагини бичишган, қўшиклар айтиб, ўйин – кулгу қилишган.

Кийим бичувчилар одатда кийимларни бичишида, улардан қийқим чиқармасликка ҳаракат қилишган. Кекса момоларнинг айтишларича агар кийим бичишида қийқим чиқарилса ва мазкур қийқимга ёмон кишиларнинг назари тушса, шу кийимни кийган киши бирор касалга чалиниши мумкин дейилган.

Кийимларни бичиш учун ҳаттоки хафтанинг маълум бир кунлари танлаб олинган. Халқ наздида хафтанинг душанба, пайшанба, жума кунлари яхши, хосиятли кунлар деб қаралгани боис асосий шу кунлари кийим бичилган бўлса, сешанба, шанба кунлари хосиятсиз деб ҳисобланган ва ўша кунлар кийим бичилмаган. Кийим бичувчилар келиннинг кўйлакларни «бахти очилиб кетсин» маъносига олди очиқ, ҳолда тикканлар. Шунингдек воҳада кўйлакларга тиқиладиган турли кашталар, чирозлар ҳам кийим эгасини ёмон кўзлардан асрайди деган магик тасаввурлар мавжуд бўлган.

Халқимиизда шод-хуррамлик ёки қайғули кунларни билдириш учун шунга мос равищда кийинишган. Оқ, кўк, қизил ва қора ранглар ва шу рангдаги матолардан тикилган кийимлар турли хил рамзий ҳолатларни ифодоловчи маъно касб этган. Тўйларда оқ, қизил, тўқ-қизил рангли матолардан кийимлар кийилган. Келинларнинг келинлик сепларида оқ рангли кийимнинг бўлиши барча халқларга хос анъана бўлиб, бу билан келинга оқ фотиҳа, оқ йўл, баҳт тилашган, оқ ранг халқимиизда поклик покизалик рамзи ҳисобланган. Қолаверса, рамзий маънода бўлғуси келиннинг бир оламдан иккинчи дунёга яъни қизлик оламидан хотинлик дунёсига ўтаётганлигини ҳам англатган.

Келин бўлаётган қизга серфарзанд, бир никоҳли аёл кўйлак кийдириган. Одатга кўра келинга атаб тикилган барча кийим-кечаклар узун ва кенг қилиб тикилиши шарт бўлган. Енг учлари, этаги буклаб тикилмаган. Сурхон воҳасида келинга тўй кўпи икки-уч кўйлак устма-уст кийдирилган, ичдан кийилган биринчи кўйлак оқ ёки қизил матодан тикилган. Тошкентда келинларга тўй куни биринчи марта мурсак кийдирилган.

Воҳада аёлларнинг ёшлари билан боғлиқ, рамзий ҳолатларни ўзида ифода этувчи қатор кийимлар ҳам кийилган. Жумладан, келинларга «келин калпоқ», «думалоқ калпоқ» деб номланган бош кийимни кийдирилган. Тўйнинг иккинчи куни келинга аёллик кийимини кийдириш маросими ўtkазилган. Мазкур маросимда келинга халқ орасида «кампир ёқали» кўйлак деб аталган узун тик ёқали кўйлак кийдирилиб,

сочи иккита қилиб ўрилган ва калпоқ кийдирилган. Қалпоқ устидан «рўмоли калон» ёки «дакана» деб аталган катта кенг рўмол ташланган, Сўнгра момолар «доимо қўша қариб юрсин» деб келинга «қўш этак кўйлак» кийдиришган. Одатга кўра, келинлар оилада биринчи фарзаад туғилгунга қадар келинлик кийимларини кийишган.

Воҳанинг қўнғирот, қарлуқнинг, юз уруғларида келинлар тўйдан сўнг қирқ кун мобайнида касаба ва саллабошларини ечишмаган. Касаба ва саллабошларни қирқ кун давомида ечмасликнинг бир неча рамзий маъноси бўлган. Авваламбор, тўйдан сўнг қирқ кунлик чилла даврида келин саллабошни ечса, ёмон кўзли кишиларнинг таъсири ўтиб келин суқланиши мумкин дейилса, иккинчи томондан халқимиз кишининг давлати бошида бўлади, қизларнинг социда париси бор, деб ишонишган. Шу сабабли «парилари қирқ кунга қадар бошидан тушмасин, мададкор бўлсин» деб янги келинлар касабаларини ечишмаган. Булардан ташқари қирқ кунга қадар саллабошларини ечмай кийиб юриш келинликнинг рамзий белгиси бўлиб, келинлик кўрки деб ҳисобланган.

Воҳада кекса ёшдаги кишиларнинг кийимлари алоҳида эътибор билан озода сақланган. Узок, умр кўрган қариялар вафот этгач, уларнинг бош кийимлари, устки кийимлари табаррук ҳисобланиб, фарзандлари ва неваларига тарқатилган. Кекса ёшдаги қариялар асосан аёллар, маҳсус сандиқларда охират учун аталган кийимликлар, яъни «ўлимлик» тўплашган. Кекса кишиларнинг «ўлимлик» учун йиққан чопон, кўйлак оёқ, кийимлари ва бош кийимлари асосан янги, тутилмагаи кийимлар бўлиб, мархумни ювишда қатнашган «юувучи»ларга берилган. Узок, умр кўрган момо ва буваларининг кўйлаги, желак ва чопонларидан янги туғилган чақалоқларга яхши ният билан умри узок, бўлсин деб «чилла қўйлак» тикиб кийдиришган.

Кийимлар уни киядиган кишиларнинг ёшига, оила ва жамиятда тутган ўрнига қараб турли хил матолардан тикилган. Кийимларнинг ранги ҳам катта аҳамиятга эга бўлган, кийимлар ранги ғамгинлик ёки хурсандчилик тимсоли сифатида ажратилган.

Мотам маросимларида мархум хотирасига аза тўтган яқин қариндошлар

азанинг учинчи куни ўтказиладиган «кир ювди» маросимида оқ, кўк рангдаги матолардан тикилган «аза кўйлаклари» кийишган. Бу одат «кўк кийиш» деб юритилган. Воҳада аза кийими учун оқ, хаворанг ва кўк рангли матолардан рўмол боғлаб, кўйлаклар кийишган. Бошқа халқларда эса қора ва қизил ранглар мотам белгиси сифатида қабул қилинган. Жумладан, Наманган вилоятида яшовчи тожикларда эри вафот этган аёл ёстиқдошининг азаси учун қора кийим кийса, мархумнинг бошқа яқин қариндошлари кўк кийимлар кийишган. Тошкентда эса асосаи қора ранг азадорлик белгиси сифатида қабул қилинган. Ўзбек аёллари беллари боғланган кийимлар кийишмаган, чунки бел боғлаш маросимий аҳамиятта эга бўлиб, мотам маросимларида мархумнинг энг яқин кишиларигина азадорлик белгиси сифатида белларини боғлашган. Беллари боғланган азадорлар фақат мархум уйидагина шу ҳолатда юришган, қўни-қўшниларникига ёки бошқа хонадонга белдаги боғловларини ечиб ўтишган. Шунингдек азадорлик белгиси сифатида барча тақинчоқлар ҳам ечиб қўйилган. Воҳада аза либосларини кийиш бир йилга қадар давом этган. Мархумнинг вафотига йили тўлганида йил оши берилгач, аза кийимлари ечилиб, кўмиб ташланган ва аза кийимини ечган аёлларга янги матодан кўйлак кийдирилиб, янги рўмол боғлатилган. Бу маросим «кўк ечди» деб номланган.

Маълум бир маросимлар, хусусан тўй, дафн сайллар ёки байрамларда кийиладиган маросимий кийимлар қадимдан мавжуд бўлиб, хозирга қадар давом этмоқда. Халқимиз қадимда ипак матоларга илоҳий мато сифатида қараганлиги сабабли ялонғоч баданга ипак матодан кўйлак кийиш гуноҳ саналган, шу боис эркакларга ипак матодан кўйлак тикилмаган, аёллар эса ипак матодан тикилган либосларни бир неча пахтали кўйлаклар устидан кийишган. Бу одат халқимизнинг тут дарахти ва ипак қуртини муқаддас деб билиши билан боғлик, магик қарашлардан келиб чиққан бўлиши эҳтимол.

Халқимиз қадимда кийим-кечакларни сақлашда ҳам ўзига хос одатлар ва маълум бир қоидаларга амал қилган. Аёлларимиз ҳар хил байрам ва тўйларда

кийиладиган кийимларини узок, вақт кийишган ҳамда уларни сандиқларда авайлиб сақлашган. Кундалик лиbos сифатида кийиладиган кийимлар, шунингдек асл матолар кийимлар учун мўлжалланган «бўғжома», «бўғча»ларда сақланган. Эркакларнинг чакмон, пўстин, тўн каби кийимлари уйнинг турида деворга осиб қўйилган сўзана, зардеволлар, кашталар устидан илиб қўйилган. Сандиқда жойлаштирилган кийимлар ва матоларни сақлашда уларнинг орасига ўткир хид таратувчи исириқ, райхон, ялпиз, ёнгоқ, жийда каби ўсимликларнинг барглари ташлаб қўйишган. Бу амал кийимларни хар хил куя, курт-кумурсқалар кемириб, яроқсиз холга келтирмаслиги учун қилинган.

БОЛАЛАР КИЙИМЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ

УРФ – ОДАТЛАР

Одатда халқимиз болажон, болапарвар бўлганлиги, қолаверса, ўтмишда болалар, айниқса, чақалоқдар ўртасида турли хил касалликлар тез-тез учраб турганлиги сабабли чақалоқлик давриданоқ уларнинг кийимларига алоҳида эътибор беришган. Шу сабабли бўлса керак болаларнинг анъанавий кийимлари билан боғлик, урф-одат ва ирим-сиirimлар болалар кийимларида кўпроқ учрайди. Болалар ҳаётига турли хил инсу-жинслар, ёмон кишилар назаридан сақланиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида турли хил удумларга алоҳида эътибор берилган.

Чақалоқларга янги матодан тикилган кийимлар кийдирилмаган. Кекса момо, боболарининг кийимларидан бутун бўлакчалар олиниб маҳсус кийимчалар тикиб кийдирилган. Кекса ёшдаги, узок умр кўрган кишиларнинг кийимларидан ёш чақалоқларга кўйлакчалар тикиб кийдиришганда, биринчидан халқимиз боланинг умри узок бўлсин, шу кишидек узок умр кўрсин деб ният қилса, иккинчидан кийилган кийимларнинг матоси ювилиб, кийилиб анча охори тўкилган, юмош ҳолга келган ва боланинг баданига енгил, юмшоқ ҳолати билан анча мос тушган. Бола 3-5-7 кунлик бўлганда биринчи, «қирқ кунлик», «чилла» кўйлак кийгизилган, у ҳам албатта янги

матодан тикилмаган. Чақалоқларнинг кўйлаклари Республикализнинг турли худудларида турлича номланган. Болани турли ҳил таъсирлар, ёмон кишилар назаридан сақлаш мақсадида, 20 кунлик бўлгач «чилла» кўйлак дастлаб тошга ёки итга кийдирилган ва бу билан боши тошдан бўлсин, жони тошдек қаттиқ бўлсин, болаларга келган кулфатлар итнинг бошига тушсин деб тилак ният қилинган. Фарзанди турмаган оиласда янги фарзанд туғилса, чақалоқка кўйлак учун етти уйдан мато сўралган. Чорвачилик билан шуғулланган аҳоли орасида болаларга эчки жуннидан тивит қалпоқ тўқиб кийдиришган. Болаларнинг кийимлари қулоқча, калапуш, қалпоқча деб юритилиб, айлана шаклда, қулоқларни беркитиб, ияк остидан ип тасмача билан боғлаб қўйилган.

Бола 1,5-2 ёшга тўлганга қадар бошларига рўмол боғлаб қўйилган. Болалар овқатланганда устки кийимларини тоза сақлаш мақсадида ияк остидан бўйинга айлантириб кўкрак қисмига тутқич мато боғлашган ва бу воҳада «пешбола» ёки олдига тутқич «хўракбанд» деб юритилган. Худди шундай тутқичлар бошқа қўшни худудларда ҳам турлича номлар билан юритилган Шахрисабзда «пешбанд», Фарғонада «пешгир», Тошкентда «ошхурак», «олди» деб аталган.

Ёш ўғил, қизлар ётти, саккиз ёшдан ўтгандан сўнг уларнинг кийимлари бичими катталар кийимлари бичимларига яқинлашиб борган. Болалар етти, саккиз ёшдан сўнг этаклари қайтарилиган кўйлак кийиб бошлаганлар, қизлар кўйлагига 8 ёшдан сўнг турли кашта-безаклар, ёқасига тасма, жияк тугма, тўғнағичлар қадаб тикила бошланган. Болалар дастлаб боғсиз иштонлар кийишган, 8-9 ёшдан сўнг боғли иштонлар кия бошлашган. Ўғил болалар етти, саккиз ёшдан сўнг этаклари қайрилган, учбурчак ёқали кўйлак кийиб, тўққиз ёшдан сўнг бошларига салла ўрашган. Қиз болалар қўйлаги улар турмушга чиққунга қадар «елка-ёқа» яъни йирмочи горизантал шаклида тикилган.

Болалар оёқ кийимлари қадимда ҳилма-ҳил бўлмаган. «Мукки», «чорик» каби оддий, теридан ишлов берилгаи оёқ кийимлари қиши фаслида кийилиб, қизлар эса калиш маҳси, чарм геридан тайёрланган енгил ковуш «попуш» кийишган. Юқорида қайд этилганидек болаларни турли ҳил таъсирлардан

сақлаш мақсадида, халқымиз болалар кийимлари билан боғлиқ қўплаб удумлар, ирим-сиримларга амал қилишган. Аввало чақалоқлик кийимлар сақлаб қўйилган ва оиласда кейинги фарзандларга кийдирилган. Баъзан оиласда бошқа фарзанд туғилмаса ўша кўйлак бола катта бўлиб, уйланиб болалик бўлгач унинг боласига кийдирилган. Болаларнинг кийимлари бегоналарга берилмаган.

Ёш болаларга ёмон кишилар назари тушиб, уларга «сук» киради, яъни болалар «суқланади» деб болаларни ясантириб кийинтирилмаган. Бойсун тумани Сайроб қишлоғида ёш болаларни суқланишдан ҳимоя қилиш мақсадида, устки кийимлари ёки иштонини тескари кийдириб қўйиш одати бўлган. Одатда болаларнинг бош кийимларига турли паррандалар бургут, товус, хўро патларини жига қилиб тақиб қўйишган. Шеробод тумани, Пошхурд қишлоғида яшовчи Тўраева Барот момо маълумотларига кўра, бўрининг бир жуфт тирноғини, данак бодом пўчоғи ичига жойлаштириб, ип билан боғлаб болалар кийимиға, дўпписига тикиб қўйилган ва бу билан келган зиён заҳмат, бало-қазо бўрининг тирноғига илинади, ўтади деб ҳисоблашган. Болалар кийимлари ва улар билан боғлиқ удумлар қуйидаги учта муҳим асосга кўра, ўзига хос аҳамияг касб этган. Биринчидан, болалар кийимлари, яъни танани иссиқ-совуқдан ҳимоя килувчи усти-бош вазифасини бажарган.

Иккинчидан, халқимизнинг турмуш тажрибаси, қарашлари, эътиқодларидан келиб чиқкан ҳолда болаларни соғлиғига салбий таъсир кўрсатмайдиган ҳолатларга риоя қилиш мақсадида «чилла» кўйлак кийдиришганлар.

Учинчидан, аждодлар тотемистик, магик, диний қарашларидан келиб чиқкан ҳолда болаларни турли хил инсу-жинслар, қўз-суқдан ҳимоя қилиш мақсадида турли ирим-сиримларга риоя қилинган.

ХАЛҚ АМАЛИЙ БЕЗАК САНЬЯТИ

Ўзбек халқи аждодлари тасвирий санъат соҳасида ибтидоий жамият давридан бошлаб ажойиб асарлар яратганлигини археологик кашфиётлар тасдиқлайди. Республикаизнинг жуда кўп жойларида, айниқса Бойсун, Қурама тоғ тизмалари, Самарқанд теварагидаги тоғларидан топилган қоя тошларга битилган ибтидоий расмлар ўзининг реаллиги ва рангбаранглиги билан хозиргача кишиларни хайратда қолдиради.

Моддий ва маънавий маданият билан бевосита боғлиқ бўлган санъат намуналари, ибтидоий чизма расмлар, антик давр ва ўрта асрларда яратилган монументал бадиий обидалар минтақада яшаган турли элатлар ва томонидан ижод қилинган. Ўзбек этногенезида ташкил қилган элатларнинг кўп асрлар давомида шаклланиб келган маданий меросининг умумий ижодкорлари сифатида номоён бўлиши Ўрта Осиёликларнинг маънавий замини ҳам бир бўлганлигининг далилидир. Айниқса антик даврда яратилган турли хилдаги амалий безак санъати намуналари қадимий хоразмликлар, бактрияликлар, сугдийлар, марғиёналикларнинг юксак маданиятга эга эканлигини намоён қиласи.

Марказий Осиёликларнинг мазкур аждодлари яратган ажойиб обидалар бизларгача етибгина қолмай, уларнинг ишлаб чиқариш анъаналари авлоддан-авлодга утиб мохир усталар томонидан ривожлантирилган. Хозиргача сақланиб келинган ўзбек, тожик, туркман, қирғиз, қозоқ усталарининг ганч, ёғоч ва мармардан яратилган чиройли ўймакорлар буюмлари, нақшли сопол идишлари, рангбаранг тўқимачилик ва каштачилик махсулотлари, мисканлар ва заргарлик буюмлари умумий характерга эга бўлиб, хар бир этноснинг ўзига хос хусусиятларини ҳам намоён қиласи.

Амалий безак санъати хар бир халқнинг майший турмушининг таркибий қисми сифатида асрлар оша шаклланиб келган миллий хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Аммо бизгача етиб келган соҳалар ўзининг ишлаб чиқариш услубини ва зур санъатини сақлаб қолган бўлса-да, мазмунан ва шакл жиҳатдан анча ўзгарган. Археологик кашфиётлар туфайли

аниқланган исломгача бўлган обидаларда топилган ганчдан ва сополдан ясалган буюмларда, металл ва олтин безакларда, деворий санъат намуналарида тасвирланган жозибадор образларда бутун бир майший турмуш соҳаси (айрим одамлар ва турли жониворлар иштирокида ўтказилган маросимлар ва хаёт тасвири берилган панноларда) намоён қилинган бўлса, ислом тарқалгандан кейин барча бинокорлик амалий безак санъатида мазмун ва шакл деярли ўзгариб кетган. Зўр маҳорат билан бунёд этилган одамлар, турли хайвонлар ва бутун бир воқеалар тасвири берилган обидалар ўрнига геометрик ва ўсимликлар шаклидаги безаклар асосий ўринни эгаллаган. Оддий майший буюмлар ва безакларда хашаматли меъморчилик иншоотларида жонли образлар тасвири деярли йўқолиб кетган.

Хозирги сақланган келган амалий санъат соҳаларидан ганч ўймакорлиги кенг тарқалган. Тарихий обидаларда топилган қадимги ганч ўймакорлиги асосан хажмий бўлиб, реалистик тасвирлар билан ажралиб турди. Масалан, III-IV аср обидаси бўлмиш Тупроқ-қалъанинг серхашам Сарой меҳмонхоналаридаги ўйма ганчли расмлар, ўша даврга оид Варахша харобаларида кашф этилган ганчга битилган ўсимликсимон нақшлар, пальметта, бўрттириб ишланланган балиқ тасвирили ганч, геометрик шакллар, қушлар, хайвонлар ва балиқларнинг тасвирлари ажойиб санъат намуналаридан дарак беради. Қадимий усталар мураккаб нақшларни ўсимлик ва хайвонларнинг тасвирларидан олиб, стиллаштириб ишлаганлар. Ганч деворга, устун ва пештоқларга қалин қилиб сувалиб, нақш тасвири ганчнинг ўзига ахта (улги) сиз тўпа-тўғри чизиб қўйилган.

Илк ўрта асрлардан бошлиб ганчкорлик санъати яна ҳам ривожланади. Моварауннаҳрда ганчкорлик меъморчиликнинг асосий безаги даражасига кўтарилиб, уларда афсонавий хайвонларнинг тасвирини ҳам учратамиз. Айниқса, Жанубий Ўзбекистонда ўрганилган мақбараларнинг интерьери, девор пештоқлари равоклари нихоятда нафис уйма нақшлар билан безатилган. Масалан, XII асрда Термиз мақбараларида янгича услуб

ишлиатила бошланганлиги, яъни мукарнаслар (стилактитлар)нинг пайдо бўлиши ва кўпгина биноларда қўлланилиши ганчкорликнинг ўсганлигидан гувохлик беради.

Кейинги асрларда Афросиёбда топилган ажойиб ганч намуналари бу соҳада янги-янги нақшлар яратилганлигини, бинолардан ганч ўймакорлиги билан узвий боғланган кошинлар ва тошдан ясалган безаклар, ганч ишлиатила бошлаганлигини кўрсатади. Ганчкорликнинг гуллаб-яшинаши XVIII-XIX аср бошларига тўғри келади. Бу соҳада ўзбек усталарида айрим миңтақага (вилоятга) хос бадиий услуб ва белгилар сақланиб қолган. Улар ўзига хос ўймакорлик мактабларини яратибгина қолмай, ўзаро тарихий давр жиҳатидан ҳам фарқланадилар. Агар қадимги ганч ўймакорлигига деярли хажмлик реалистик мазмунли ва орнаментал мотивли расмлар характерли бўлса, ўрта асрларда асосан ўсимлик ва геометрик шаклдаги чуқур ўйиб ясалган хашаматли безаклар пайдо бўлади.

Бизнинг асrimизга келиб ганчкорлик санъатида майда рельфли, нозик ва рангли текис фонда ясалган меъморчилик намуналари кенг таркала бошлаган. Хозирги даврда бинокорликда кўпроқ безакли рангли гуллар ва расмлар билан ганч ўймакорлигини уйғунликда ишланишга харакат қилинмоқда. Шунинг учун усталарнинг кўпчилиги нафақат ўймакор, балки шу билан бирга рассомчиликни ҳам эгаллагин. Улар ганчдан ташқари бинокорликда ишлиатиладиган хар хил карниزلар, устун ва кронштейнлар, панжара ва бошқа деталларни ясаш ва буяшни ҳам биладилар.

Усталарнинг мохирлиги туфайли кичик хоналарга майда, текис ўймакор ва унга мос пордоз тури, катта хоналарга эса йирик ёйма, ўзига хос нақшлар берилади. Ганч ўймакорлигига йирик уйма, чуқур уйма, ясси уйма, замини кузгули уйма, замини рангли уйма, чизма пордоз, занжира, хажмли уйма каби услублар ишлиатилмокда.

Бинокорлик (меъморчилик)да ишлиатиладиган анъанавий орнамент геометрик ва ўсимлик шаклида. Ўзбек халқи санъатининг барча соҳаларида ўсимлик орнамента устун туради, аммо у доимо геометрик нақшлар билан

бирга ишлатилади. Ганчкор усталар хар хал турдаги ўйма ишлатадилар: замин-кори, чока-пардоз, лўли-пардоз ва табака-пардоз. Кейинги тури энг охирги ва янги ҳисобланади. Улар ўзаро орнаментларининг ўйилиш услуби, чуқурлиги ва катта-кичиклиги билан фарқланадилар, аммо бир-бири билан узвий боғлиқдир. Ганчкор нақшлар катта корхоналар, маъмурий иморатлар, маданий ва санъат саройларини безабгина қолмай, кейинги йилларда жуда кўп фуқороларнинг уйларига ҳам хусн бағишламоқда. Йирик иншоотлар, монументал обидалар, кенг савдога мўлжалланган ўймакор ганч нақшлар муайян мотивдаги миллий орнаментлар тасвирланган колипларда қуилиб ишланади. Бундай ажойиб миллий безаклар Тошкентдаги Навоий номидаги опера ва балет театрида, Муқимий номли театрда, катта санъат ва маданий саройларида, жуда кўп маъмурий ва жамоатчилик биноларида, ошхоналар ва дўконларда кенг ишлатилган бўлиб, улар шаҳар хуснига-хусн бағишламоқда. Эркин майин бўёқлар билан анъанавий ўймакорлик нақшларининг биргаликда ишлатилиши айниқса чирой кашф этади. Машхур бадиий ганчкор усталардан Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фахрий аъзоси, Республикада хизмат қўрсатган санъат арбоби **Ширин Муродов**, Халқаро мукофотлар совриндори, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган санъат арбоби **Абдулла Болтаев**, элда катта хурматга сазовор бўлган мохир усталар **Тошпулат Арслонкулов**, **Усмон Икромов**, **Анвар Кулиев**, **Шамсиддин Фофуров**, **Кули Жалилов**, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фахрий аъзоси **Юсуф али Мусаев** ва бошқалар яратган ўймакорлик ва меъморлик санъати халқимизнинг бадиий бойлигидир.

Ёғоч ўймакорлиги ҳам Ўзбекистоннинг барча вилоятларида қадимдан кенг тарқалган. Мазкур ўймакорликка оид буртик (горельеф) нақшлар уй-рўзғор буюмларида ва меъморчилигида, айниқса эшик дарвоза, устунлар, хар хил тўсин, хонтахта, қутича, қаламдон, эгар қабиларда ишлатилган. Мохир усталар яратган бизгача етиб келган айрим буюмлар хозиргacha ўзининг нағислиги, табиийлиги ва мураккаблиги билан кишини хайратда

қолдиради. Ёғоч ўймакорлиги илк ўрта асрларга оид Сурнхандарё воҳасидаги Юмалоктепадан, Бухоро, Хива, Самарқанд, Шахрисабз ва бошқа жойлардаги казилмалардан топилган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, араблар келишидан олдин ёғочдан ясалган маъбуда (худо) ни хар бир хонадонда учратиш мумкин экан. Одатда бундай маъбуда эшик тепасига қўйилган ва у эскирса хонадон соҳиби янги маъбуда харид қилиб, алмаштириб тўрган. Араб истилосидан кейин ислом ақидаларга биноан тасвирий санъатнинг бундай турлари, айниқса хайкалтарошлиқ бутунлай барҳам топади. Эндиликда уста наққошлар ёғоч буюмларга геометрик шаклда оддий чизиқлардан мураккаб шакллар ясашга, табиат манзараси ва ўсимликлар аксини ифодалашга ўтдилар.

IX-X асрларда Ўрта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда ёғоч ўймакорлиги яна ҳам ривож топади. Бу даврга хослик шундан иборат эдики, ўймакор усталар яратган нақш заминида қандайдир рамзий маъно, эзгу тилак орзу ва гўзал ниятлар ифодаланган. Уларнинг нақшларида хатто тимсол, дуо-афсунлар, тасбех ва таносиблар анча кўп бўлган.

Кейинги даврда (XI-XIII асрлар) халқ амалий санъатида мураккаб геометрик нақш, яъни *гирих нақши* асосий ўринни эгаллаб, уй-рўзғор буюмлари, меъморчилик нақшлари янада бадиийроқ ва нафисроқ бўлиб ишланган. Бунга мисол қилиб XI-XII асрларга оид Самарқанддаги Шоҳи-Зинда деворининг орасидан топилган ёғоч ўймакорлик намунасини, Кўхна Ўрганч обидаларидағи нақшли эшик ва устун намуналарини келтириш мумкин. Темурийлар даврида яратилган ёғоч буюмларда хаттоки тирик мавжудодлар уйиб тасвирланганлигини кўриш мумкин. Самарқанддаги Рухобод мақбарасининг эшигидаги балиқ тасвири, айрим буюмлардаги қуш, илон каби жонзорларнинг тасвири бунга далилдир.

Ўзбек хонликларида ҳам ажойиб халқ амалий санъати номояндалари, чунончи, ёғоч ўймакор усталар етишиб чиқсан. Ўтган аср охирларига келиб хар бир хонликда ўзига хос турли услубдаги ўймакорлик мактаблари пайдо бўлган. **Масалан, Бухоро ёғоч ўймакорлиги нақшининг жозибадорлиги,**

жимжисма безакларнинг олтин, кумуш суви билан безатилиши, нақши заминида ранглардан фойдаланиши билан ажралиб туради. Хива усталари ёғоч уймасининг монументаллиги, табиий рангиниш мустахкамлиги билан бошқалардан фарқланади. Кува ўймакорлари эса қалта буртмали, ясси ўйма нақшлар яратганлар. Пештокда ҳам нақш билан қопланган ясси бўртмали, заминсиз чизма ёғоч ўймакорлиги кенг тарқалган. Марғилон усталари чуқур заминли ўймани қўллаб келганлар. Қўқондаги Худоёрхон саройи, Бухородаги Ситораи Мохи-Хоса, Хивадаги Тошховли, Марғилондаги Саидахмадхўжа мадрасаси, Тошкентдаги Н.Қ.Романовлар саройи ва А.А.Поповцев уйи, Кувадаги Зайниддинбойнинг уйи ва бошқаларда ўзбек ёғоч ўймакорлиги санъатининг бебаҳо намуналари яхши сақланиб қолган.

Ўзбек халқи амалий безак санъатиниг ганч ва ёғоч ўймакорлиги намуналари халқаро миқёсдаги ҳар хил кўргазмаларда мувоффақият билан кўп марта номойиш қилинган. Масалан, Ўзбекистон моҳир усталари ўз ишлари билан 1925 йилда Парижда, кейин Лейпцигда, 1927 йилда жаҳон бўйича, 1937 йилда Парижда «Санъат ва техника хозирги кунда» деган кўргазмаларда қатнашиб иккита «Гран при», иккита кумуш медаль билан мукофотланганлар. 1939 йилда Нью-Йоркда бўлган «Келажак олам» кўргазмасига ҳам қатнашиб ўзбек усталари диплом олганлар. 1938 йили январда Бутун иттифок халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидаги Ўзбекистон павильонлари Тошкент, Бухоро, Хива, Фарғона ганч ва ёғоч ўймакорлари ажойиб санъати намуналари билан безатилган .

Республика пойтахтида қад кўтарган барча маъмурий, жамоат ташкилотлари, театр, ресторон, дўкон ва бошқа йирик иморатларнинг ўймакорлик санъати билан безатилган ганч ва ёғоч қисмларини яратишда ўзбек усталари ўзларининг маҳоратларини номойиш қилганлар.

Республикада танилган ўймакорлардан **Сулаймон Хўжаев, Олимжон Қосимжонов, Мақсуд Қосимов, Ортиқ Файзуллаев** ва бошқалар ўзига хос ўймакорлик мактабини яратганлар ва жуда кўп истеъоддли шогирдлар

етиштирганлар. Уста Сулаймон Хўжаевга 1932 йилда Ўзбекистон халқ усталари ичидаги биринчи бўлиб Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган эди. Хива мактаби усталаридан **Ота Полвонов, Сапо Бокбеков** ва бошқалар ўзига хос ўймакорлик санъатини яратганлар. Уларнинг нақшлари майдалиги, гўзаллиги, заминининг камлиги, нақшларнинг зичлиги ва бадиий тузилиши билан ажралиб туради. Хива ўймакор усталари асосан қайрағоч (гужум), терак, чинор дараҳт ёғочларини кўпроқ ишлатадилар ва улар ёғочнинг табиий кўринишини сақлашга харакат қилиб, янги ўйма юзасини силлиқлаш, бўёқ суринни қўллаганлар. Самарқанд ёғоч ўймакор усталари ҳам ўзига хос мактаб яратиб, бошқа мактабларга қараганда жуда майда ўйма нақшлар, мураккаб компазициялар, яъни геометрик ўсимликсимон ва гули гирих услугуга лак берилган буюмлари билан ажралиб туради. Бу мактабнинг намоёндаларидан **Уста Асатилла, М. Жумабой, Уста Насрулло, Нурали Назруллаев** қабилар жуда танилган. Кўқон ўймакор усталари яратган турли буюмларида (курси, ром, қутича ва хаказо) ясси, калта буртмали уймали, яъни *паргари* услугини ишлатиб келганлар, улар меъморликда эшик ва устунларга йирик чуқур нақшлар уйиб ясаганлар. Марғилон ўймакорлари ҳам шу услубда ишлаганлар. Улар кўпинча терак, ёғоч ва бўёқ ёғочдан фойдаланиб, ўйилган нақш юзига тўқроқ ранг бериб, кейин лаклаганлар.

Хозир хеч бир шаҳар ёки қишлоқ йўқки, ажойиб ёғоч ўймакорлик санъати намуналари булмаса. Бу соҳада, айниқса Хоразм усталари ном чиқарган. Барча ўймакорлик санъати намуналари меъморчиликда, чунончи, йирик ижтимоий, маданий ва маъмурий иморатларда, ресторон ва кафеларда, шахсий уйларда кўплаб ишлатилмоқда. Айниқса, устун, карниз ва панжараларда чиройли ўсимлик услуби, хар хил уй-рўзғор буюмлари ва жихозларда кўриниши ҳам ишлатилади.

Амалий безак санъати турларидан Ўзбекистонда кенг тарқалган соҳаси бўёқли расмлар чизишидир. Одатда бу соҳа икки хилда: *ганч сувоқли деворга расм солши ва ёғоч буюмларга рангли нақши беришдан* иборат. Мазкур

каебни **наққошлиқ** санъати деб ҳам атайдилар. Ўтмишда юксак дид билан бунёд этилган нақшли мухташам бинолар хозиргача кишини ўзига мафтун қилиб келмоқда. Нихоятда бой, мазмунли миллий нақшларимиз турар жой ва йирик иморатларнинг девор ҳамда шифтларида, оддий идиштовоқлар, сандиқ ва кўрпачалар, беланчак, чолғу асбоблари ва бошқа буюмларда жилваланиб инсонни хайратга солади. Илгари бадавлат ўзбек оиласлари турар жойларининг хар бир меъморий қисми ўзига хос нақшлар билан безатилган. Унинг интерьери, яъни хона девори узунасига уч қисмга бўлинган - *пастки изора* (панел), **ўрта қисми** вп *тепа қисми* фриз. *Деворнинг ўрта қисми манзаралар, катта-кичик нақшлар, унвонли ёзувлар ва бошқа орнаментлар билан безатилган. Тепа фриз қисмига хар хил геометрик ва ўсимлиҳ, шаклидаги нақшлар ишиланган.* Деворнинг тепа қисми билан шифт ўртасида одатда ганчдан ясалган ажойиб карниزلар ўрнатилган (унга шарафа деб ном берилган), шифтнинг ўртаси эса ўйиб ишиланган ганчли қуббалар билан безатилган ва унга ховузак деб ном берилган. Бу ховувакларга исломий ёки геометрик нақшлар ёки турунжлар ишилатилган. Бундай безаклар ўзбек хонадонинг анъанавий зийнати ҳисобланади. Деворлардаги токчалар, тахмонларнинг чети, китоблар ажойиб нақши намуналари билан безатилган. Токчалар хар хил идиштовоқлар билан, чиройли тахмонлар, кўрпа-ёстиқлар билан жиҳозланган. Ўзбек хонадонларидағи сергул гиламлар, рангбаранг кўрпа ва чойшаблар, нақшинкор хонтахталар, қаламдонлар, қутичалар, рангин безакли деворийи, нақшлар, хашибдор шифтлар миллатнииг нозик дид ва олий хис-туйғуларга эга эканлигини исботлайди. Бунинг яна бир тасдиғи мазкур деворлар ва шифтларга берилган нақшлартинг мутоносиблиги, пухталиги, рангларнинг уйгунлиги, нағислиги ва юксак бадиийлигиdir. Миллий наққошлиқ санъатининг ривожланиши Фарғона, Хоразм, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа туман ва вилоятларда ўзига хос наққошлиқ мактабларини юзага келтирган.

Анъанавий наққошлиқ ноёб бадиий санъат турларидан бири тош ва сужук

ўймакорлиги ҳисобланади. Бу санъатни халқ орасида тоштарошлиқ ва сангтарошлиқ деб атайдилар. Ниҳоятда катта истеъод, зўр сабр-тоқат ва оғир меҳнат талаб қиласиган бу касб қадимдан ривожланиб келган. Маълумки, дастабки ишлаб чиқариш қуроллари тошдан ясалган. Ибтидоий аждодларимиз тошнинг турли навларидан ва суюклардан хар хил қуроласбоблар, уй-рўзгор буюмлари, безаклар тайёрлаганлар. Эрамизнинг биринчи асрларига оид обидалар (Фаёзтепа, Айритом, Қоратепа, Тупроққалъа)да харсангтош ва мармардан безак ишларида кенг фойдаланилган.

Айниқса, ўрта асрларда тоштарошлиқ юксак даражада ривожланиб такомиллашган. Бунга мисол *Амир Темур ва Ахмад Яссавий мақбарилари, Бибихоним масжиди, Хива, Шахрисабз, Бухоро, Самарқанддаги хашибатли масжид ва мадрасаларнинг* жозибадор ўймакорлик тошлар билан безатилганлигини келтириш мумкин.

Бинокорликда ишлатиладиган ранг — баранг қошиқлар ва турли хилдаги бадиий аҳамиятга эга уй — рўзғор буюмларини асрлар давомида яратиб келган қулолчилик ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекларнинг бу қадимиј амалий санъати ўзининг бой анъаналари, нозик ва майнин нақшлари, майший турмушда ишлатиладиган кундалик идиш-товоқларнинг турли хиллиги ва ўзига хос миллийлиги билан узоқ даврлардан бери узоқ-яқин халқларни ҳам ўзига мафтун қилиб келган. Хозирча бинокорликда **майолика ва мозаика** тарзида ишлатиладиган, Бухоро, Самарқанд, Хива, Кўқон каби шаҳарлардаги масжид-мадрасалар, карвонсаройлар ва кабрларни безатиб тўрган рангбаранг кошинлар бу санъатнинг ажойиб намуналари ҳисобланади. XIX аср охирларига келиб бир оз инқирозга учраган кошинчилик кейинги йилларда таъмирчилик ишлари туфайли қайта тикланиб, яна жонланди.

Ўзбек қулолчиликдаги бадиий услуб узоқ давр давомида шаклланиб, айрим туманларда идиш - товоқлар турлари ва нақшларининг ўзига хослиги сақланиб келмоқда. Идишларга бериладиган нақшлар асосан

калами, чизма ёки харрожи услубида амалга оширилган, баъзан улар биргаликда ишлатилган.

Кулолчилик Ўзбекистоннинг хамма жойида учрайди. Аммо бадиий буюмлар яратиша энг йирик марказлардан *Риштон*, *Гиждувон*, *Шахрисабз*, *Хива*, *Хонка*, *Самарқанд*, *Тошкент* қадимдан машҳур бўлган. *Масалан*, *Риштон* қулоллари яратган сирли идии ва сопол буюмлар ўзининг нозик ва мураккаб нақшлари, бўёқлар колорити, айниқса, очиқ кўк кобальти ва феруза ранги билан ажралиб туради. Хозирги *Риштон* буюмларидаги қалами услубида яратилган нақшлар йирик ва декоратив хилдаги орнаментли. *Гиждувон* сопол идишилари ўзининг ранг бойлиги ва катламлилиги билан кўзга ташланади. Уларда ҳам катлами услубида тўқ жигарранг фонида яшил, тук сариқ тўқ кук ва қизил гишт ранги нақшлар билан қатламда берилган бўлиб, бўрттирилгинде сезилади. Хозирги Шахрисабз усталари йирик орнаментли қизил-жигарранг фонда яшил, сариқ қизғиш ва баъзан кўк ранглар билан идиш-товоқларни безайдилар. Самарқандлик кулоллар катта декоратив шаклдаги олтин ёки саккиз қиррали юлдуз, доирасимон, ўсимлик орнаментли нақшлари билан ўз маҳсулотларини безаганлар. Тошкентликларда икки хил сопол идишилар фарқланади, эски хилда ясалган суюқлик оқимига ўхшаш яшил, сариқ ва жигарранг буёқли ва хозирги даврга оид очиқ фонга битилган чеккаси гравировкали, майда ўсимлик орнаментли, полихром безакли намуналар. Фарғона кулоллари сопол идишиларга оқ кўк қизил, яшил, сариқ ва хоказо тусда сир берадилар. Андижонда сирни тупроқ оқ тусда берадилар. Идишга таг сир берилгандан сўнг унинг устидан ранги бўёқ билан турлича чизиқлар, холлар, гуллар чизилади. Кулолчиликнинг энг қадимги маркази ҳисобланган Хоразм идиш-товоқлари шакли, айниқса катта овқат идиши-бодия ва лаганлари, сувдонлари (хумлари) билан ажралиб туради. Идишиларга бериладиган гули ва геометрик нақшлар асосан тўқ яшил ва феруза, бир оз кўк ва оқ ранглардан иборат. Ўзбек кулоллари ясадиган хар хил фигурали

ўйинчоқлар, айниқса хуштак чаладиган ўйинчоқлар қадимий даврлардан маълум.

Чинни идишлар Ўрта Осиёда яқин даврлардан бошлаб ишлаб чиқила бошланган. Ўзбекистонда феодализмнинг сўнги даврида пайдо бўлган чиннисозлик хозир тез суръатлар билан ривожланиб, анъанавий бадиий санъат намуналарини яратишни касб қилмоқда. Ўтган асрда чиннисозлик Фарғона водийсида, Андижон, Қўқон, Риштон каби шаҳарларда ривож топган. Аммо XIX аср охирига келиб Россия чинни корхоналарида ишланган идишларнинг Ўрта Осиё бозорларига кўплаб кира бошлиши туфайли махаллий чиннисозлар рақобатга чидаёлмай инқирозга учрайдилар. Оқибатда асrimiz бошларида бу касб кўп шаҳарларда тўхтайди ва йўқолиб кетади. 1954 йилда республикамида чиннисозлик кайтадан тикланиб ривожлана бошлайди.

Ўзбек кулолчилик санъати ҳам амалий санъатнинг бошқа соҳалари сингари бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Бу нарса унинг хом ашё, ишлаб чиқариш қуролларининг турлари, меҳнат тақсимоти, буюмларнинг шакли ва нақшлари қабиларда кўринади. Сопол идишга солинадиган гуллар ва нақшларнинг номлари баъзан бир хил, баъзан ўзаро фарқланади. Фарғона водийси кулоллари, айниқса машҳур Риштон усталари ижод этган нақш намуналари 300 га яқин. Шуларнинг ичида нақш элементларини ифодаловчи қуйидаги сўзларни учратамиз: *аноргул, қалампир, толе, каноти мург, қўчкароқ (қўчкор шохи), гули афиши, сада, гултожихўроз, меҳроба, зар печак, булбулзор, туморча, ошпичоқ, оптовағул, чойдии, четангул, туябўйин, гузанак, каптар қанот, ошиқча, риштагул, печак ўт, санами, писта, барг, занжира, осма гул, кошин гул, чор япроқ гули гажсак*. Сопол идишларга туширилган нақшлар хаммаси бир-бирини тўлдиради, мукаммаллаштиради ва ўзига хос хусн бағишлиайди.

Таниқли наққош ва олим, Ўзбекистан халқ рассоми М.Р.Рахимов сопол идишларни сир бўёқларига қараб қуйидагиларга ажратади:

1. Окпаз идишлар - бунга ишкор билан сирланган лаган, тавоқ, коса,

пиёла қабилар киради;

2. Ложувард - бунга суюқ овқатлар қуйиладиган осмон рангли идишлар ва сиёҳдонлар киради;

3. Калаги ва чини идишлар - бунга капай қўшилган қўрғошин билан сирланган ўртacha катталиқдаги фаянс идишлар киради;

4. Таги сиёҳ - қўрғошиндан ишланган тўқ жигарранг сирли идишлар киради. (Асосан Бухоро ва Қашқадарё) вилоятларида учрайди;

5. Қўрғошин — бунга қўрғошин билан сирланган, умумий тувак кулранг, сарғиш оқ рангдаги идишлар, чунончи, кўзагарлик, косагарлик буюмлари киради.

М.Рахимов кулолчилик хунарини илмий жиҳатдан ўрганибина қолмай, ўз ижодида анъанавий ўзбек кулолчилиги билан замонавий сополчиликни уйғунлаштиради. Унинг дастлабки фаолиятида яратган буюмларида ёрқин заминдаги кўк яшил, сариқ гуллар жилоси ажойиб композиция намойиш қиласи. Мохир уста анъанавий безакли *лаган*, *гулдон ва янги шаклли идишлар билан бирга портрет*, *совға буюмлар* яратган, уларнинг безагида ўсимликсимон нақшлар билан бир қаторда хайвон шаклларини ва ёзувларни ишлатган. У кўп йиллар мобойнида сопол материали ва бўёқларини ўрганиш йўлида самарали хизмат қилиб, бир неча жиддий асарлар яратди. Унинг кулолчилик соҳасида оригинал ясалган бадиий буюмлари турли музейларда сақланмоқда.

Ўзбек миллий безак санъатини дунёга танитган яна бир муҳим соҳа кандақорлиқ яъни металлдан ясалган бадиий буюмларга **уйиб ёки буртик** қилиб нақш ишлаш касбидир. Бу бадиий хунармандчилик ҳам ўлкамизда қадимий даврлардан маълум бўлиб, у ўз қадимийлиги билан кулолчиликдан куйин иккинчи ўринда туради. Махаллий кандақор усталар олтин, кумуш, мис, жез ва бошқа металлардан узоқ ўтмишдан буен турли буюмлар ясад келмокдалар. Бадиий металл буюмларни ишлашнинг ilk намуналари Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда эрамиздан аввалги I минг йиллик ўрталаридан кенг тарқала бошлаган. Дастраски тўғноғичларда кичик

воқеалар, хайвонлар ва бошқа мазмундор тасвиirlар акс эттирилган. Масалан, уша даврга оид Фарғонада топилган маросим козони кандакорликда «хайвонот услуби» мавжудлигидан дарак беради. Сўнгги антик ва илк ўрта асрларда махаллий кандакор усталар қимматбахо металлардан хокимлар ва зодагонлар учун тўй-томуша, тахтга ўтириш, ов қилиш, шикор ва кўраш манзаралари, афсонавий ва эпик қаҳрамонлар образи, хаётий мавжудод, парранда ва бошқа дунёвий тасвиirlар ўз аксини топган кўпгина буюмлар ясаганлар. Исломгача ўтган даврда Мовароуннахр аҳолиси уй-рўзгор бадиий буюмларида дунёвий воқеалар ифодаланган нақшларнинг кўп топилганлиги мазкур касбнинг нихоятда кенг тарқалганлигидан далолат беради.

Ўрта асрларда нафақат олтин ва кумуш буюмларнинг зўр маҳорат билан безатилиши, балки хашаматли биноларнинг безакларига ҳам олтин суви югуртирилиши диққатга сазовордир. Бу даврда мис ва унинг қоришмаларидан янги-янги буюмлар пайдо бўлади, тўғри тўртбурчакли буркашлар, шар шаклидаги юмалоқ бўйнига нақш солинган кўзалар, чиройли сиёҳдонлар, хавонча ва бошқалар кандакорликнинг юксак даражада ривожлаганлигини исботлайди. Кўп металл идишларга хар хил мазмундаги, масалан, шахсни шарафлайдиган, омад, тан-сихатлик, баҳт-саодат, фаровонлик тилаб ёзилган нақшли матнлар «куфий» ва «насх» услубида битилган. Ривожланган феодализм даврига оид (XIV-XV асрлар) Регистон майдони яқинида қазиб олинган хазиналардаги турли-туман идишлар, пиёлалар, қопқоқлар, кўзалар, қозонлар ўзбек кандакорлигининг яна ҳам ривож топганлигидан далолат беради.

Бадиий санъат касбларидан **мисгарлик** ҳам алоҳида ўринни эгаллайди. Сариқ ва қизил тахта мислардан турли идиш-товоқ ва хўжалик буюмлари ясалган, улар кўпгина нозик уйма нақшлар билан безатилган. Мисгарликнинг бошқа металлсозлик касбларидан фарқи шуки, мис тоб берилмай, яъни ўтда қиздирилмай совуқ ҳолида ишлатилади. Аммо мисгарлар ичи чуқур мис идишларнинг қисмларини бир-бирига

ёпиширишдагина уларни қиздирадилар. Одатда мисгарлик иккига тақсимланган: ясаш ва безаш. Идишларни безовчи уста наққош мисгар деб номланган.

Буюмлардаги нақш композицияларнинг хар бирида нақш уйиш техникасининг турлича усули қўшилиб кетган бўлиб, улардан нақш қоидаларининг мазмунини англаб олиш мумкин. Ўзбек наққош мисгарлари яратган мис идишлардаги нақш композициларнинг нихоятда мураккаблиги, мавзуу ва элементларининг ранг-баранглиги мазкур санъат соҳасининг узок тарихий тараққиётни босиб ўтганлигини кўрсатади. Масалан, идишларга ўйилган нақшлардан мадохир, ислеми ва намоён номли услубларда яратилган унлаб нақш турлари ўзбек наққошлиқ маданиятига хос бўлган классик нақш намуналардир. Бу нақшлар халқимиз бошидан кечирган баъзи тарихий воқеаларни, унинг дунёқарашини ва орзу-истакларини, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини ифодалайди.

Айрим элементлар ва номларга қараганда махаллий усталарнинг ўтмишда чет эл вакилларининг буюртмаларини бажарганлиги ёки ўз ишларида баъзан бошқа юртлар услуби ва стилларидан фойдаланганлиги сезилади. *Масалан, нақши номлари орасидаги ислеми машади, ислеми араби каби атамаларнинг учраши чет мамлакатларидағи истеъмолчиларнинг талаб ва диidlари ҳисобга олиниб, маҳаллий усталарнинг ўз санъатини бойитганлигидан дарак беради. Баъзи буюмларда, нақшлардан афсонавий тасаввур ва эътиқодлар билан боғлиқ турли жониворлар (илон, қуш, хайвон, хашиборат)ларни ифодаловчи шаклларни очиқ сезамиз.*

Хозирги даврда эса мисгарлик санъатига янгича мазмун ва услуг одамлар, меҳнат фаолияти, юлдуз ва ўроқ-болға, пахта гули ва барглар, герб ва бошқа расмий тасвирили композициялар кирган. Айниқса, нозик ўйма нақшлар қумғон, жом, мисчойнак мискоса, мис пиёла, мисчилим, тунг ёки мис кўза (кўпинча қопқоқсиз, жўмраксиз) ва кўзача, мистовоқларда учратиш мумкин. Айрим нусхаларга ташқи томонидан уйма нақшлар билан хат битилган, ичи оқартирилган, баъзан феруза ёки мунчоқлар

қадалган.

Ўзбек наққош мисгарларнинг лексикасида ишлатиладиган нақш элементларининг номлари бу соҳадаги юксак санъатини ва бой тарихини намойиш қилибгина қолмай, маҳаллий элатнинг дунёқараши, маданияти ва турмуш даражасини ҳам ифодалайди. *Масалан*, кўхна нақши элементларидан қўйидаги намуналар дикқатга сазовордир:

- 1. Ислими нақшининг турлари** - ислими араби, ислими афшон, ислими бодомбарги, ислими даврон, ислими доира, ислими мева, ислими мутжва, ислими мукаррарий, ислими таноб, ислими ховандা, ислими кавс, ислими чуркубба, ислими хумо ва хоказо;
- 2. Ўсимлик барги ва гули билан боғлиқ нақши номлари:** барги аннос, барги мушак барги мугилон, барги бодом, толбарги, гажакгул, гули афшон, гули носира, гули санжари, гули сармугон, гули хургид, гули тожихўроз ва ҳоказо;
- 3. Идишларга ўйлган нақши тури мадохил элементларининг номлари** ҳам юқоридаги қўшимча сўзларга тўғри келади;
- 4. Бошқа турлича намуналаридан** атиргул, курмак булбул, бодомча, нақши ганжа, нақши гулхан, нақши гирдиш, ой нақши, ўрдакгул, нақши сумбула, тугма нақши, чекмагул, чортахт, юлдизгул, нақши кўзойнак, нақши чорбута, чашма зебор ва хоказолар.

Мазкур атамалар нафақат ўзбек тилининг бойлиги, балки безак берилган буюмларнинг хилма-хиллиги ҳамда санъатнинг юксақлигидан дарак беради. *Масалан*, турли ўсимликсимон, геометрик ва рамзий нақшлар билан нафис қилиб безатилган мис лаганларнинг лавхўри, дўлава ва қошиғлик турлари, юз-қўл ювишида ишлатиладиган қумғон, дастший ва офтобалар, сув идишларидан тунг, сатил ва сархумлар, ниҳоятда кенг тарқалган мис чойнақ, мис кўза, чойдииш (чойжуси), кашик (мис чойнак), селабча, чилончин, луфдон ва бошқа уй-рўзгор асбоблари ҳам мисгарликнинг муҳум бадиий соҳа эканлигини кўрсатади.

Мисгарлик касби ҳар бир вилоятда ўзига хос буюмлар ва уларга

бериладиган нақшлар билан ўзаро фарқланади. Масалан, қўл ювиш учун ишлатиладиган идиш Бухорода **офтоба** дейилса, Самарқанд, Тошкент вилоятларида обдаста, Хоразмда **қумғон** деб юритилади ва улар шаклан ҳар хил бўлади. Тадқиқотчилар таърифича, улар қадимги афғон офтобалирига ўхшаш нафис, кўркам ва силлиқ пардозланган. Хивада офтоба (қумғон) лар ясси, бўғзи узун ва ингичка бўлиб дастаси булмайди. Шахрисабз усталари офтобаларга рангли ойначалар, рангли сургичлардан ва сирланган бўёқлардан гуллар солишган. Бухоро мисгарлари яратган офтобалар бўйи пастроқ катта ва ингичка бўғизли, гул солинган, оғзи қабариқ бўлиб, кунгурали қопқоқча билан бекитилган. Карши офтобаси алоҳида ясалган жумрақли, бироз юқорига эгилган ҳолда тик ўрнатилган. Бухоро мисгарлари қарши усталари тайёрлаган офтобалар бўғзига, жумраги атрофига нақшлар, уйма гуллар, рангли ойналар, корнига эса оқ металлдан чиройли безаклар уйган. Анъанавий буюмлардан дарвешларнинг челакка ўхшаш идиш (кашкил)лари чиройли нақшлар билан безатилган. Хон ва беклар овга чиққанда ишлатиладиган дўмбир (довул) лар ҳам ажойиб қилиб безатилган. Хар хил шамдон, ўсма тушак сурмадон, қалам солинадиган мисчиллик манкалдон, мисс коса, шарбат коса, мисс қозонлар, чўмич, капгир ва бошқаларга ажойиб нақшлар берилган.

Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Карши, Шахрисабз, Тошкент, Фарғона кандакорлик мактаблари ўзига хос миллий характерга эга бўлиб, улар безак бериш услуби, шакли ва орнаментлари билан ҳам ўзаро фарқланган. Хар бир мактаб буюмларининг нафосатлилиги, гўзаллиги, умумиилиги билан ҳам бир-биридан ажralиб тўрган.

Ўзбек оғзаки ижоди намуналаридан, айниқса, эртак ва достонларда темир ва пўлатдан ясалган хар хил кескин қуроллар тилга олинади. Шулар ичида хозиргача эъзозланиб келинаётган қурол пичоқдир. Қадимий тош даврдан мис ва темир давригача пичоқчилик ривожланиб келган. Ёнга осиб юриладиган пичоқларнинг турли хиллари Навоий, Бобур ва бошқа ўрта аср адибларининг асарларига ишланган миниатюраларда тасвирланган.

Афросиёб, Варахша, Болаликтепа каби обидаларда топилган деворга ишланган расмлардан ҳам пичоқ уй-рўзгордан ташқари харбий қурол сифатида ишлатилганини кўриш мумкин. Кейинчалик пичоқчилик касби ривожланиб, ўзига хос мактаблар яратилган. Қадимдан Фарғона водийси, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Тошкент, Қашқадарё мактаблари мавжуд бўлган. Тадқиқотчилар аниқлашига қараганда Ўзбекистонда йигирмага яқин пичоқчилик марказлари бўлган. Улар ўзининг ишлаш технологияси, ясалиш усули, шакли, катта-кичиклиги ва безаклар билан ўзаро фарқ қиласди.

Масалан, ясалиши усулига қараб чуст (тус) пичоги, Пойтуғ пичоги, Қорасув пичоги, Шаҳриҳон пичоги, Қўқон пичоги, Хива пичоги қабиларга бўлинган. Маълумки, ҳунарманлар қадимдан бир-бiri билан уюшиб, муайян маҳалларда яшаганлар. Одамларнинг касби номи билан маҳаллалар танилган. Хозиргача катта-кичик шаҳарларда ёки қишлоқларда пичоқчилик маҳалласини учратиш мумкин. Чунки пичоқ ўзбек оиласарида кесувчи асбоб сифатидагина ишлатилмай, бутун минтақада эркакларнинг энг зарур иш қуроли ва хатто сарпо безаги сифатида ҳам хизмат қилиб келган. Бундай ҳол унинг ниҳоятда чиройли безалишини талаб қилиб, пичоқчиликни нозик нақшили санъат соҳасига кўтарган.

Андижон вилоятиниг Қорасув қишлоғида яратилган пичоқ намуналари ўзининг ўткир тиги ва бежирим безаги билан Марказий Осиёда машхур бўлган. Қорасувлик пичноқсозлар ўтмишда қилич, ханжар, шоп ва пичоқ ясашда ном қозонганлар. Чуст усталари ясаган пичоқнинг дастаси ҳамда тиги узунроқ бўлиб, тифининг ташқарисига, дастасининг учи ичкарига томон қайрилган ва ўзига хос безатилган. Хива пичоқлари ўз шаклларини нозиклиги, безакдорлиги, металининг моҳирона қайта ишланганлиги, тифи юзининг ислимиий нақшлар билан безатилганлиги, «кинбоги»нинг бадиий нақшлари билан машҳур. Шаҳриҳон ва Қўқон усталари яратган пичоқлар сукма сопли, тиги катта ҳамда калин, ихчам, дастаси сарбастали, гулсиз ёки камгуллидир.

Заргаллик ҳам энг қадимий зеб-зийнат яратадиган ҳунармандлик соҳаси

хисобланади. Археологик кашфиётлар жуда кўп сонда турли хилдаги заргарлик буюмларини фанга етказиб берган. Ўзбек заргарлари яратган маҳсулотлар ассортименти кўп ва хилма-хил, айримлар ниҳоятда ноёб санъат дурдоналаридандир. Асримиз бошларида маҳаллий усталар яратган ажойиб безаклардан турли хилдаги зираклар (Тошкент зирак, Самарқанд зирак Нугай зирак Хоразмча зиракка сирға деб қулоқсирға, бўринсирға қабилар), узук, билагузук, сочпопук, баргак, зебигардон, баргоҳ, тиллақош, тумор, бўйинтумор, паранжитугма, шингила қабилар зўр маҳорат билан ясалган.

Заргарлар ишлаб чиқарадиган зеб-зийнатлар фойдаланишига қараб бармоққа, қулоққа, кўкракка, бурунга, қўлтиққа, чаккага, пешонага, бошга, сочга, белга тақиладиган безакларга бўлиш мумкин. *Масалан, ўтган асрда ясалган Фарғона водийси безак ашёларидан бўйинга тақиладиган загара баргак кундалли баргак пешовуз, аёллар соchlарига тақадиган нукра думбоқ ёки тилла чачвон пешонага тақиладиган тиллақош, пешона гажсак биқинига тақиладиган тавшадил, чаккага тақиладиган тиллажсак қабилар шулар жумласидан.* Улар Ўзбекистоннинг майший турмуши нақадар ранг-баранг эканлигини кўрсатади. Бу фикрни тасдиқлаш учун яна бир мисолни келтириш мумкин. Фарғона заргарлари яратган узук, зираклар турларини эслайлик: узуклардан авғонча узук, румча узук, айрибанд узук, қозоқча узук, кума узук, ўрама узук, танга кўзли узук, хожи узук ва ҳакозо. Баъзи зеб-зийнатлар бир умр ечилмасдан тақиб юрилган зирак ёки исирга турларидан канозира ёки татарча зирак, туркистонзира, туркистонбалдоқ, зулукзира, қўнфироқли зира, кашкар балдоқ, кўзлик зира, ой балдоқ Фарғона балдоқ, Тошкент балдоқ, арава балдоқ, шардироқ балдоқ, анжир балдоқ ва ҳоказолар ҳам ўзбек хотин-қизларининг эстетик жиҳатдан юксак дидли эканлигини намоён қиласди. Бошқа зеб-зийнат буюмларининг турлари ҳам маҳаллий аҳолининг турмуш маданияти ва дунёқарашини аниқлашга ёрдам берадиган намуналардан. Заргарликда безак ашёлари уйма ва қолип усулида ясалиб, ҳал, чопиш, совет, мийна ва турли рангдаги

тошлар, маржон, шиша, садаф қабиларни ўрнатиш йўли билан безатилган. Жавоҳирлар заргарликда қимматбаҳо тош ҳисобланиб, ўзининг чиройлилиги, рангининг тиниқлиги, бир хиллиги, ялтироқлиги, товланиши, қаттиқлиги, турли хилда ўзгариши каби хусусиятларга эга. Заргарлик санъати айниқса Бухоро ва Хивада машҳур бўлган. Бу ерда хозиргача танилган заргар усталар ишлаб шогирдлар етиштирмоқдалар. Кўп шаҳарларда заргарлик тикланиб, хатто фабрикалар пайдо бўлган. Айрим усталарни хар бир вилоятда учратиш мумкин. Замонавий техника билан жиҳозланган заргарлик фабрикалари кейинги вақтларда Бухоро, Самарқанд, Хива, Кўқон ва бошқа шаҳарларда пайдо бўлган.

Бизнинг давримизгача етиб келган энг муҳим амалий санъатлардан бири бадиий **тўқимачилик** ва **каштачилиkdir** (каштадўзлик). Бундай ҳунармандчилик соҳалари Марғилон, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Китоб, Хива, Тошкент каби шаҳарларда анча ривожланган. Ўзбек тўқимачилари икки хил бадиий газлама тўқиганлар: пахта ипидан ва ярим ипак йўл-йўл матолат ҳамда ранг-баранг ипак газламалар. Шулардан энг кўп тарқалгани йўл-йўл арқоқи пахта ипидан тўқилган ипак асосли беқасам, эски Фаргона (Хўжанд) нақшли бинафша, яшил ва оқ аралаш, қисман тўқ қизил ва сариқ рангдаги газлама. Кўк ва тўқ яшил беқасам Фаргона ва Тошкентда кенг тарқалган.

Рангли ипак газламалардан хозиргача энг севимли бўлган хонатлас нафакат Ўзбекистонда, балки бутун Ўрта Осиё ва бошқа чет элларда ҳам катта обрўга эга. Унинг безаклари доимо ўзгариб, бойиб турган. Кейинги йилларда атласнинг гўзаллиги ва ранг-баранглиги шунча бойиб кетдики, унинг айрим нусхаларини алоҳида ажратиш кийин. Хонатлас тўқимачилик давр талабига қараб муайян мазмунда турли нақшдаги газламалар яратган. Аммо барча нақшларнинг асосида хар хил ўсимлик элементлари, геометрик безаклар, тўқ қизил ва кўк яшил, сариқ ва оқ рангларнинг аралишмасидан тўқилиб, ўзига хос гўзаллик кашф этади. Бухоро ва Сурхандарё вилоятларида асосан тўқ яшил ва оқ сариқ нақшли қизил

рангдаги атласни афзал кўрадилар. Хозир ўзбек усталари атласнинг шахмат атлас, товус нусха каби янги хилларини ҳамда кангуз типидаги ипак газламаларини кўплаб ишлаб чиқаришмокда.

Қадимий тўқимачилик маҳсулотларидан ҳозиргача ниҳоятда кенг тарқалган ва узоқ элларга манзур бўлган жуда ҳам чиройли турли нақшли шохи чойшаблар ва ёпинчиқлар, ажойиб безакли дастурхон ва сўзаналар амалий бадиий санъатнинг ёрқин намуналарири. Айниқса, читгарлар яратган босма гулли газламалар, чойшаблар ва бошқа уй-рўзғор безаклари кишини ўзига мафтун қиласидиган даражада юксак дид билан яратилган. Ажойиб рангбаранг гуллар ва нақшлар туширилган газламаларга босиладиган ёғоч қолипларни махаллий наққош усталар яратганлар. Читгарлик санъати узоқ даврлардан сақланиб келган.

Бадиий каштачилик ҳам ўзбекларда қадимдан тарқалиб, энг севимли касб ҳисобланади. Каштачилик касбини билмайдиган оила йўқ деса бўлади. Ўзбек каштачилиги безак буюмлариниг анъанавий турлари жуда кўп. *Масалан, палақ чойшаб, ойнахалта, чойхалта, зардевор, гулқўрпа, бугелама, парда, белбоғ, ёстиқ устига ётиладиган тақяпуши, дўппи, кўйлак дастрўмол, жойнабоз, нимча, маҳси кавиш ва бошқалар зўр бадиий дид билан безатилган буюмлардир.* Ўзбек «усталари ишлатадиган кашта усулларидан тўлдириб гул солиб тўқиладиган босма, кандахаёл, ироқи, занжир кашта, тақдўзи ва ҳоказо орқали яратилган ажойиб маҳсулотлар ҳозир ҳам кенг тарқалган. Кейинги вақтларда тикув машинасида ҳар хил деворга осадиган безаклар, турли чойшаб, белбоғ, дастурхон, жияклар, йўлақлар ва бошқа уй жиҳозлари машиий турмушини безаб келмоқда. Моҳир ўзбек каштачилари яратган гўзал сўзана, зардевор, гуркўрпа, чойшаб каби санъат буюмлари Германия, АКШ, Бельгия, Хиндистон каби хорижий мамлакатларнинг музейларида доимий экспозицияларга айланиб қолган.

Кўлда ва машинада тўқилган сўзаналар занжир кашта ёки керги чамбарак усули билан жуда гулдор қилиб ясалган. Сўзаналарни деворга осганлар, чойшаб қилиб кўрпа-тўшак ва тахмон-токчаларга ёпганлар. Сўзаналар

асосан йирик шаҳарларда тўқилган, аммо айрим вилоятларда ўзига хос услугуб ва нақшлар яратилган. Тикув машинаси каштачилиги билан хозир жуда кўп усталар шуғилланмоқда, уларнинг маҳсулотлари янги мазмунда, хатто пейзаж ва маъморчилик нақшлари билан кашталанган. Никоҳ тўйларида келин-куёвлар уйи ва қўрпа-тўшаклари сўзаналар билан тўла безатилган. Қадимий анъаналарга кўра, ўзбек қизлари-бўлажак келинчаклар ўзларининг сеплари (хар хил каштачилик буюмлари)ни ўзлари тайёрлаши лозим бўлган. Кашталар қанчалик нозик ва чиройли бўлса қайлиқ шунчалик юқори баҳоланган. Қизлар 7-8 ёшидан бошлаб кашта тикишга ўргатилган.

Дўппи каштачилиги ўзбек халқининг ғуури ҳисобланади. Бошқа амалий санъат соҳалари сингари дўппи созлиқда ҳам хар бир жойнинг ўзига хос услугуб ва нақшлари ўзаро фарқланган. Бугун Ўзбекистон ва қўшни ўлкаларда машҳур Чуст дўпписи ўзининг шакли, одми услуби, марказий калампирли орнаменти, қора ва оқ нақшларининг мутаносиблиги билан характерлидир. Дараҳт кўчати ва баргларини эслатадиган эркин кўп рангли нақшлар ипак билан кашталанган чукматур дўппилари ажойиб санъат намуналаридан. Шахрисабзда тўла ва бой нақшлар билан безатилган очик рангли дўппилар, Қарши, Бойсун, Челак ва бошқа туманларда тарқалган каштали ўзига хос нақшли кавим қилиб тўқилган пилтадўзи алоҳида ажралиб туради. Хоразм дўппи (тاخъя) лари ҳам ўзиниг кашта услуби, шакли ва нақшлари билан алоҳида ўринни эгаллайди.

Ўзбекистонда хозирча Тошкент, Чуст, Самарқанд, Бойсун, Шахрисабз дўппилари машҳур бўлиб, улар ўзига хос нақшлар билан безатилган. Дўппиларнинг миллий турлари асосан ироки, чуст дўппи, гилам дўппи, чакма бур, қизил гул, пилтадўзи, зардўппи деб номланган. Дўппи тикишда кейинги йилларда янги мазмундаги нақшлар пайдо бўлади. Масалан, зўр каштакор усталар «канал», «самолёт», «парашут», «каптар» каби нақшлар, исм ва рақамлар битилган дўппиларни тикиб сотувга чиқарган.

Хар бир бадиий - амалий санъат касби зардўзлик сингари катта обрў ва хурматга эга бўлмаган. Бундай серхашам санъат намуналари узоқ ўтмишда

жуда кўп тилга олиниб қўйланган. Археологик ва тарихий маълумотга қараганда, Марказий Осиёда зарбоф кийимлар ва безакли бадиий буюмлар эрамизнинг биринчи асрларидан маълум. Масалан, Тошкент вилоятининг Вревский қишлоғида казиб топилган аёл кишининг зарбоф кийими I-II асрларга оид. Ўрта аср ёзма манбаларидан Адураззоқ Самарқандийнинг «Хиндистон сафарнома»сида 1442 йили Шоҳруҳ замонида Хиндистон билан Хирот орасида турган элчиларнинг совғалари ичида зарбоф кийимларининг бўлганлиги тўғрисида хабар бор. Ўша даврга оид «Ишратхона» мақбараси хақидаги хужжатларда зарбоф кийимлар хақида баён этилади. Хиротлик шоир Васийнинг рисолаларида ҳам зарбоф кийимлар ва зардўзлик касби тўғрисида маълумотлар келтирилган. XVII асрда яшаб ижод этган атоқли Самарқандлик шоир Фитрат асосан зардўзлик билан шуғулланган, у кийим ва матоларга зардан ажойиб кашталар тиккан.

Асримизнинг бошларига келиб зардўзликнинг ўзига хос мактаблари Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва бошқа жойларда яратилган. Чиройли қилиб безатилган қимматбахо матодан тикилган зардўзи сарполар махаллий аҳолининг турли табакалари ўртасида кенг тарқалган. Бу кийим - кечаклар асосан зодогонлар, амир саройидагилар ва бой табакалар учун юзлаб қўли гул моҳир усталар томонидан юқоридан буюртириб тикилган. Отабоболаримиздан мерос бўлган бу касб эгалари зардан безатилган камзул, чакмон, чалвир, белбоғ, салла, дўппи, қулоқ жул ва пойафзал тикканлар. Тадқиқотларнинг таърифича, хеч ким, хатто энг катта амалдарлардан бирортаси ҳам мазкур сарполарни ўзига буюртириб кийишга хақи бўлмаган, улар амир томонидан совға сифатида инъом қилинган. Зарбоф кийимларни хон ёки унинг яқинлари томонидан биронта оиласвий таънтана ёки байрам муносабати билан тайёрлаш буюрилган ва кейин совға инъом қилинган. Бухорода тўнтаришгача ҳукмдорлик қилган мангитларнинг охирги сулоласига оид зарбоф кийимлар музейларда сақланмоқда. Зардўзларнинг ғойибона хомийси Ҳазрати Юсуф пир хисобланиб, у тўғридаги афсона ва ривоятлар маҳсус рисолада ҳикоя қилинади. Бизнинг замонамизгача фақат

Бухорода сақланиб келган бир ноёб амалий безак санъати намунаси хонлик даврида подшо саройларида махсус дўконларда ишлатилган. Vina даврда Бухорода 350 га яқин зардўз усталар бўлган. Хозир зардўзликни бадиий санъат корхоналарида моҳир усталар давом эттироқда. Зардўзлик икки хилда бўлади: умум фони ёппасига яхлит кашталанган заминдўзи ва махсус қалин қофоз мато устига қўйиб гул (нақш) берилган, расм устига ялпи зари тўкиш гулдўзи. Зардўзлик маҳсулотлари асосан анъанавий ўсимлик орнамента билан безатилган, аммо замонавий руҳда юлдуз, пахта гули каби нақшлар ҳам учрайди. Шу билан бирга моҳир усталар тематик катта паннолар ҳам яратган.

Ўзига хос каштачилик санъати ташкил қилган ипак ҳамда зар тасма ва жияклар илгари кўплаб ишлаб чиқарилган. Улар нақшлари тўқилиш ёки тикиш жараёнида битилган, баъзилари яхлит матога туширилган.

Ўзбек ҳунармандчилигида кейинги йилларда айниқса қайта тикланиб ривожлана бошлаган бадиий амалий санъат соҳаларидан гиламдўзлик узоқ тарихий анъаналарга эга. Гилам ва шолча тўқиши, археологик маълумотларга қараганда, эрамиздан аввалги I минг йиллик давлардан бизгача етиб келган касб бўлиб, унинг маркази Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхандарё ва Хоразмда жойлашган. Серҳашам гуллар билан безатилган ўзбек гилам ва шолчалари саккиз-тўққиз бўёқли рангда бўлиб, шулардан энг кўп ишлатиладиган тўқ ва очиқ қизил рангdir. Илгари маҳаллий гиламдўзлар гилам ва шолчадан ташқари нақшли безатилган ҳуржун, осма халта ва бошқа буюртма маҳсулотлар хат тўқиганлар.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ўзбекистонда асосан уч хил гиламдўзлик мактаблари ажралиб туради: Самарқанд, Андижон, Хоразм. Андижон гиламлари ўзининг чидамлилиги, пишиқлиги, аниқ қизил-кўк ранглари ва гуллари билан фарқ қиласи. Фарғонада тўқ кўк гамада ва геометрик нақшли, қисқа патли, марказида турунж, четига алоҳида-алоҳида нақшлар ишлатилган. Бу мактабга кирадиган Бухоро гиламлари ўзининг рангбаранглиги, узун патлилиги, катталиги ва чиройли нақшлари билан

ажралиб туради. Дастроҳда тўқилган бундай гиламлар ўзининг чидамлилиги, нафислиги, табиийлиги ва сифатлилиги билан кўзга ташланади. Унда ҳошиядор эстетик жиҳатдан чиройли, қалқон деб номланган турунж нақши қўпроқ ишлатилади. Хива, Ургут, Қарши ва бошқа жойларда тайёрланадиган тўқима гиламлар ўзининг геометрик ўсимликсизон нақши, бежиримлиги, табийлиги ва зўр сифати билан машҳур. Гиламнинг тўқима, тикма ва босма хиллари бўлади. Ўзбек гиламлари асосан тўқима хилда ишланган. Улар ёпиқ ҳолда ўрнатилган пастак сода дастроҳда тикувчи аёллар томонидан туя тивити, қўй жуни, пахта толаси ва ипакдан тайёрланган. Ўтган аср охирларигача гилам тўқишида ўсимликлардан тайёрланадиган бўёқлардан, хозир эса кимёвий усулда тайёрланган аналин бўёқлардан фойдаланилмоқда.

Ўзбекистоннинг чорвачилик ривожланган районларида қадим замондан кигиз босиш амалий санъати кенг тарқалган. Маҳаллий аҳоли кигизни илгари ерга буйра (чипта) устига солишган, ўтовларни ўрашган, калпоқ пайма, айрим холларда бадиий буюм сифатида ишлатилган. Гулдор, чиройли кагизлар оқ қизил, қора рангдаги нақшлар билан безатилган, баъзан гулсиз босилган. Сурхардарё ва Қашқадарё вилоятларида қора қўй ва чайдим кигизлар, Хоразмда тақянаман хиллари маълум. Кигиз қўйнинг кузги жунидан ёки эчки жунидан тайёрланган. Жун титиб тозаланган, ювиб куритилган, сўнг махсус савагичлар билан титилиб, ранги ва сифатига қараб юзлик ва оралиққа сараланади. Танлаб ажратилган жун юзига махсус ранг билан тўқилган майин жунлардан шоҳ юлдуз, ромб, булут ва оддий геометрик шаклдаги нақшлар билан кигиз босилади. Кигизни махсус чий шолча ёки қалинроқ матога ўраб аркон билан махкам боғлаб устидан тез-тез қайноқ сув сепиб кўп марта думалатилади. Уни уч-тўрт киши ўтириб кўлда думалатиб, уқалаб, балаклаб тайёрлайди. Хозир кигизлар махсус машиналарда ишлаб чиқарилмоқда. Кигизчилиқда ишлатиладиган мураккаб нақшлардан гажара услуби, Самарқанд бешкамта услуби кенг тарқалган. Хозир ҳам безакли, бир неча рангга бўялган жунлардан ажойиб

кигизлар босиб чиқарилмокда.

Бадий амалий санъатнинг ноёб турларидан бири ҳисобланган **сават тўқиши** ҳам ўзбекнинг азалий хунар-касби бўлган. Сават ва буйрани отабоболаримиз қадимдан томорқа ва ховли атрофларидағи ариқ ва қўлларда ўсадиган қамишлар, шоҳ-шабба ва хар хил навдалардан тўқиганлар. Улар ўзининг шакли ва ишлатилишига қараб хар хил номда бўлган. *Масалан, қадимдан кажава сават, гуодор сават, нон сават, Элама сават, дастурхон сават, узум сават, тўр сават, босма сават кабилар тўқилиб, маҳсус дўйонларда сотилган. Хар хил шакл ва хажмдаги саватлар турли мақсадларда фойдаланилган. Курилишида йирик новдалардан тўқилган маҳсус саватлар тупроқ қум, ганч, гишт, тош ташишида, нозик навдалардан тўқилганлари эса мева—чева, нон ва бошқа нарсалар солишида ишлатилган. Сават тўқишида дуб, терак, тол, турангил, юлгун новдалари ёки қамиши, бугдойпоя каби материаллардан фойдаланилган. Айниқса, қоратол навдаларидан тўқилган саватлар анча чидамили ҳисобланган.*

Буйрачилик санъати маҳсулотларидан ҳам уй-рўзғор ишларида кенг фойдаланилган. Буйра гилам, намат, палослар тагидан солинган, тўй ва маросимларда, меваларни қуритишда ва сақлашда ишлатилган. Ундан, шунингдек қоп ўрнида, деразаларни қоронғилатишида парда ўрнида, дафн маросимида, иморат томини ёпишда (лўмбоз босишида)ва бошқа ҳолларда фойдалангандар. Кўп шаҳарларда ва катта қишлоқларда буйрачи маҳаллалари бўлган. Масалан, Бухородаги Олимхўжа маҳалласида 120 та оиласдан 70 таси буйра тўқиши билан шуғулланган. Буйралар турли номлар билан юритилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўзбек халқи узоқ тарихий тараққиётда хар томонлама ривожланиб келаётган кўп қиррали ва бой анъаналарга эга амалий безак санъати ниҳоятда ранг-баранг маданий меросимизнинг энг ажойиб, бемисил ва бетакрор намуналарини яратиб келган. Бадий тафаккур ва шу билан бирга шакилланиб келган бадий ижод ўзбек миллий хайтининг муҳим соҳаси ҳисобланган халқ амалий санъатида

айниқса номоён бўлади. Миллий эстетик таъб ва диднинг ўзига хослиги нафақат мазкур соҳада, балки мусиқада, рақсларда, миллий кийим ва безакларда, меъморчилик қурилишларида, рассомчиликда ва бошқа маънавий маданият соҳаларида ўз ифодасини топган.

Ўзбек миллий безак санъатининг гуркираб ривожланиши ва доимо такомиллашиши жаҳонга машҳур меъморчилик обидаларимиздаги ганчкорлик, кошинкорлик, наққошлиқ, хаттотлик, тоштарошлиқ, каштачилик ва бошқа турларининг афсонавий даражада уйғунлашган мужассамлигига ўз ифодасини топган. Халқимизнинг табиий истеъоди ва катта меҳнати туфайли пайдо бўлган ажойиб меъморчилик ва халқ амалий санъати ёдгорликлари бўлмиш аждодларимиз яратган баркамол, бебаҳо ва ноёб санъат асарларининг намуналари ўзбек халқининг жаҳон маданиятига қўшган зўр хиссаси деса бўлади. Айни замонда мазкур анъанавий санъат янги турлар ва соҳалар билан бойимоқда. Айниқса, амалий санъат безаги билан бир қаторда янги мазмун ва шаклларда ўз ифодасини топган тасвирий санъатининг гуркираб ўсиши диққатга сазовордир. Республикализнинг мустақилликка эришиб истиқлол йўлига ўтиши нафақат халқ амалий санъати, балки барча санъат соҳалари, шу жумладан тасвирий санъатда ҳам тараққиётимизнинг янги даражасига кўтарилиб янада юксак самараларга эришиш имкониятини яратиб бермоқда. Келажаги буюк давлатнинг маънавий маданияти ҳам буюк бўлади.

ХХ АСР ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЙ-БЕЗАК САНЬЯТИДА ФОЛЬКЛОР МАВЗУЛАРИ ТАЛҚИНИ

Фольклор мавзулари ХХ аср Ўзбекистан амалий-безак санъатида бой ва хилма-хил. Улар халқ оғзаки ижоди ва мусиқий меросининг қадимий анъаналарини ёритгани боис, халқ хунармандчилигининг ҳамма соҳаларида учрайди:

1. Анъанавий ўсимлик тасвирлари - «гулдаста», «гунчагул», «лолагул», «бодомгул», «калампир», «исирик», «аноргул» ва б.
2. Геометрик нақшлар - «айлана», «қўпбурчак», «тўрт бурчак», «учбурчак», «эгри-букри» ва б.
3. Хайвонот олами ва уларнинг баъзи турлари билан боғлиқ нақшлар - «балиқ», «зулук», «олтин қўнғиз», «хумоқуши», «қўчқоршохи», «эчки изи», «илон изи», «чашми булбул», (булбул қўзи), «думи бургут», «думи балиқ», «қаноти бойқуш», «тоғ эчкиси шохи» ва б.
4. Майший буюмлар билан боғлиқ нақшлар - «пичоқ», «туморча», «пичоқ қини», «човгун», «офтоба», «калит» ва б.
5. Фазовий нақшлар - «булут занжира», «нақши офтоби», «ой барг», «юлдуз» ва б.
6. «Куръон», «Хадиси-шариф»дан араб имлосида ва баҳт, омад тиловчи кирилл имлосидаги матнлар.

Ўзбекистоннинг замонавий худудида, тарихий давр мобайнида бир неча маданий қатламлар вужудга келди. Қадимги даврлардан давом этиб келаётган тасвирлар турли динларнинг (зорастризм, буддизм, христианлик ислом) таъсирида маъносини бойитиб, маъно жиҳатидан сайқалланиб борди, нақшлар заминида ҳам асрлар давомида шаклланган фольклор унсурлари намоён бўлиб борди. Ислом тарқалгач, уларга диний-фалсафий маънодаги араб имлосидаги ёзувлар ҳамроҳлик қила бошлади.

Ўзбекистон амалий-безак санъатидаги фольклор мавзулари, ХХ аср давомида кўпроқ халқ хунармандчилигининг маҳаллий мактабларида тўлақонли аксини топди.

Амалий-безак санъати заминини халқ хунармандлиги ташкил қилгани боис, унда маҳаллий халқнинг урф-одат, маросим, байрам, диний ва дунёвий дунёқарашлари билан боғланган тасвиirlар, доимо рамзий оҳангда, етакчи мавзу сифатида талқин этиб келинган. Маҳаллий халқнинг йил фасллари, урф-одатлари билан боғлиқ маросимларида айтиладиган айтишув, эртак - лапаридаги асосий қаҳрамон - инсон, табиат ва коинот бўлиб қолаверди. Уларда дастлаб, дунёнинг пайдо бўлиши, табиат ҳодисаларини илоҳийлашириш тараннум этилса, даврлар оша улар орасидаги боғлиқлик аввал диний, кейин фалсафий тарзда намоён бўла борди. XX аср давомида Ўзбекистон хунармандчилиги ва амалий-безак санъатидаги фольклор мавзуларини қиёсан ўрганишдан, шундай хulosага келиндики, уларнинг замини диний-фалсафа билан узвий боғлиқ экан. Унда, ердаги ўсимлик, ҳайвонот олами, диний аҳамият касб этган рамзий тасвиirlар ва коинот рамзи, инсон -табиатнинг зарраси экани ва рух агадийлигини ифода этади.

КИЙИМ – КЕЧАК САРПО, БЕЗАКЛАР ВА ПАРДОЗЛАР

Марказий Осиё халқларининг кийим-кечаклари кўп асрлик тарихга эга. Хар бир элат ва этник гурухларнинг ўзига хос хусусияти бош-оёқ, кийимлари бўлса-да, минтақада яшовчи этнослар умумий характеридаги сарпо мавжудлиги, уларнинг тарихий тақдири, маданияти узоқ давр ўзаро яқин бўлганлигидан далолат беради. Археологик қазишмалардан топилгаи қадимий деворий расмлар, ҳар хил буюмларга туширилган тасвиirlар, ўрта асрлардаги китоб миниатюралари аждодларимизнинг ўтмишдаги кийим-кечаклари тўғрисида бой маълумотлар беради. Ўрта асрларга оид миниатюралар ўзбек кийимларининг типи шаклланганлиги ва улар кейинги давргача сақланганлигини исбот қиласи. Эски халқ кийим-кечакларидаги ўзгаришлар асосан XX аср бошларида сезиларли равища намоён бўлади ва ундаги трансформация асосан шаҳарларда очиқ ойдин кўзга ташланади.

Иштонни ҳам эски кўйлакдек бир парча газламани иккига бўлиб, олди ва орқасидан тикиб огини ёпиштирган. Эркакларнинг иштони аёлларнидан унча фарқ қилмаган. Фақат аёллар иштони бичими бир бўлса-да материали ҳар хил, яъни йўл-йўл газлама ёки ипак матодан бўлиб, эркакларнига нисбатан узунроқ, пасти жияк (тасма) бнлан безатилган. Аёллар иштони (лозим) илгари икки қисмдан: юқори қисми оддий матодан, пастки қисми қимматбаҳо материалдан (баъзан кўйлакка мослаштириб) тикилган, почасига жияк тикилган.

Умуман олганда, эркакларнинг кўйлак-иштони одатда бир рангла (асосан оқ), аёлларники рангбаранг материалдан тикилган. XIX асрнинг охирларигача кийим-кечаклар маҳаллий косиблар туқиган мато — (бўз, каломи, алача)дан тикилган, кейин рус фабриканлари маҳсулотларидан тикила бошланган (аёлларга гулли читдан, эркакларга оддий оқ читдан). Ҳозирги даврда миллий ва оврўпача кийимларнинг турлари ниҳоятда кўп. Айниқса кейинги пайтларда ўзбек аёллари ялтироқ кумуш тилла ипли газламалардан замонавий модага мослаштириб кийим тикириб киймоқда. Ички кийимлар бутунлай янгича трикотаж ва сунъий матолардан тикилган фабрика маҳсулотидан иборат. Аммо ҳозиргача аёлларнинг энг севимли ва кенг тарқалган кийими, рангбаранг, чиройли хон атлас ва бошқа юпқа ипак матодан тикилади.

Ўзбек халқининг миллий рамзи сифатида сақланиб келаётган устки кийим – чопон (тўн) шу кунгача катта хурматда. Чопон очик, ёқали яхтак шаклида астарли ва пахтали қилиб тикилган. Чопон узун енгли, юқори қисми кенг, пастки томони торайиб кетган, айримларининг этаги, унг ва сўл томонида қийиқ жойи бўлган, ерда ўтиришга қулай. Одатда чопоннинг белбоғи бўлади, унга эркаклар пичоқ (қини билан) осиб юрганлар. Чопон асосан пахтали, қавилган, айрим жойлари жуда майда қавилади (Хоразмда), натижада қаттиқ бўлади. Ёзги чопонлар қавилмаган (авра-астар чопон) ёки умуман астарсиз (авра чопон) ҳам бўлган. Наманганда дала ишларида оқ матодан юпқа қавилган калта чопон кийилади, у

иссиқдан сақлайди. Сурхондарё ва Зарафшон бўйларида ўрнашган яrim кўчманчи ўзбекларда ҳам тиззагача келадиган астарсиз калта (авра) чопон кўп учрайди.

Ўзбек чопонлари ранги, узунлиги, кенглиги ва кийиш услубига қараб ҳар жойда хар хил бўлган. Масалан, Бухорода, Қашқадарё, Сурхондарё ва Зарафшон водийларида узун ва кенг, узун енгли, пахта ёки яrim ипак рангли матодан тикилган чопон, Фарғона ва Тошкентда яшил ёки кўк-яшил чопон кийиш одат бўлган. Асримиз бошларидан қора сатиндан тикилган чопон кенг тарқалган. Ёшлар орасида байрам либоси сифатида очиқ рангли катта йўл-йўл бекасам тун мода ҳисобланган. Қишлоқ жойларда бундай чопон куёв сарпосига кирган. Бир оз тор ва калта камбар йўлли нақш берилган ялтироқ алачадан тикилган Хоразм чопони қадимдан кенг тарқалган. Чопонни яктак устидан кийиб белбоғ осиш асосан Фарғона водийсида одат бўлган, бошқа жойларда белбоғсиз яктакчасигина кийилган.

Аёлларнинг ўзига хос чопон шаклида бичиб тикилган уст кийими мурсак илгари жуда ҳам кенг тарқалган. Улар Бухоро, Хоразм ва Қашқадарёда енгги тирсаккача калта ва кенглиги билан, Самарқанд ва Тошкентда узун, энсиз, билаккача бўлган енгги билан фарқланган, холос. Мурсак астарли қавима қилиб тикилган, қишки мурсакка пахта солинган. XX бошларигача у оддий кучалик либоси сифатида кийилган бўлса, кейинчалик мурсак мотам либоси сифатида белбоғ билан кийилган. Айрим аёллар уни тўйга ёки меҳмонга борганда ҳам кийганлар. Ҳозиргача Тошкентда мурсакни дафн маросимида тобут устига ёпиб қўядилар.

XX аср 30- йилларигача ўзбекларда, айниқса шаҳар аҳолиси орасида аёллар паранжи ёпинганлар. Паранжи сохта енгли, тунсимон, узун ёпингичдан иборат бўлиб, отнинг дум қилидан тўқилган тур парда чачвон бетга тутилиб, устига паранжи ёпилган. Чачвон юзни бекитиб, белгача ётган. Уни одатда уйдан кўчага чиққанда ёпинганлар. Қишлоқ жойларда паранжини кам ишлатганлар, байрамларда ва узок, сафарга чиққанда ёпинганлар. Баъзан қишлоқларда аёллар уйдан чиққанда бола чопони ёки

оқ бекингич билан юзини бекитганлар. Шахрисабзда ва Самарқанд вилоятида ярим кўчманчи ўзбек қабилалари йўл-йўл матодан тикилган чопон (желак) ёпинганлар. Узун ва тор сохта енгли ёпингич жаъдани Хоразм аёллари кийган. Бундай ёпингич Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларида ҳам учрайди.

XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистон ўлкасида оврупача камзул (камзур) пайдо бўлиб, уни эркаклар ҳам, аёллар ҳам кийишган. Эркакларнинг камзули тик ёқали, узунлиги тиззагача етадиган, асосан қора матодан тикилган, аелларнинг камзули рангбаранг духобадан ёки бекасамдан тор белли қилиб тикилган. Ўша даврда бутун Ўзбекистонда енгсиз жилетка ҳам тарқала бошлаган, уни кўйлак устидан ёки камзул устидан кийганлар. Инглиз кастюми типидаги жакет ҳам, оврупача кастюм, пальто ва макентош ҳам дўконларда пайдо бўлган ёки тикувчи уста (чевар)лар буюртмага тикиб берганлар, зиёлилар орасида замонавий мода кийимлар тез тарқала бошлаган.

Қадим даврлардан бош кийимиға қараб ўзбекларнинг этник ва локал гурухлари фарқ, қилинган. Эркаклар бошига асосан турли хилдаги дўппи (тўппи, taxё) кийган, аёллар эса кўпинча рангбаранг рўмол ёпинган. Дўппининг даставвал тагни ва гардиши (қизаги)ни айрим ҳолда тикиб кашталаганлар ва майда қавалаб қўшиб тикканлар. Одатда, дўппи нозик гулли, қадаб тикилади, айрим аёлларнинг дўпписига майда мунчоқ, маржонлар, хоразмликларда жияк ва попук тақилади. Илгари конус шаклидаги дўппилар Тошкент, Самарқанд, Шахрисабзда тарқалган, энди эса Шахрисабзда сақланган. Бир оз япалоқ ясси шаклда ичига ўраб қофоз билан майда қавиқ қилинган дўппилар асосан Фарғона водийсида маълум. Айниқса «бодом» ёки «қалампир» нақшли оқ ип билан таги қора матога кашталанган чуст дўппи нафақат водийда, балки ундан ташқарида ҳам машҳур. Таги кашта қилиниб, рангбаранг тупбарггул шаклидаги хўжанд-ўратепа дўппилари бутун Ўзбекистонга тарқалган.

Эркаклар киядиган учли қалпоқ – кулоҳ тўрт бўлак учбурчак матодан

гардишсиз тикилган. Конус шаклидаги баланд кулохни илгари қаландарлар кийган, тухум шаклидаги чаккаси бир оз юмалоқ, кулоқни Бухорда қари кишилар қишида кийганлар. Бундай бош кийим ўрта аср миниатюраларида кўп учрайди. Аслида кулоҳни рухонийлар ва диндор кишилар кўпроқ кийганлар. Кулоҳга ўхшаш теридан тикилган қишики тел пак Самарқанд ва Бухорда учрайди. Фарғона водийсида ва Тошкент вилоятида телпак духоба ёки мовутдан тикилган, тепаси тулки ёки савсар муйнаси, баъзан қўй терисидан тикилган. Телпак бичимида кигиздан тикилган қалпоқни асосан даштда яшовчи аҳоли кийган. Қалпоқнинг икки четида кесики (қишиқ жойи) ва соябон учун кенг ҳошияси бўлган. Одатда қалпоқ оқ кигиздан, ҳошиясининг чеккаси эса қора читдан тикилган.

Хоразм ўзбекларининг аёллари ипакдан тикилган доирасимон шаклдаги гулли тахё (дўппи)га ипдан ёки қуш патидан попук ўрнатилганлар, тангалар осганлар. Тахё устидан одатда рўмол ёпинган. Бу ерда рўмол тўрлари кўп бўлган: маҳаллий усталар тўқиган оқ такана ва ипак рўмол (читкор гул босган), жундан тўқилган нақшли сергул рўмол, четдан келтирилган боку рўмол, паранг (француз ёки оврупа) рўмоли ва хоказолар. Эркакларнинг қадимдан киядиган бош кийими чўгирма бир неча турда қўй терисидан тикилган, қора-кўл терисидан тикилган шерози попоқ ва қулоқчин кейинроқ пайдо бўлган.

Бутун Ўзбекистонда салла ўраш айниқса байрамларда илгаридан шартли одат бўлиб келган. Аммо Фарғонанинг айрим туманларида ва Хоразмда байрам бўлса-да, баъзи кишилар салла ўрнига дўппи ёки телпак кийган, холос. Саллани дўппи ёки кулоҳ устидан ўраганлар, ранги ва ўраш услуби билан бир оз фарқ, қилган. Ҳозир салла ўраш кам тарқалган, уни асосан қариялар ва диндор кишилар кўпинча маъракаларда ва диний байрамларда ўраб чиқадилар.

Аёлларнинг қадимий анъанавий бош кийими гардиши баланд юмшоқ култа (қийгич) хозир бутунлай кийилмайди. Култанинг эски турида тепаси очик бўлиб, соч ўрими чиқарилган, ёш қизларнинг кийгичида тепаси ёпиқ бўлган.

Салла ураш ўзбек аёлларишшг қадимий бош кийими ҳисобланган. XIX аср охирларига келиб Самарқанд, Тошкент ва Андижонда бу одат қолиб кетган. Ҳозиргача баъзи ўзбекларда салла ўраган аёлларни қисман учратиш мумкин. Аёл салласи ўзаро бир оз фарқ қилган. Кўпчилик аёллар уни ўзига хос шаклдаги маҳсус бош кийими—лачак устидан ўраганлар. Хоразмликларнинг лачаги узун матодан ўралиб, кўкрак ва орқа томонини бекитиб турган. Тошкентликларда ҳам худди шу бичимда лачак кийилган. Самарқандликлар лачакни узунроқ матодан бир оз бошқача шаклда тикканлар. Жанубий Хоразм ўзбеклари саллани лачак киймасдан ўрама салла шаклида айлантириб, бир учини кукрагига ташлаганлар. Одатда илгари уйдан ташқарига чиқилса, аёллар салла устидан мурсак еки учбурчак рўмол шаклида оқ ёки қизил ип матодан тикилган чарчи ёпиниб чиққанлар.

Эски одатга биноан саллани аёл биринчи фарзанд кўргандан сўнг ўрай бошлаган. Кейинги вақтларда она биринчи набира кўргач, салла ўраш одати пайдо булған. Салла ўраш маҳсус иримлар билан қадимий даврлардан кийилгани тўғрисида тарихий маълумотлар мавжуд. Ўзбек лачагига ўхшаш бош кийим кимишек номи билан қозоқ ва корақалпоқларда ҳам маълум.

Аёлларнинг кўпчилиги кейинчалик анъанавий бош кийимидан воз кечиб, ҳар хил рангдаги ва турли материалдан тўқилган рўмол ёпина бошладилар. Рўмол ураш ёки ёпиниш ҳам турлича, ҳар ким қулайига қараб ёпинган. Фаслга қараб катта рангли кўп гулли ипак жун ёки тўқилган тивит рўмол кенг тарқалган. Ёши катта аёлларнинг оқ дока рўмол ўраш одати ҳозиргача сақланган. Ҳозирги даврда кўпчилик қизлар ва ёш аёллар бош яланг замонавий турмаклашга ўтганлар.

Илгари қизлар ва аёлларнинг соч ўрими жиддий фарқланган. Қизлар ва келинчаклар (бola туққанингача)да қирқ ўрим соч, аёлларда икки ўрим соч кўйиш одат бўлган. Айрим жойларда қирқ ўрим сочли, онда-сонда икки ўримли ва жингалак сочли аёллар учрайди. Ҳозирги аёллар кўпчилигининг соchlari калта қирқилган, модага ўтилган. Эркаклар ҳам ҳозирги замонавий причёскага ўтган, айниқса шаҳар ёшларида бу кучлироқдир.

Анъанавий кийимларга хос тақинчоқ ва безаклар яқын даврларгача одат бўлиб келган. Илгари турли заргарлнк зеб-зийнат буюмларидан кўпчилик аёлларнинг бош ва уст кийимлари безатилган. Кийим-кечакларнинг янгиланиши тақинчоқларнинг йўқолишинга сабаб бўлган. XIX аср охирларигача аёллар учун заргарлар ишлаб чиқарган зеб-зийнат буюмлари жуда ҳам кўп ва ҳар хилда бўлган. Масалан, Фарғона водийсида безакашёлар энг кўп тарқалган. Уларнинг хар бири бир неча шаклда маҳсус номга эга: бўйин ва кўкрак-ка тақиладиганлардан пайконча, арпа жевак зебгардон, нозигардон, тангажевак тумор, бозванд, тилла туморча, бўйинтумор, кўкрактумор, сочнинг икки томонига тақиб, икки елкага тушириб оладиган зарқокил, орқага тақиладиган танга чулпи, пешонага тақилалиган тилла баргак тиллақош, жига ва ҳар хил сочпопук (пар сочпопук найча сочпопук, панжара сочпопук, бекокил ёки бешкокил, қуббали сочпопук ва ҳ.к.), қўлтиққа тақиладиган қўлтиқ тумор ва булинга осиладиган аравак ва латива. Исирга турлари ҳам кўп бўлган: кана зира, Туркистон балдоқ, Қашқар балдоқ, учкокилли ёки учёқли зира, зулукзира, ой балдоқ, Фарғоначабалдоқ Тошкентбалдоқ, шалдироқбалдоқ, кўзлик зира, арава балдоқ (юмолоқ шаклда), анжир балдоқ ва хоказо. Узук турларидан: афғонча узук, кўзсиз узук, румча узук, айрибанд узук, шахонак қуйма узук. ўрама узук, мис узук, тилла узук, хожи узук, билагузук турлари: суқма билагузук кўчкор шохли росмана билагузук чорроқ билагузук илонбош билагузук тугмали билагузук бақабош билагузук бодомча билагузук ва хоказо. Зеб-зийнатларни заргарлар уйма усулда ясаган турли рангдаги тошлар: маржон, шиша, садаф қабилар билан безайдилар. Сурхондарё қишлоқларида кўкракка тақи-ладиган рангли майда мунчоқлардан тизилган безаклар кенг тарқалган. Кўп жойларда ипга тизилган маржон шодаси, Тошкентда майда дурдан ясалган мунчоқ, маржон ва шишадан ишланган исирға, узук ва билагузук осиш одат бўлган. Кўйлак ёқасига ҳар хил нозик тўғнағичлар осганлар. Ёш болаларга ҳам кўз тегмасин деб, қора мунчоқ осилган. Бухорода олтин исир-ра шибирмак япроқсимон шаклда катта ёкут кўзли

марварид ёки дур билан безалган. Барча безаклар бой табақаларда тилла, кумуш ва қимматбаҳо тошлардан, камбағал табақаларда эса мис, жез ёки тилла суви берилган металлардан ясалган. Айниқса тиллақош, осмодўзи, тиллабаргак ва бошқа зеб-зийнатлар жуда қимматбаҳо бўлган.

Аёллар орасида қадимдан ўзига пардоз бериш, атири сепиш, қош-кўзни безаш одат бўлган. Археологик қазишималардан топилган ва миниатюралардан олинган расмларда аёлларнинг ўзига пардоз-апдоз берганлиги аниқ кўринади. Хусни очиш, яна ҳам гўзаллик ҳосил қилиш мақсадида ўзбек аёллари орасида ўсма, хина, упа-элик суриш, ўзига зеб бериш, гул суви билан ойнага қараб пардозлаш одати кенг тарқалган. Халқ орасида тарқалган иборалардан бирида: «Онангни отанга бепардоз кўрсатма», деб бежиз айтилмаган. Ҳозирги ўзбек аёллари замонавий нозик ва хушбуй упа-элик атири ва кремларнинг турли хилларидан зўр маҳорат билан фойдаланадилар.

Болалар кийими катталарницидан унча фарқ қилмаган. Аммо бола туғилиши билан унга кўйлак кийгизиш одатига биноан юмшоқ матодан кипта, кўйлакча, кўртача тайёрланган. Бундай кўйлакни етти уйдан тўпланган матодан тикиб, чилласи чиққунча кийгизиш шарт бўлган. Шунинг учун унга чилла кўйлак деб ном берилган. Болага кўз тегмасин, мард бўлсин деган ирим билан қўйлакни итга ёки қайроқ тошга суркаганлар (нтык, қайроқ кўйлак шундан келиб чиқсан). Бир ёшга етган болага турли бичим услубида тикилган кўйлак, иссиқ кийимдан қишида гуппича (тонча, жамоча) тикиб кийгизганлар. Болага то уч-турт ёшга етгунча этакча ҳам тикилган (олди ёки пешгир, ошхурак). Бош кийими икки-уч бўлак матодан конус шаклида тикилган. Қипчоқ, турк, сарт ёки қурама болаларнинг дўпписи шаклан фарқланган, аммо хаммасида тумор тақилган. Қиши пайтларида қалпоқ кийгизилган ёки чор-су, қийик уралган. Кўп жойларда беш-олти ёшдан кейин ўғил-қиз кийимлари фарқлана бошлайди. Ўғил болалар учбурчак (Тошкент воҳаси) ёки яктак (Фарғона водийси), ёқали кўйлак кийганлар. Диний мактаб талабалари руҳонийлардек муллача ёки

мусулмон кўйлак кийганлар. XX аср бошларида ёшлар орасида тик ёқали нугай ёқа, буғма ёқа кўйлак кийиш одати пайдо бўлган.

Оёқ кийимлардан эркак ва аёллар киядиган анъанавий маҳси-калиш ҳозиргача сақланган. Илгари камбағаллар чармдан тикилган муки, оқ этик кийган, бой табақаларда юмшоқ теридан тикилган оврўпача этник ва маҳси кийилган.

ТАҚИНЧОҚЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИ ВА ТУРЛАРИ

Ер юзида заргарлик санъатининг вужудга келиши ва ривожланиши бир неча минг йиллик тарихга эга. Сўнгти йилларда Ўзбекистон худудида олиб борилган археологик қазишмалар натижасида топилган бронза даврига оид археологик ёдгорликлари орасида қадимги аждодларимизнинг тақинчоқларига оид қатор ашёвий далиллар ҳам бор. Жумладан, Ўзбекистоннинг жанубидаги Бақтрия, Сополлитепа, Жарқўргон манзилгоҳларидағи сағаналардан топилган тақинчоқлар наъмуналари рангбаранг бўлиб, уларнинг асосий қисмини бош, пешона, қулоқ тақинчоқлари, тўғноғичлар, тугмалар, билакузуклар ташкил этади. Мазкур ашёлар ушбу ҳудудда яшаган аҳоли қадимдан бой моддий маданият соҳиби бўлганлигидан далолат беради.

Тарихдан маълумки, даврлар ўтиши билан муайян бир ҳудуд миқиёсида тақинчоқларнинг баъзи турлари кенг ёйилса, айримлари ўз ўрнини йўқотган, онги кўринишдаги тақинчоқлар пайдо бўлиб, олдингилари кундалик турмушдан чиқкан. Натижада тақинчоқлар ва уларнинг турлари ҳамиша ўзгариб турган. Шу сабабли тақинчоқларни этнографик жиҳатдан ўрганишда тадқиқотчилар тақинчоқлардаги шаклий ўзгаришлар, уларнинг турларидағи алмашинувлар сабаблига асосий эътибор қаратадилар. Олиб борилган этнографик тадқиқотлар ва илмий хуносалар асосида шуни айтиш мумкинки, Республикализнинг бошқа ҳудудларида бўлгани сингари Сурхон воҳасида ҳам ижтимоий, иқтисодий, майший, ҳудудий омиллар билан боғлиқ, уч асосий йирик жараён ёки холат анъанавий тақинчоқларда даврий ўзгаришлар руй беришига сабаб бўлган.

1. Бадиий анъаналар - маълум бир тақинчоқ, турларининг тарқалиш ҳудуди (ареал)да уста заргарларнинг ўзига хос маҳорати, заргарликнинг маҳаллий ва этник хусусиятлардан келиб чиқкан ҳолда тақинчоқларда маълум бир шакл ҳамда кўринишларга эътибор қаратилган.

2. Ҳудудий ўзига хосликлар. Бунда аҳоли яшайдиган муайян

худудлар йирик шаҳарлар атрофида ёки улардан олисда жойлашган лиги тақинчоқларнинг бевосита ва билвосита ўзгаришига таъсир қилган.

3. Маданий-иқтисодий алоқалар тарихий-маданий худудлар ўртасидаги ўзаро савдо-сотик муносабатлари ҳам таъкинчоқларнинг янги турлари пайдо бўлишида муҳим аҳамиятга эга бўлган,

XIX аср охири-XX аср бошларида Республикализнинг Бухоро, Хива, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Тошкент, Шахрисабз, Китоб, Бойсун, Денов, Шеробод, Ургут каби шаҳар ва қишлоқларида уста заргарлар фаолият юритишган. Бу даврда бутун ўлкамиз буйлаб Бухоро, Қўқон, Хива заргарларининг маҳсулотлари оммавий урф бўлган. Заргарларнинг ўзига хос маҳорати улар яратган заргарлик буюмларининг сифати, тақинчоқнинг маъданлари ва ясалиш усусларида ўз аксини топган. Ўрганилаёттан даврда воҳанинг уста заргарлари асосан ўз уйларида ишлишганлар, лекин айрим ҳолларда улар буюртмачилар талабига кўра уларнинг уйида ҳам ишилганлар, Ҳар бир уста заргарнинг ўз касбий сири бўлган ва улар тақинчоқ, тайёр бўлгунига қадар маҳсулотни ҳеч кимга кўрсатмаган. Бу даврда Сурхон воҳасидаги уста заргарлар фаолиятида қўйидаги асосий хусусиятларни кузатиш мумкин:

1. Қишлоқ заргарлари фақат буюртмачилар диди ва талабига мос равишда бозорда сотиш учун тақинчоклар тайёрлашган.

2. Уста заргарлар кўп хрлларда якка ҳолда фаолият юритиб ўз касб-хунарларини, заргарлик сирларини фақат ўз ўғилларигагина қолдиришган ва улар узоқ, вақт ўзларига шогирд олишмаган.

3. Заргарлар асосан дехқончилик қилиб, ундан буш вақтларида гина заргарлик касби билан шуғулланишган.

4. Маҳаллий заргарлар тақинчоқлар учун зарур маъданга доимо мухтоҷ бўлганликлари боис асосан буюртмачиларнинг ашёларидангина тақинчоқлар ясашган.

5. Заргарларнинг меҳнати учун буюм ёки нарса бериш орқали

олдиндан келишилган ҳолда ҳақ тўланган.

Юқорида қайд этилган хусусиятлар йирик шаҳарлардан олисда жойлашган заргарлар фаолиятининг асосий хусусиятларини ташкил этған ва улар аввало, фақат заргарлик билан шуғулланиш орқали кун кечириб бўлмаганлиги боис, улар дехқончилик билан ҳам машғул бўлганлиги, қолаверса тақинчоқлар учун маъданга муҳтожлик заргарларнинг ясаган буюмларини бозорда ўzlари сотиши каби сабаблар туфайли қишлоқларда заргарлик яхши ривожланмаган. Қолаверса, уста заргарлар ўzlарига шогирд олмасдан ишлашларининг сабаби шундаки, улар ясаган тақинчоқлар узок, вақтгача сотилавермаганлиги боис шогирдга иш ҳаки тулаш муаммоси туғилган. Шунинг учун заргарлар ўzlарига четдан шогирд ололмаганлар. Шунингдек заргарлик касби муқаддас ҳисобланиб, уста ўз ўғилларига ишонч билан ўз касбини ўргатган, яъни заргарликни ота мерос касб деб билишган, Агар шогирд олиш зарурати туғилса, насл-насаби тоза, тақводор кишиларнинг фарзандлари шогирдликка олинган. Бозорларда заргарлик буюмлари сотилмай қолса, иқтисодий зарап жабрини ҳам ота-ўғил ва оиланинг ўзигина кўрган.

Воҳада заргарлик санъатининг ўзига хос сир-асрорлари бўлган. Маълум бир тақинчоқ тўрини ясашда ҳар бир заргар ўзига хос безаклар, шакллар, кўринишлардан фойдаланган. Усталар ишида ана шу ўзига хослик бўлмаса, бошқа усталар ясаган тақинчоқлар билан ўхшашлик рўй бериб, бозорда ўзаро рақобат пайдо бўлган. Юқорида қайд этилган сабаблар туфайли ҳам қишлоқларда заргарлар жуда ҳам бўлган. Аҳоли эса бозорлардан ёки савдогарлар четдан келтирган заргарлик буюмларини сотиб олишган ёки буюмга алмаштиришган.

Воҳанинг йирик шаҳарлари ва унга яқин ерларда яшаган заргарларда бир нечтадан шогирдлари бўлган. Улар тақинчоқларнинг маълум бир бўлакларини ясашда ўз устозларига ёрдам беришган. Шеробод, Бойсун, Денов каби шаҳарларда яшовчи шаҳарлик заргарлар қишлоқ хўжалиги, яъни дехқончилик билан шуғулланмасдан, фақат заргарлик касбини қилганлар ва улар ўз меҳнатларига пул ҳисобида ҳақ олишган. Юқорида кўрсатилган омиллар ушбу

худудларда заргарликнинг кенг ривожланишини таъминлаган.

Шаҳарда ўз устахоналарида ишлаган заргарлар буюртмачиларнинг савияси, диди ва моддий ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда тақинчоқларнинг хилма-хиллигига ҳамда сифатига эътибор қаратишган. Демак, шаҳар ва унинг атрофида жойлашган заргарлик устахоналари майда уста-заргарларнинг уйларида ясалган тақинчоқлар ўзининг сифати кўриниши ва ясалиш услуби жиҳатидан бир-биридан фарқ қилган. Шаҳарда бир-биридан ўз услуби, касб маҳорати билан фарқ қилувчи уста-заргарлар ўзларининг кўп сонли заргарлик устахоналарига ҳам эга бўлишган.

Тақинчоқлар билан савдо-сотик қилиш турли иқтисодий-маданий худудлар ўртасидаги савдо муносабатларининг энг қадимий ва кенг тарқалган туридир. Халқлар орасида оммавий урф бўлган тақинчоқлар ушбу соҳадаги савдо-сотик муносабатларининг асосини ташкил этган.

XIX аср охири-XX аср бошларида Ўрта Осиё худудидан бир нечта йирик карвон йўллари ўттан. Ўрта Осиёда Кўкон шаҳри савдо-сотик муносабатларида олдинги ўринларда турса, Самарқанд ва Бухоро заргарлари минтақани юқори даражада тараққий этган заргарлик буюмлари билан таъминлаган. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари ва жанубий Тожикистон худудларига Кулоб, Муминобод шаҳарлари орқали Афғон савдогарлари арzon тақинчоқлар олиб келишган. Шунингдек улар Денов, Китоб, Шахрисабз худудларида ҳам бўлиб, турли хил тақинчоқлар, матолар савдосини амалга оширишган. Бу даврда яна Кофарниҳон ва Сурхон дарёси соҳилларида жойлашган Хисор ва Қоратоғ қишлоқлари орқали Шимолий Афғонистон шаҳарлари билан савдо - сотик алоқалари йўлга қўйилган. Икки йирик довон йўли: Қора Қизиқ ва Тенгизбой Шарқий Бухоро худудини Фарғона водийсининг савдо марказлари билан боғлашда муҳиш роль ўйнаган.

Савдо-сотик муносабатларининг ривожланиши натижасида қўшни минтақаларда тақинчоқларнинг хилма-хил турлари кириб келиши уларнинг ясалиш техникаси, бадиий жиҳатлари (орнамент), умумий кўриниши, тақинчоқларнинг маҳаллий турлари билан яқинлашиб, ўзаро уйғунлашиб

кетишига олиб келган. Хуллас, заргарларнинг шахсий маҳорати ва иш юритиш усуслари билан боғлиқ, касбий анъаналари; маълум бир худуд аҳолиси учун анъанавий тус олган тақинчоқларнинг умумий кўриниши, турлари, умуман, халқнинг тақинчоқлар билан боғлиқ, бадиий-безак анъаналари; тақинчоқларнинг яратилиши, тарқалиши заргарларнинг иш фаолиятига таъсир кўрсатувчи худудий белгилар яхлит ҳолда маълум бир худудда тақинчоқларнинг шаклланишига муҳим таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланади.

Тақинчоқларнинг давр ўтиши билан ўзгариб туриши ва уларнинг турлари кўпайишида савдо-сотик муносабатлари, муҳим роль ўйнаган. Юқорида кўрсатиб ўтилган уч асосий омил анъанавий тақинчоқларнинг умумий кўринишида ўзгариши юз бериши ва янги кўринишидаги тақинчоқларнинг оммавий урфга айланишига сабаб бўлган. Халқлар ўртасида рўй берган этник ва маданий жараёнлар ҳам тақинчоқлар туркумидаги ўзгаришларига сабаб бўлган. Хуллас, ҳар қандай турдаги ва кўринищдаги тақинчоқлар икки муҳим жараён, яъни биринчидан, маҳаллий бадиий-безак анъаналари (тақинчоқлардаги маълум бир халқ, худудга хос бўлган ўзига хос белгиларнинг сақланиб қолиши); иккинчидан, савдо-сотик муносабатларининг кенг ривожланиши натижасида турли кўринищдаги тақинчоқларнинг савдо-сотик йўли билан кириб келиши ва доимий булмаган ҳолда маълум бир худуд ва халқ орасида кенг тарқалиши билан узвий боғлиқдир.

Хуллас, тақинчоқларнинг яратилиши ва худудий тарқалиши жараёни ҳар бир худудда ўзига хос тарзда рўй берган. Уста заргарлар ўзларининг бадиий-безак анъаналари асосида маълум бир тақинчоқ турини буюртмачининг шахсий диди ва иқтисодий ҳолатига қараб тайёрлаб берган. Воҳада тақинчоқларнинг кириб келиши ва тарқалишида савдо-сотик муносабатлари муҳим роль ўйнаб, натижада тадинчоқдар хилма-хиллиги ортиб борган. Сурхон воҳаси қадимдан Буюк ипак йўлининг жанубий тармоқларида муҳим ўрин тутиб Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон ва Олд Осиё каби йирик тарихий-маданий ўлкалар билан ўзаро савдо алоқаларини доимий амалга ошириб турган.

СУРХОН ВОҲАСИДАГИ ТАҚИНЧОҚЛАРНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ

Воҳада аёлларнинг анъанавий тақинчоқлари жуда хилма-хил бўлиб, улар маъдани, шакли, умумий кўриниши билан бир-биридан тубдан фарқ, қилган. Тақинчоқлар кийимлар билан ўзаро уйғунликда аёлга янада гўзаллик ва улуғворлик бахш этган. Анъанавий тақинчоқлар тақилишига кўра қуидаги турларга бўлинган;

1. Бош тақинчоқлари: пешона, соч, қулок, чаккага тақиладиган тақинчоқлар;
2. Кўкрак бўйин, кафтга тақиладиган тақинчоқлар;
3. Тананинг бел қисмига ўраладиган ёки тақиладиган тақинчоқлар.
4. Кўл тақинчоқлари.

Пешона тақинчоқлари ичида энг кенг тарқалгани тиллақошдир. Бу тақинчоқ асосан турмушга чиққан келинчаклар томонидан тақилган. Тиллақошларнинг уч хил, яъни бухороча, хивача, тошкентча турлари маълум бўлган. Воҳада ўзига тўқ оиласлар қизларининг сеплари учун савдогарлардан тиллақош сотиб олишган ва тўй куни ёки тўйдан сўнг ўтказиладиган «келин салом», «юз очар» маросимларида келинга тақишиган. Тиллақош келинликнинг ўзига хос кўрки ҳисобланган. Самарқанд ва Бухорода хам тиллақош асосан келинларнинг тўй тантаналарида тақиладиган пешона тақинчоғи ҳисобланган. Тиллақошлар XIX аср охири - XX аср бошларидағина чўққисимон, баланд кўринишда ясала бошланган. Қадимда бу тақинчоқ фақат қош кўринишида, яъни қошнинг пастки қисмида соч толаларига ўхшаш осилиб турувчи осилчоқлар туширилган ингичка ва паст кўринишда бўлган. Тиллақошнинг дастлабки, яъни нисбатан қадимий кўриниши Бухорода кенг тарқалиб, фақат қошлар тасвири туширилган пастки қисмига осилчоқлар тушиб турувчи «боло обрў» тақинчоғи билан айнан бир хил кўринишда бўлган.

Воҳада аёлларнинг кенг тарқалган анъанавий тақинчоқларидан бири пешонага айлантириб тақиладиган «синсила» бўлиб, аёлларнинг бош ўровлари «саллабош», «шохбош» ва «пешонабанд»нинг пешона қисмига каштали жияклар устидан тақилган.

Пешона тақинчоқларидан яна бири «баргак»нинг эни 30-35 см узунликда тўғри шаклда бўлиб, унга айлана шаклда нақшлар туширилган. Шунингдек унинг юқори қисмига ҳам алоҳида бўртиб турувчи бежирим нақшлар туширилган. У қизлар турмушга чиққач, баҳмал ёки барку матоларга бириктириб, рўмол ёки салла устидан пешонадан айлантириб боғлаб куйилган. Самарқанд ва Бухорода баргакни тиллақош билан тақиш расм бўлган. Пешонадан бошга томон қистириб куйиладиган тақинчоқлардан «моҳитилло» Самарқанд ва Бухорода кенг тарқалган. Бу тақинчоқ воҳада «бибишак» деб номланган. «Бибишак» ярим ой шаклида бўлиб, узун занжирчаларнинг юқори доирасимон қисми тўғноғич орқали ёки ип билан бошга қистириб куйилган, ярим ой шаклиниң пастки қисмларида кичик қистиргич илмоқлардан бир текис, баъзан узун, баъзан калта шаклда мунчоқ, рангли тошлар занжирга терилиб, ўзига хос кўриниш олган. Воҳанинг қўнғирот аёллари «бушак» номи билан аталувчи моҳитилло кўринишидаги тақинчоқ тақишиган. Сурхондарё вилоят улкашунослик музейида «синсила», «тиллақош», «зулфи тилло» каби анъанавий пешона тақинчоқлари халқимиз моддий маданиятининг қимматбаҳо намуналари сифатида сақланмоқда. Чакка тақинчоқларидан - «гажак» жуфт ҳолда ипак иплар, яъни дугоча билан чаккага қистирилган. Ўзбекистонда гажакларнинг икки хил кўриниши маълум бўлган. Булардан бири Бухоро гажаклари калам пирсимон шаклда ясалган бўлса, иккинчиси Тошкент аёлларининг гажақлари бодомсимон кўринишда бўлган.

Чаккага тақиладиган тақинчоқлар асосан кумуш, мис, баъзан олтиндан ясалиб, хилма-хил тошлар, катта-кичик уйма нақшлар билан безатилган. Воҳада чаккага тақиладиган тақинчоқларни келинлар, қизлар асосан

сайллар ва тўйларда тақишган. Республикализнинг бошқа худудларида кушлар, хайвон шохлари тасвири туширилган қулоқ-чакка тақинчоқлари ҳам маълум бўлган. Жумладан, Бухорода «қуш дуо», «қуш кокили», Хоразмда «бутун тирноқ», «ярим тирноқ» ва «хўкиз шохи» номлари билан чакка-қулоқ тақинчоқлари кенг тарқалган.

Воҳа аёлларининг тақинчоқлари ичида сиргалар алоҳида ажралиб тўрган. Сирғалар турли ёшдаги барча аёлларнинг нафақат байрамона балки кундалик тақинчоқларидан ҳам бири ҳисобланган. Махаллий аҳоли қулоққа тақиладиган тақинчоқларни «сирға», «исирға», «халқа», «балдоқ», «зирак» каби атамалар билан номлаган. Ўзбекистонда худудий белгиларига кўра сирғалар Бухорода «шибирма», Тошкентда «зирак», Самарқандада «баргак», Фарғонада «балдоқ» деб аталган. Сирғалар шакли ва кўриниши билан бир-биридан кескин фарқланган.

Шеробод туманининг Пашхурт, Майдон, Гоз қишлоқларида аёллар доира шаклидаги осилчоқларсиз турли хил ақиқ, ёкут, зумрад, гавхар кўзлар қўйиб ясалган сирғалар тақишган. Бу «муҳаммади сирға» деб аталган. «Муҳаммади» сирға жаннатдан хурлар томонидан келтирилган деб тасаввур қилингани боис шу ном билан аталган. Кекса ёшли аёллар умрининг охиригача бундай сирғаларни тақсанлар ва улар вафот этганидан кейингина сирғани ечиб олишган.

Қулоққа тақиладиган тақинчоқлар воҳанинг тожик аҳолиси орасида «балдоқ», «маҳақ», «қашғари», ўзбекларнинг тоқчи, қўнғирот уруғларида «халқа», «исирға» деб юритилган. Осиличоқлари бўлган сирғалар осилчоқларининг сонига қараб уч оёқли, беш оёқли, ўн оёқли, ўн бир оёқли сирға деб номланган. Воҳада ўн, ун бир оёқли сирғаларни ўзига тўқ аёллар қулоқларининг тешиги катталашиб йиртилиб кетмаслиги учун иплар билан қулоқ устидан бошга қистириб қўйишган. Аёллар сирғалари ичида бир-бирига туташиб кеттан, нақшлар билан безатилган сирғалар кенг тарқалган бўлиб, аҳоли орасида якка сирға - «халқаи яккадур», ойнали сирға - «ҳалдаи ойнадур» деб юритилган. Воҳада кенг

тарқалган уй исирга ярим кўчманчи ҳаёт кечирган ва асосан ўтовларда яшаган аҳолининг анъанавий уйлари-ўтов, қора уй ва унинг керагалари кўринишига монанд рамзий шаклда ясалган. Воҳада XIX асрнинг охирида ўрта ёшдаги аёллар орасида «қозик исирга», «ой балдоқ» каби сиргалар тақиши расм бўлган. Қозик сирға қумушдан ясалган ва узун тик кўринишида бўлиб, қулоқларга ўтказиладиган қисми катта илгаксимон ёки қозик кўринишида бўлган ҳамда турли хил мунчоқлар ва тошлар билан безатилган. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, қозик шаклидаги сиргалар бошқа халқларда ҳам учрайди.

Аёлларнинг бурунга тақиладиган тақинчоқлари ҳам жуда қадимий бўлиб, уларнинг тарихи узоқ, даврларга бориб тақалади. Ўрта Осиё минатюраларида (XV-XVI асрлар) тасвирланган аёллар бурнида халқасимон тақинчоқлар учрайди. Республикамизда бурунга тақиладиган тақинчоқлар «арабак», «латиба», «холбини», «холчуп» деб аталган. Бурунга тақиладиган сиргалар асосан буруннинг икки четига, буруннинг парракларига ва буруннинг ўрта деворига тақилган. Бурун нинг ўрта деворига тақилганлари «булови», «ўрта натти», буруннинг четига тақилса «чет натги», «аравак» деб аталган. Бойсун тарихий ўлкашунослик музейида эса мисдан ясалган, Вилоят ўлкашунослик музейида қумушдан ясалган «латиба» сақланмоқда. Воҳада латиба, натти, латбинни атамалари билан маълум бўлган бурун тақинчоқлари асосан магик тасаввурлар, яъни ёмон кишилар назари, қарашларидан сақловчи, ҳимояловчи восита сифатида тақилган. Бундан ташқари, бурун тақинчоғининг айнан қайси мақсад билан тақилганлиги хақида илмий адабиётларда маълум бир хуносалар мавжуд бўлсада, бу ўринда шуни айтиш мумкинки, заргарлар томонидан яратилган ушбу тақинчоқ безак сифатида эмас, балки кўпроқ халқимизнинг магик қарашларини узида ифода этувчи ашё тарзида тақилган.

Соч тақинчоқлари. Ўзбек аёллари қадимда ялангбош юргаганлар. Улар рўмол ўрашган ва соchlари кийгичлар остида йиғилиб, ихчам бўлиб

туриши учун турли хил кўринишдаги сочга тақиладиган тақинчоқлар тақишиган. Турмушга чиқсан қизлар ипак ва пахтали иплардан қўлда тўқилиб, учлари турли хил темир найчалар, феруза тошлар билан безатилган қора рангли соч пўпакни безак сифатида ва ёмон кишилар назаридан сақланиш мақсадида соchlарига тақишиган. Соch попук хар бир соch ўрими учига соch билан бирга урилиб узун ҳолатда юрганда сочпопукнинг найчалари бир-бирига урилиб, ўзига хос қўнғироқдек овоз чиқарган. Соchпопукнинг «зар кокил», «туф» деб аталган маҳсус найчаларидан соch ўтказилиб, соch ўримларига тақилган. Ясалиши жиҳатидан анча мураккаб бўлган соch попуги кумуш, мис, тангалар билан безатилган. Воҳада ўрта ёш аёллар «садаф», «ситора» деб аталган соch безаклари тақишиган. «Садаф»-матога оқ тугмачалар қадаб, пастида қора ипакдан тикиб чиқилган қатор-қатор осилчоқлар туширилган. Ситорада тугмалар ўрнида тангалар ва металлардан турли хил шаклдаги тўғноғичлар матога қистириб чиқилган ва соch ўримлари устидан елка бўйлаб боғлаб қўйилган. Воҳада кенг тарқалган соch тақинчоқларидан «жамалак», «жумалак», «кокул» соch ўрамларининг ҳар бирига тақиладиган ипакли, пахтали иплардан тўқиган қора чилвир иплар шаклида бўлиб, учларига майда-майда мунчоқлар, пўпакчалар тақилган. Ярим кучманчи ҳаёт кечирган қўнғирот, юз аёлларида ушбу соch тақинчоғи «чолбанд» номи билан кенг тарқалган. Ушбу атамада халқимизнинг чолу кампир бир-бирига доимо яқин, ҳамдард бўлиб юрсин деган қарашлари асосида икки ўрим сочга тақилган тақинчоқ учлари бир-бирига боғлаб қўйилган.

Бўйин ва кўкрак тақинчоқлари. Бўйинга тақиладиган тақинчоқлар воҳада «мунчоқ» номи билан аталсада, лекин уларнинг кўплаб маҳаллий турлари мавжуд бўлган. Жумладан, булардан энг кўп тарқалгани маржондир. Маржон бир неча шодаларнинг алоҳида тўқимасидан тузилган бўйин тақинчоғи бўлиб, улар ҳам ўз навбатида «калампир маржон», «чўлпи маржон», «мургак маржон» каби номлар билан аталган. Мурғак маржон-Самарқандда қуш тасвири туширилган

мунчоқ, ёки металл шаклларидан иборат бўлган.

Аёлларнинг анъанавий бўйин тақинчоқларидан воҳада кенг тарқалганларидан яна бири танга мунчоқдир. Мазкур мунчоқ, турли хил тангалар орасига хилма-хил тошлар, рангли мунчоқлар қўйиб тайёрланган. Хафабанд, гулбанд ҳар хил рангдаги майда мунчоқларнинг бир текис нақш бериб тизиб чиқилиши асосида ясалган ва қўчкор шохи, ромб шаклидаги нақшлар билан безатилган. Ушбу тақинчоқларнинг келиб чикиши ва оммалашишига аёлларимизнинг магик қарашлари, яъни кайгуни, гамғуссани боғлаб, фақат кувонч ва шодлик келтиради деган қарашлари асос бўлган. Воҳа қўнғиротларида бу тақинчоқ, аҳоли орасида «хапамат» номи билан аталган. «Гулбанд» номли бўйин тақинчогини асосан воҳанинг тогли аҳолиси аёллари таққанлар. Чунки чорвачилик билан шуғулланиб, тоғларда яшаган халқ орасида қизамиқ касаллиги, яъни баданга қизил тошмалар тошиши хасталиги тез-тез учраб тўрган, уни халқ, «гул касали» деб атаган ва шу сабабли аёллар бўйнига тақиладиган «гулбанд» шу гул касалини даф қилиш, мақсадида хафабандга нисбатан ингичкароқ кўринишда бўлган майда мунчоқлар шодасини томоқ остидан бўйинга сиқиб тақишиган.

Халқимизда кўкракка тақиладиган тақинчоқларнинг кўплаб турлари маълум бўлган. «Ўрта Осиёда жумладан, Ўзбекистонда кенг тарқалган «зебигардон», «нозигардон», «тавқ», «жевак» қабилар шулар жумласидандир.

Бутун Ўзбекистонда аёлларнинг анъанавий кўкрак тақинчоғи сифатида кенг тарқалган «зебигардон» ўртасида айлана безаклари бўлган қават-қават узун занжирсимон кўринишдаги учбурчак туртбурчак ромбсимон шаклларда мавжуд бўлган. «Зебигардон»ни воҳанинг шаҳарлик аёллари, айниқса, турмушга чиқсан қизлар туйдан кейин келинликнинг кўрки сифатида тақиб юришган. Зебигардон қўнғирот, юз аёлларида «ҳакал», тожик чигатойларда «зебисина» деб номланган. Зебигардон тузилиши анча мураккаб, кўринишидан безакка

бой ва рангбаранг, ўртасида уч япроқли ёки ғунча шакли билан безатилган йирик бодом нусха турунж (медальон) жойлашган. Унинг ҳар икки томонида учта, тўрттадан ромб шаклидаги пластинкалар қадалиб, пластинкалар бир неча занжир қаторлари билан турунжга маҳкамланган. Катта турунжнинг юқорисида яна бир турунж жойлаштирилиб, ҳар икки томонидан занжирлар ёрдамида пластинкаларга бирлаштирилган. Турунж ва ромбсимон пластинкаларнинг гирди турли хил шишалар, феруза, ёқут кузлар билан безатилган. Марказий турунж (медальон) аҳоли орасида «тавқ» ёки «қуш» деб юритилган.

Кўкрак тақинчоқларидан яна бири «нозигардон» дир. Бу тақинчоқ тузилишидан зебигардонга ўхшаш бўлган. Ушбу тақинчоқ, воҳага савдогарлар томонидан Тошкент, Самарқанд, Фарғона шадарларидан келтирилган. Кўкракка тақиладиган «тавқ», «жевак» номлари билан аталувчи тақинчоқлар Бухоро заргарлари томонидан ясалган ва ўзига тўқ бой бадавлат аёллар тақишиган. Воҳада аёлларнинг кенг тарқалган кўкрак тақинчоқларидан яна бири танга ва тугмалардан ясалган «тупбоғи» ёки «тупбови» бўлиб, у турли хил нақшли ипларни бир-бирига туташтириб, унга турли хил мунчоқ, маржон ва тангаларни тизиб чиқиб ясалган. Майда мунчоқлардан ипга тизиб тайёрланган тақинчоқларни кўпроқ қизлар тақишиган. Агар қизларга қизамиқ тошмаган бўлса, улар майда мунчоқлар тизиб тайёрланган бўйин тақинчоғи тақишимаган. Бу билан аҳоли орасида «гул» номи билан аталувчи қизамиқ касалик қизларнинг баданига тошмасдан шу тошмалар ички аъзоларга тошиб уларни касалманд қилиб қўяди деб ўйлашган. Кенг тарқалган кўкрак безакларидан «гарди хазина» оқ-қора ёки хилма-хил рангли мунчоқдардан нақш бериб ипга тизиб тайёрланган. Воҳада худди шу кўринишдаги бўйин тақинчоғи «шавғин» номи билан ҳам аталган. Бир неча хил рангли мунчоқларнинг орасига ип боғлаб чиқилиши натижасида мунчоқ шодаси ўзига хос тўлқинсимон кўриниш олган. Аёллар чин маржондан ёки табиий ўсимликдан, яъни қалампирмунчоқдан бир неча қаторини ипга тизиб тақиб юришган.

Воҳада аёлларнинг «тангамунчоқ,» деб номланган бўйин-кўкрак тақинчоғи ҳам кенг тарқалган. Бухоро ўйма тангалари воҳада «ҳамал танга» деб юритилган. XX асрнинг бошларига келиб бутун Ўзбекистонда бўлгани каби аёлларнинг бўйин-кўкрак тақинчоқларида рус тангалари ҳам ишлатила бошланди. Тангалар бир-бирига занжирлар ёрдамида, баъзан ип воситасида биркитилиб, кўп ҳолларда тангалар бир бўлак матога тизиб тикиб чиқилган. Воҳада «пошшойи танга» деб аталган мис, кумуш тангалар бир-бирига илмакчалар билан илдирилган ҳолда ўзига хос нақш бериб ясалиб, аёлларнинг анъанавий кўкрак тақинчоқлари сифатида кенг тарқалган.

Аёлларнинг бўйин-кўкрак ва қултигига тақадиган тақинчоқларидан пардоз ва безак вазифасини бажарувчи «пешовуз», «пешхалта» ва турли хил хажмдаги учбурчак тўртбурчак шаклдаги металл туморлар бир томондан безак кўрк вазифасини бажарса, иккинчи томондан аёлларимизнинг магик қарашлари асосида турли хил инсу-жинслардан химоя вазифасини ҳам ўтаган.

Тўғноғичлар - турмушга чиқсан аёлларнинг ўйма узун тик ёқасига тақилган. Улар воҳанинг юз, қўнғирот уруғига мансуб аёлларида «тўй noctis», тожик-чигатой аёлларида «қулфи гирибон» - ёқа кулфи маъносига ёки «садаф» номлари билан аталган. Уни тақиш учун кўйлак ёқасига қистирилган. Тўғноғичлар ялтироқ тугма шаклида айлана, ромб, япроқ кўринишида бўлган. Тўғноғични асосан турмушга чиқсан аёллар тақишиган, уни қизлар тақишимаган.

Белга боғланадиган боғлов тақинчоқлари ҳам хилма-хил кўринишида бўлган. Эркаклар тўй, тантана, куча кийимларида камар тақишиган. Камарлар жимжимадор, қуббасимон нақшли, ўтказгичлари металдан ясалиб, яримой, қуёш, барг шаклида бўлган.

Тақинчоқлар миллий-бадиий маданият тарихининг ажралмас қисми бўлиб, улар халқнинг олис ўтмишдаги олий мақсадларини ўрганишда ёрдам беради. Неча минг йиллар давомида халқимиз тақинчоқларида зийнат,

наффосат, безак вазифаларидан ташқари иримлар билан боғлиқ, хусусиятлар ҳам мужассамлашган. Тақинчоқларнинг асосий вазифаси ва уларни ясашдан мақсад бир томондан кишиларга завку-шавқ багишлаш, уларга зеболик бахш этишдан иборат бўлса, иккинчи томондан тақинчоқлар хар хил бало-қазо инсу-жинслардан асровчи яхшиликка элтувчи, савоб келтирувчи баҳт-иқбол эшигини очувчи кароматларга эга доб ҳисоблашган.

Қадимий урф-одатлар, анъаналар ўзига хос шаклда, мукаммал сақлангаи худудлардан Бойсун туманинг ўзбеклар ва тожиклар яшайдиган қишлоқларида аёллар бўйин, кўкракка тақиладиган тақинчоқларга алоҳида эътибор билан қарашган. Бўйинга ёпишган ҳолда тақиладиган «гулбанд», «хапамат» тақинчоқлари безак бўлишдан ташқари, асровчи ва аҳоли орасида «гул» номи билан кенг тарқалган юқумли «қизамиқ» касалидан асраш ва аёлларга хушнидлик, хурсандчилик берувчи безак сифатида ҳам тақилган.

Бойсунда тумор вазифасини утайдиган буюмлар ёмон куздан, бало-қазодан ҳимоя сифатида тақилган. Турли хил ўсимлик гиёҳлар хайвонлар тиши, тирноғи аёллар ёқасига ёки елкасига тақиб қуйилган. Ҳайвонлардан бўрининг тиши, айик, бургут тирноғи, илон ва балиқ суяги ҳам ҳимоя вазифасини бажарган ва шу хайвонларнинг қуввати, хислатлари кишига ўтади деган қараш асосида тақинчоқ тумор сифатида тақилган.

Аёллар, «ош-халоллик» рамзи сифатида қўлга кумуш, жез узук тақиб юришган, агар қўлга бирорта узук тақилмаса, ана шу қўл билан пиширилган таомлар, бажариладиган юмуш ноҳалол, нотоза ҳисобланган.

Келин туширишда келинга аталган саруполар ичидаги тақинчоқлар, куёв тўйидан олдин совға сифатида ёки никоҳ рамзи сифатида келинга шунингдек, узук совға қилинган. Аҳоли орасида тақинчоқлардаги хар бир қисм, белгига алоҳида рамзий қарашлар бўлиб табиат кучларига сигиниш асосида «ой балдоқ», сирга, кўкракка тақиладиган «ситора» (юлдуз) тақинчоқлари ҳам халқимизнинг қадимий ислимий қарашларни билан боғлиқ. Бойсунда алоҳида рамзий белгиларни ифодаловчи «ойнали сирға» кенг

тарқалган.

Никоҳ либосларида ҳам зебу - зийнат буюмларини кўрамиз. Тақинчоқлар аёлларнинг бошлари узра ташланган, пешона, бўйин, кўксини қоплаган шу йўл билан келиши мумкин бўлган дарду-балоларнинг олдини олганлар.

Воҳада эркакларнинг қишки мавсумий кийимлари пўстин, кебэнаклар устидан боғлаб қўйиш учун хайвон терисидан қамиш ва тол пўстидан тўқима рўмоллар тайёрланган. Эркакларнинг камар боғлашида магик қарашлар, яъни бой бадавлатлик касб-кор, маълум бир хизматда машғуллик маросим ва удумларнинг рамзий белгисини ўзида ифода этган. Хонлар, амирлар камарининг қимматбаҳо тошлар билан безатилиши уларнинг иқтисодий қудратини англатса, дарвешлар камаридаги маҳсус тош ва нақшлар уларни атрофдаги бошқа кишилардан ажратиб турган. Эркаклар камарларига ҳамён, пичоқ ва носдон осиб юришган.

Воҳа аёлларининг кийимларида боғловлар безак сифатида ишлатилмаган. Аёллар хўжалик ишларини бажаришда, гилам тўқишида ва бошқа юмушларни қилишда чаққон, тетик бўлиш учун белларига рўмол боғлашган.

Кўлга тақиладиган тақинчоқлар - «билақузук», «дастбона», «дастмона», «дастахон» номлари билан юритилгаи бўлсада, бу тақинчоқ воҳада кўпинча «билақзук» номи билан машхур бўлган. Кумуш ва мисдан ясалган билагузуклар асосан жуфт ҳолда ясалиб, икки қўлга тақилган. Билақузуклар сирғалар каби хилма-хил бўлиб, ўзининг шакли ва безаклари билан бир-биридан фарқланган. Билақузуклар икки хил кўринишида, яъни айлана халқаси бир-бирига туташган ва халқа қисми бир-бирига туташмаган билакузукларга бўлинган. Билақузукларда ўсимлик ҳайвонот дунёси асосий безак услуби сифатида олиниб, бурама илон шакли ва ҳайвонларнинг ўткир тишлари ва жимжимадор ўйма нақшлар безак учун асос қилиб олинган. Билақузукни бир-бирига туташтириш учун узун найчадан темир ўтказилиб, бу билан гўёки билакузуклар

қулфланган. Қулф вазифасини ўтаган темирдан занжир осилтириб қўйилган. Воҳада қизлар турмушга чиққанларидан сўнг қўлларига билакузук тақишган. Хўжаларга мансуб ўрта ёш аёллар ҳар доим бир қўлларига билакузук тақишган. Уларнинг тассавурича, билакни очик, қўйиш гуноҳ ҳисобланган. Турли хил мунчоқлар-маржон, кузмунчоқ, тизиб тайёрланган «понча», «панжа» «дастак каби билак тақинчоқлари қизларга ёшлигидәёқ тақилиб, турли хил кўз, суқ тегишидан, ёмон кишилар назаридан сақловчи ўзига хос ҳимоя вазифасини ўтаган.

Қўлга тақиладиган тақинчоқлардан яна бири узук бўлиб, у аёллар ва эркакларнинг оммавий безак буюми сифатида воҳада ҳам кенг тарқалган. Кекса кишиларнинг таъкидлашларича, аёллар доимо қўлларига узук тақиши лозим бўлган. Чунки халқона тасаввурга кўра, қўлга узук тақмаган аёлнинг рўзгор ишларини бажариши «ҳаром», макруҳ ҳисобланган. Аёллар узуги Республикализнинг турли худудларида турлича номланган. Халқимизда аёллар ижтимоий-иқтисодий шароитидан келиб чиқкан ҳолда бир неча узукни кўрсаткич, номсиз, чимчилоқ бармоқларига тақишган. Эркаклар учун узук нафақат тақинчоқ, безак вазифасини, балки муҳр ичида дуолар ёзилган тумор вазифасини ҳам бажарган. Воҳада узукларни амалдорлар, қози, бой, күшбеги, шайх ва бошқалар тақишган. Эркаклар узуги кишининг жамиятдаги иқтисодий ўрнини, қайси табақага мансублигини ҳам билдирган. Мархумларни юувучи «мурдашуй»лар паст табакага мансуб кишилар сифатида ўрта қўлларига кумуш узуклар тақиши шарт бўлган. Узуклар тумор вазифасини ҳам ўтаган. Шунингдек, кекса ёшдаги кишилар кумушдан ясалган, тош қуйилмаган «ражаби» деб аталган узук тақишган. Узук тақиши қадимда бойлиқ ризқ, насиба, подшолар учун адолат рамзи ҳисобланган. Дунёнинг кўплаб халқларида тўй қуни келин-куёв никоҳ рамзи сифатида қўлларига узук тақишган. Жумладан, воҳада ҳам никоҳ узуги - «шохнак» неча минг йиллардан буён никоҳ, оила, садоқат, севги рамзи сифатида қадрланиб, тақилиб келинмоқда.

Умуман олганда ўрганилаётган даврда тақинчоқларнинг хилма-хил турлари маълум бўлиб, улар кўрк, безак, магик химоя, халоскорлик сифатларини ўзида мужассамлаштирган эди. Тақинчоқлардаги шакллар, нақш безаклари, рамзий белгилар кишиларнинг эътиқоди, атроф-муҳит олам ҳақидаги қарашлари, табиат ва моддий олам билан узвий боғлиқликни ўзида мужассамлаштирган. XIX аср охири - XX аср бошларида Сурхон воҳасида кенг тарқалган тақинчоқлар халқимизнинг турмуш тарзи, хўжалик машғулотлари, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти, диний қарашлари билан боғлиқ ҳолда ўзида маҳаллий - ҳудудий белгиларни ҳам тўла сақлаб қолган.

ВОХА АЁЛЛАРИНИНГ СОЧ, ЮЗ ПАРВАРИШИ БИЛАН

БОҒЛИҚ МАШГУЛОТЛАРИ ВА ПАРДОЗ

БҮЮМЛАРИ

Маълумки, аёллар ҳамиша гўзалликка интилиб яшашган ва қадимдан ўзларига оро бериш сирларини билишган. Воҳада аёллар махаллий шароитга мос равишда пардоз беришнинг, соч, юз парваришининг анъанавий усулларидан фойдаланганлар. Аввало биз тадқиқотимизнинг мазкур қисмида соч парвариши ва у билан боғлиқ, қарашлар хақида тўхталиш жоиз. Халқимизда сочнинг сехрли кучи хақидаги анимистик қарашлар ва у билан боғлиқ, удумлар, ирим-сиримлар кўп учрайди¹. Ўрганилаётган даврда аёлларимиз гарчи яланг бош юрмасаларда, соч турмаклаш ва соч парваришига алоҳида эътибор билан қараганлар. Одатда аёллар соchlарини қатиқ билан ювганлар. Кекса ёшлиларнинг таъкидлашларича, қатиқ сочни юмшатиш хусусиятига эга экан. Қизлар ҳамиша соchlари узун, толаси мустаҳкам бўлишини хохлаганлар ва шу боис улар соchlарини эрта кўкламда ток суви, баҳор ёмғири, қор суви билан ювишган. Воҳа аёллари соч толаси мустаҳкам бўлиши учун соchlарини ўсма суви, тухум сариfi, майса шираси билан ҳам ювганлар. Соchни қорайтириш учун ивтиилган гуруч сувидан ҳам фойдаланганлар.

Воҳа аёллари соchlаридаги қазфоқларни тозалашда ҳам табиий маҳсулотлардан фойдаланганлар. Бунинг учун суюқ қатиқни халтага солиб ундан сизиб чиқсан зардоб, яъни «сариқ сув»га соchlарини ювган.

Аёллар соч ювишда хафтанинг яхши кунларини танлаб олишиб, уни «сағат куни» деб, соч ювиш ман этилган кунни эса «бесагат кун» деб номлашган. Воҳа қишлоқларида кимдир вафот этган бўлса, шу куни қизлар бош ювишмаган, кекса аёллар эса уч кунгача бош ювишмаган». Мархум қабрга қўйилгунга қадар соч ювилса, бошга «ўлик яра» тошади, ёки қизларнинг баҳти боғланади деб ишонилган. Оилада ота-она ёки яқин киши вафот қилса, эркаклар «мархумнинг савоби» учун соchlарини олдириб ерга кўмганлар. Гуёки нариги дунёда мархумнинг савоби ва

гуноҳлари тортилаётган тарозига солинган мархумнинг савобларига яқинларининг сочи ҳам қўшилиб, савоб олиб берар экан. Сочга пешонадан юқорига қараб қўйиладиган «фарқ» (арабча бўлиниш) кўп ҳолларда тўғри тик ҳолда бўлган. Қизлар, келинчаклар ва кекса ёшли аёлларнинг соч ўримлари бир-биридан кескин фарқ қилган. Қизлар 4-8 қатор қилиб соч ўришган, турмушга чиққан аёллар 10-20 қатор, баъзан қалин соchlар 30-40 қатор қилиб ўрилган. Оилада биринчи фарзанд туғилгач, аёлнинг соchlари тўзғитилиб, икки ўрим қилиб ўрилган ва сочни бундай ўриш аёлнинг бутун ҳаёти мобайнида сақланган . Сочнинг икки ўрим қилиб ўрилиши қиз боланинг аёлликка ўтиши, яъни жуфтлик белгиси ҳисобланган ва икки ёш бир-бирига ҳар доим яқин бўлиб юрсин деган рамзий маънода икки ўрим соchlар жамалак иплар билан бир-бирига боғлаб қўйилган. Қўнғирот аёлларида қиз болаларнинг соч ўримини ўзгартириш, удуми тўйнинг эртаси куни ўtkазиладиган «юз очар» маросимидан сўнг амалга оширилган. Қизлар, келинчаклар сочини бошқа-бошқа аёл ўрган ва бу вазифа катта савоб ҳисобланган. Аёллар қулоқдан чаккага тушиб турувчи «зулф» қўйишган. Воҳада бу «зулфак», «куш зулф», «кокул» деб аталган. Бойсунда яшовчи тоҷик аёлларининг пешонага, сочнинг фарқидан қулоқقا қадар қўйган кокили «пича», «печа» деб аталган ва у тарқатилмаган. Демак тоҷик аёллари икки қатор зулф ёки кокул қўйганлар, биринчи қатор кокул қулоқдан чаккага томон, яъни қулоқ устидан, иккинчи қатор зулф пешонадан қулоқ оркасига томон қўйилган. Келинчаклар зулфлари тузгимаслиги учун майсани сиқиб унинг шираси ёки ўсма сувини зулфларига суртиб қўйганлар. Қиз болалар уй шароитида соchlарига пахтадан йигириб тайёрланган ипларни тақиб куишишган ва бу чилвир ип «пиликча» ёки «пахта пилик» деб юритилган. Воҳада аёллар соchlарига жамалақ соч попук тақишишган. Келинлар, қизлар жамалакларига турли хил мунчоқ, садаф, тутма, кумуш тангалар осиб безатишишган, кекса ёшли аёлларнинг жамалаги оддий қора рангга бўялган ипакли чилвирдан иборат бўлган. Бойсун, Сайроб, Дарбанд, Панжоб, Мачай, Майдон, Пошхурт, Оқтош каби TOF ва тоғолди қишлоқларида аёллар

соchlарига узун қора матодан тайёрланиб устига хилма-хил, танга, мунчоқ, тутмалар қадалган ситора номли соч безагини тақишган. Одатдан бундай соч безагини турмушга чиқаёттan қизлар таққанлар. Шерободда XX аср бошларида никоҳ тўйи маросимларида бой оилалар қизларнинг соchlарига вертикал тик ҳолда бирин-кетин З қатор соч безаклари таққанлар. Бунда дастлаб ипакли қора чилвирдан, учларига мунчоқ, қадалган жамалак солинган ундан кейин қумуш тангалар, садаф тутмалар билан безатилган нуқра пўпак қадалган сўнгра ундан ҳам пастрокқа учларига хилма-хил мунчоқлар қадалган тошкентча мунчоқ пўпак таққанлар. Хуллас, қадимда аёлларнинг соч турмаги кишининг ёшига, оилавий ахволига бевосита боғлиқ бўлган. Бойсун тожикларида турмушга чиқкан қизлар аввал зулф қўйган бўлиб, бу келинликнинг асосий белгиси ҳисобланган. Ёш қизларда соч ўримлари 10-20 тагача бўлган. Она бўлган ва кекса ёшли аёллар сочи икки ўрим қилиб ўрилган бўлиб икки ўрим соч жуфтлик аёллик оналиknинг рамзий белгиси ҳисобланган.

Аёллар ўзларига пардоз беришда хилма-хил анъанавий усувлардан фойдаланишган. Анъанавий усувлардан бири қошга ўсма қўйишdir. Бунда уй шароитида ўстириладиган ўсманинг барги олинниб, қуёшга қўйиб бироз сўлитилгандан сўнг уни сиқиб, ажратиб олинган яшил суюклиги қошларга суртилган. Ўсма тоғларда асосан иссиқ иқлим шароитида ўсан. Воҳанинг хўжа тоифасига мансуб аёллари қошларига ўсма қўймаганлар. Уларнинг тассавурича, ўсма қўйиш гуноҳ ёки енгилтаклик деб қаралган. Ўсма қошга тим қора ранг бериши учун унга кул, баъзи жойларда ипак куртининг гўнгини кўшганлар. Кўпинча ўсма қошда яхши из қолдириши учун уч уни марта қўйишган. Қизлар ўсмага соchlарини бўяганлар, игна учини ўсмага ботириб чаккага, пешонага сунъий хол, қўлларига суртиб билакузук узуклар ҳосил қилишган. Ўсмадан ташқари қош, кўзга сурма суртилган, сурма шифобахш хусусиятга эга деб қаралган, уни кўз ичига суртишган, сурмадан кўпроқ кекса ёшли аёллар фойдаланишган. Сурма уй шароитида тайёрланган. Бунда ёғ суртилган пахтадан тайёрланган тасма чироқда ёқилиб, ундан тушган қора кукун мол

ёги, қўй ёғи билан аралаштирилиб, қора ранг берувчи сурма тайёрланган.

Воҳада қўнғирот, тоғчи, қатағон, тожик чигатой аёллари тишидаги касалликларни даволаш мақсадида, «тишқоли» билан тишларини бўяганлар. «Тишқоли» билан тиш бўяш одати кўпроқ кекса ёшдаги аёлларда кенг тарқалган.

Бойсун туманининг Пасурхи қишлоғида ёнғоқ баргини куйдириб тишга қора ранг берганлар. Кекса аёлларнинг гувоҳлик беришларича, тишни қора ранг билан бўяш одати исломий ақидалар билан боғлиқ, бўлиб, қизлар турмушга чиққадиган кунлари тишларини қорага бўяшган, бу билан келин янги тушган хонадонида эрига, қайнона, қайноталарига гапирганда, кулганда оқ тишлари кўринса, бу хурматсизлик беодоблик ҳисобланган. «Тишқоли»- писта баргига қиздирилган темирдан ажралиб чиққадиган кукунни аралаштириб тайёрланган.

Воҳа аёллари юз парваришида ҳам анъанавий усулларга амал қилишган. Аёллар юзларини чанг, шамол, офтоб таъсиридан сақлаш, терини юмшатиш мақсадида қатиқ, қаймоқ, мол ёғи, узум баргини, юздаги доғларни кетказиш учун эса эмизикли аёлнинг сутини, анжир мевасининг ширасини ва унинг танасидаги сутини юзга суртишган. Бундан ташқари юздаги додларни кетказишда ўзига хос косметик усулларни ҳам қўллашган. Бунга кўра ҳомиладор аёлнинг юзларини доғ қопласа, туғиши вақтида аёлнинг танасидан чиқкан тери билан доя хотин уч марта аёл юзини артса ёки оғироёқ, аёлнинг сочининг учлари билан ёинки она кўкрагидан келган биринчи сут билан артилса, юздаги доғлар йўқ, олади деб ҳисоблаганлар.

Илгари аёлларимиз юзларига сунъий хол қўйишишган ва бу косметик амал анча оғриқли кечган. Аввал игна билан ип олиниб, кўк қора рангли бўёқни қўйдирилган ёққа қўшиб маҳсус суюқлик тайёрланган ва унга ип ивитиб қўйилган, сўнгра бармоқларнинг юқориги қисми ва марказига рангли суюқлик қалин қилиб суртилган ва унинг устида бир неча бор игна ва ип терига қадаб ўтказилган ва игна изи ўрнига рангли бўёқ бир неча

бор томизилган ва шу усул орқали қўлда ҳеч кетмайдиган сунъий хол ҳосил қилинган.

Бойсун туманининг тожик-чиғатойлар яшайдиган Сайроб, Дарбанд, Мачай, Пассурхи қишлоқларида аёллар икки қоши ўртасига ҳам сунъий хол қўйганлар, яъни игна рангли суюқликка ботириб олиниб, айлана шаклда кичик қора ва кўк рангли сунъий хол ҳосил қилинган. Худди шундай сунъий хол пешонага, чаккаларга ҳам қўйилган. Юзга, қўлга сунъий хол қўйиш одати воҳада хозир бутунлай йўқолиб кетиш даражасида.

Шаҳарда яшовчи аёллар қошлари текис ва чиройли бўлиши учун қошларидаги ортиқча тукларни ип ва ўткир учли мўйчинак ёрдамида олиб ташлаганлар. Сурхон қизлари турмушга чиққунларига қадар қош тердиришмаган ва бу одатий хол ҳисобланмаган. Бошқа халқлардаги каби юздаги тукларни олиб ташлаш, яъни юз терисини, тозалаш одати ҳам воҳада учрамайди.

Қизлар, аёллар айрим ҳолларда болалар байрамларда, тўйларда қўл, оёқларини хинага бўяшган, бу анъанавий одат хозирга қадар сақланиб қолган. Шеробод туманининг Мунчоқ қишлоғида болалар сочини хинага бўяшган, аёллар сочини хина билан бўяш эса гуноҳ ҳисобланган. Хинани тайёрлаш, қуритиш, янчиш, қўл ва оёққа қўйиш усуллари барча ҳудудларда бир хил бўлган. Бунда хина ўсимлигининг барглари қуритилиб, янчилиб, қўл кафтига нам ҳолатда қўйилган ва қўл мушт ҳолатига келтирилиб, бир парча латта бўлаги билан боғлаб қўйилган. Оёқларга эса тирноқлар ва товон қисмлари билан қўйилиб, устидан бир бўлак мато билан боғлаб қўйилган, хинадан ўткир сариқ-қизил ранг ҳосил бўлган. Оёқ, қўлдаги хина бўёклари бир ой муддатга қадар кетмаган. Оёқ, қўл ва тирноқларни ранг берувчи ўсимлик сувлари билан бўяш дунёning кўплаб ҳудудларида жануби-шарқий Европа, Осиё ва Африка қитъаларида ҳам кенг тарқалган.

Бутун Республикамизда ўсадиган ва аёллар томонидан косметик ашё сифатида фойдаланиладиган хина ўсимлиги оёқ, шишларини даволаб,

қўл-оёқнинг иссиқ ва совуқда қизариши, қаваришини олдини олган, хина шифобахш гиёҳ сифатида халқ табобатида ҳам ишлатилган.

Илгари воҳада фабрикаларда тайёрланган атирупалар бўлмагани сабабли табиий гиёҳлардан ёки крахмал ва кумуш қукуни каби табиий ашёлардан тайёрланган упалар бозорлардан харид қилинган. Аёллар инсу-жинсларни хайдаш, ёвуз руҳлардан химояланиш, қолаверса, ўзларидан ёқимли хид тарқатиш мақсадида ўткир хид тарқатувчи гиёҳлар, хусусан, ялпиз, райхон, жийда баргларини кўйлак ёқаси ёки рўмол четларига қистириб юришган. Аёлларнинг анъанавий косметика (пардоз) усуллари билан бирга, пардоз буюмлари ҳам бўлган. Пешхалта, қулоқ тозалагич-қушковак қоштергич-муйчинак қошчиноқ, тиш тозалагич-дандонковак, бурун тозалагич-барак хурак каби номлар билан аталган. Ҳар бир алоҳида ясалган пардоз буюмлари марказида атирдон турган. Уларнинг барчаси доирасимон халқага тизиб ясалган ва кўкракка тақиб қўйилган.

Халқимизнинг соч турмаклаш, пардоз ва оро бериш борасидаги анъанавий усуллари хилма-хил бўлган, уларнинг кўплари хозирда аёлларимиз томонидан қўлланилмасада, ўсма, сурма, хина қўйиш (табиий гиёҳлардан фойдаланиш) сингари баъзи бир анъанавий косметик усуллар ўзининг аҳамиятини йўқотмаган. Соch ўриш, қош териш, юз тозалаш каби пардоз усуллари аёлларнинг ёшлари билан боғлиқ бўлган. Аёлларимиз тўй, байрамларда очик, юз, яланг бош юрмасаларда, доимо ораста ва гўзал бўлишга харакат қилишган, «онагни отангга пардозсиз кўрсатма», «дунёни гўзаллик кутқаради» каби халқ мақоллари ҳам аёлларимизнинг доимо ўзларига оро бериб, пардоз қилиб юришлари, уларнинг янада латофатли, гўзал бўлишларига ёрдам беради деган хаётий хуносага олиб келади.

ЗАРДҮЗЛИК САНЬЯТИ

Зардўзлик — безак санъати тури; амалий санъатнинг зар, (тилла ва кумуш суви юритилган) ип, нозик сим, ипак билан кашта тикиб безак яратадиган соҳаси. Туртбурчак чамбаракка (корчупга) ўрнатилган бахмал, шойи, мовут, чарм ва бошқа матоларга зардўзи усулида кашта (гул, нақш, тасвир) тикилади. Каштада баъзан металл, тош, шиша мунчоқлар ҳам ишлатилади, турли матолар (бахмал, шойи ва б.)дан қуроқ қилинади. Олдиндан тайёрланган (рассомлар томонидан яратилган мужассамот нусхаси куцирилган) ахта қофозлардан кенг фойдаланилади. Матога мустаҳкамланган (тикилган ёки ёпиширилган) ахта қофоз зар ип билан бир томонлама қоплаб тикилади (мустаҳкамловчи чок учун зар ипга мос рангдаги ипдан фойдаланилади), натижада нақшгул юзаси зар иплар билан қопланади, матонинг тескарисида нақш-гул шаклигина ҳосил бўлади. Зардўзлар безак яратишда бир неча усулни қўллайдилар: зардўзи заминдўзи ва зардўзи гулдузи, шунингдек биришимдўзи (ипак ишлатилганда), пулакдузи (тугмасимон металл япроқчалар қўлланганда) ва бошқалар. Мустаҳкамловчи ва таҳрир чокларнинг бир неча хилини мохирона қўлланилиши ҳамда уларнинг нақш мужассамоти билан уйғунлашуви зардўзи буюмларга жозиба ва нафосат бахш этади; уларнинг бадиий қиммати нақш мужассамоти, хом ашёси, тиқилиши ҳамда зардўз устанинг дид ва маҳоратига боғлиқ. Нақш мужассамотида кенг тарқалган анъанавий ўсимликсимон нақшлар ва хандасий шакллар — давқур, дарҳам, донача, бодомой, бутадор ва бошқалардан фойдаланилади.

